ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ш.АЛЛАЯРОВ, Д. ТОШМУХАММЕДОВА

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

(Ўқув қўлланма)

.

ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2014

Ш.Аллаяров, Д. Тошмухаммедова. Давлат пенсия таъминоти (ўқув қўлланма) – Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2014, бет.

Мазкур ўқув қўлланма “Давлат пенсия таъминоти” фанининг наъмунавий ва ишчи дастури асосида ёзилган бўлиб, унда давлат пенсия таъминотининг назарий ва ташкилий асослари, давлат пенсия таъминотини амалга оширишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг аҳамияти, давлат пенсия таъминотининг турлари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг хусусиятлари, ривожланган мамлакатларда давлат пенсия таъминотини ташкил этилиши каби масалалар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳамда давлат пенсия таъминоти билан қизиқувчан барча китобхонларга мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

У.Ў.Азизов – *иқтисод фанлари номзоди, доцент*

Тақризчилар: **И.Х.Абдурахмонов** – *иқтисод фанлари номзоди, доцент*

З.Х.Каримова – *иқтисод фанлари номзоди, фахрий профессор*

© **Ш.Аллаяров, Д. Тошмухаммедова.**
Давлат пенсия таъминоти.
“IQTISOD-MOLIYA» 2014 й.

МУНДАРИЖА

1-БОБ. ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.

1. Давлат пенсия таъминоти ижтимоий таъминот тизимининг таркибий қисми сифатида.
2. Пенсия таъминотининг моҳияти, зарурлиги ва вазифалари. Пенсия таъминоти давлатнинг ижтимоий институти сифатида.
3. Пенсия таъминоти тизимлари, уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари.

2-БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

1. Пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Мустақиллик йимлларидан олдинги Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳолати.
3. Мустақил Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари.

3-БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ.

1. Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш воситалари ичида пенсия таъминотининг тутган ўрни.
2. Давлатнинг пенсия таъминоти борасидаги сиёсатининг мазмуни ва вазифалари.
3. Пенсия таъминоти борасидаги ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми дастак ва воситалари.

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ МЕХАНИЗМИ

1. Ўзбекистонда пенсия таъминотини давлат томонидан тартибга солиш асослари.
2. Давлат пенсия таъминотини бошқариш органлари, уларнинг гуруҳланиши.
3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг моҳияти ва зарурлиги.

5-БОБ. ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ ПЕНСИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

1. Давлат пенсияларининг турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари. Ёшга доир пенсиялар ва уларни тайинлаш асослари.
2. Ногиронлик пенсиялари, уларнинг мазмуни.
3. Фуқароларнинг боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг тайинланиши.

6-БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш ва бошқариш механизми

7-БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

1. Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари турларининг умумий тавсифи.
2. Ривожланган хорижий давлатларининг пенсия тизимлари.
3. Ривожланаётган давлатлар пенсия тизимларинг хусусиятлари.

ГЛОССАРИЙ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

СОДЕРЖАНИЕ

1-ГЛАВА. НЕОБХОДИМОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

1. Государственное пенсионное обеспечение как составная часть системы социального обеспечения.
2. Сущность, необходимость и задачи пенсионного обеспечения. Пенсионное обеспечение как социальный институт государства.
3. Системы пенсионного обеспечения и их особенность.

2-ГЛАВА. ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

1. Формирование и развитие системы пенсионного обеспечения.
2. Состояние пенсионного обеспечения Узбекистана до независимости. е
3. Этапы развития системы пенсионного обеспечения в годы независмости Республики Узбекистан.

3-ГЛАВА. ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПО ПЕНСИОННОМУ ОБЕСПЕЧЕНИЮ

1. Пенсионное обеспечение как средство осуществления социальной политики.
2. Содержание и задачи политики государства по пенсионному обеспечению.
3. Рычаги и средства механизма осуществления социальной политики по пенсионному обеспечению.

4-ГЛАВА. МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПЕНСИОННОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

1. Основы регулирования пенсионного обеспечения государством в Республике Узбекистан.
2. Органы управления государственного пенсионного обеспечения и их типы.
3. Сущность и необходимость внебюджетного Пенсионного фонда.

5-ГЛАВА. ПЕНСИИ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И ИХ ОСБЕННОСТЬ

1. Виды государственных пенсий, их особенность. Пенсии по возрасту и основы их назначения.
2. Содержание пенсий по инвалидности.
3. Пенсии по случаю потери кормильца и порядок их исчисления

6-ГЛАВА. СИСТЕМА НАКОПИТЕЛЬНОГО ПЕНСИОННГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

1. Содержание и значение накопительного пенсионнго обеспечения
2. Механизм формирования и управления накопительной пенсионной системы.

7-ГЛАВА. ОСОБЕННОСТИ ПЕНСИОННЫХ СИСТЕМ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

1. Общая характеристика типам пенсионных систем зарубежных стран.

2.Пенсионные системы развитых стран.Ривожланган хорижий давлатларининг пенсия тизимлари.

3. Особенности пенсионных систем развивающихся стран.

ГЛОССАРИЙ

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Кириш

Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади. жиҳатдан ҳам давлат пенсия таъминоти тизимига ва уни амал қлиш механизмларини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Маълумки, давлат пенсия таъминоти тизими фуқароларнинг пенсия ёшига етганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бошқаришнинг молиявий асосини ташкил этиш, пенсия таъминоти органлари фаолиятини бошқариш, тегишли ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборат. Давлат пенсия таъминотининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиёти ва энг аввало, унинг ижтимоий соҳаси ҳолатини ҳарактерлайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб у тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш тамойиллари асосида амал қилиб боради.

Бугунги кунда жаҳон эътироф этаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш, худудий иқтисодиёт, минтақавий ривожланиш ва маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш орқали янги иш ўринларини яратиш натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ошириш юзасидан Давлат пенсия таъминоти учун молиявий ресурслар манбаларини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамизда замонавий давлат ижтимоий таъминоти тизимини барпо этиш йўлида мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок пухта ўйланган ислоҳотлар олиб бориш мамлакат иқтисодиёти олдида

турган жуда кескин ўзгаришларни юмшоқлик билан амалга ошириш, улар ўз навбатида, давлат ижтимоий таъминоти тизими олдида турган биринчи даражали вазифаларни ҳам аниқлаб берди. Уларнинг орасида Ўзбекистон ижтимоий барқарорлигини таъминлашда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасида жамланма бюджет бўғинларидан молиявий ресурсларнинг йўналтирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида пенсия таъминоти масалаларида ижобий ютуқларга эришилганига қарамасдан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш механизмларини замонавий молиявий сиёсат концепциялари асосида такомиллаштириб бериш ҳам жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш ва уни мақсадли сарфлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Шунингдек, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда мамлакат пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бугунги куннинг дорзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бунинг учун, энг аввало пенсия таъминоти назарияси ва пенсия таъминоти борасидаги давлат сиёсати, давлат пенсия таъминотини ташкил этиш механизмлари, Давлат пенсия таъминоти тизимидаги пенсияларнинг турлари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими борсида фундаменталь билимларга эга бўлмоқ лозим. Мазкур ўқув қўлланма ана шу мақсадлардан келиб чиқиб тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг бюджет ҳисоби, пенсия иши, ғазначилик, молия йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, шунингдек, ушбу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, докторант, магистрант ва илмий изланувчилар ҳамда молия, бюджет, солиқ тизимида

фаолият кўрсатаётган амалиётчи мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

1-БОБ. ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

1. Пенсия таъминотининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароити ўзининг ижобий томонлари билан бир қатор зиддиятли томонлари ҳам мавжуд бўлиб жумладан, мамлакат аҳолисининг даромад жиҳатдан табақалашуви ижтимоий нобарқарорликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бунда, у эса бир қатор аҳоли қатламининг кам таъминланган турмуш кечириш шароити билан бирга юз беради. Мазкур ижтимоий муаммоларни юмшатиш учун ҳар бир мамлакат ўзига хос тарзда ижтимоий сиёсат оли боради. Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат аниқ ишлаб чиқилган ва аҳолининг у ёки бу сабабларга кўра даромад ишлаб топиш имкониятига эга бўлмаган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан қамраб олишга ҳаракат қилади. Мамлакатда самарали ижтимоий таъминот тизимининг амал қилиши вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш имконини беради. Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ижтимоий таъминот тизими инсоният тараққиётининг барча босқичларида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий таъминот иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли хавф хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлат назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан молиялаштирилиши ижтимоий таъминотнинг хусусиятли жиҳатидир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишда янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини

йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бошқа даромад ҳисобга олинган ҳолатда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Пенсия тизими таъминот асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимига хизмат қилувчи пенсия жамғармалари учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, аҳоли ижтимоий табақалашувини юмшатишга йўналтирилганлиги, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги, мустақил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма эканлиги ҳамда ижтимоий таъминотиннг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир.

Миллий иқтисодиётдаги пенсия тизими иқтисодий ресурслар эркин ҳаракатига асосланган тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, катта ижтимоий юкни кўтаради. Унинг маблағлари фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлари даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади.

Иқтисодий адабиётларда пенсия таъминоти ва ёлланма ишловчиларни таъминотлаш тизимининг шаклланиши ва амал қилиши бўйича турлича қарашлар мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий мувозанатлигини таъминлаш тарафдорларининг фикрича, давлат пенсия тизимининг мавжудлиги ва унинг амал қилиши мақсадли аниқ ёўналтирилган маблағларнинг самарали сарфланишини акс эттиради. Ушбу тизимнинг мавжудлиги ишловчининг ўзини мустақил таъминлаш тўғрисида қайғуришини қисман чеклайди, меҳнат фаолиятини тўхтатгандан кейин пул даромадлари олишга бўлган ишонч уларни меҳнат

сифатини оширишга қаратилган манфаатдорлигини камайтиради. Ишловчи ўзини моддий жиҳатдан мустақил таъминлашга бўлган эҳтиёжи ва доимий интилиши уни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради. Бу далилнинг бошқа жиҳати инвестицион жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқиб иқтисодий ўсишга йўналтирилган аҳоли жамғармаларини рағбатлантириб боради. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки келажакда мустақил моддий таъминланиш тўғрисида қайғуриш фаол аҳоли қатламини ўзининг меҳнат фаолияти жараёнида ўз ҳоҳишига кўра жамғармалар қилишга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида уларнинг банклардаги жамғарма маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада белгиланган муддатда пенсионерларни даромад манбаи ҳаракатга келади ва ушбу маблағлар иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилади.

Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматига киради, аммо институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади, бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир. Аҳолини самарали меҳнат қилишга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси бир томондан пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ишловчининг малака даражаси, ишлаган даврлари мобайнидаги меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида олинадиган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самаралироқ меҳнатга рағбатлантириш имконини беради.

Жамғариш ҳар доим ҳам мунтазам инвестицияга айланмайди. Ушбу ҳолатда уй хўжаликларини назарда тутиш лозим, аммо амалиёт

кўрсатишича, банк маблағлари ҳар доимо хам реал капиталга айлана олмайди. Муайян шароитларда улар молиявий, спекулятив, ҳаракатчан капитал шаклида бўлиши кузатилмоқда. Шундай қилиб, хусусий жамғармалар ишлаб чиқариш самарадорлиги, реал иқтисодий ўсиш омилига айланмаслиги ҳам мумкин. Ҳукуматнинг муайян монетар сиёсати туфайли пул қадрсизланиши ва собиқ ёлланма ишловчининг ўзини такрор ишлаб чиқарувчанлик функциясини йўқотиши мумкин.

Кишиларнинг субьектив сифатлари ҳаётдаги турли экстремал ҳолатлар таъсирини ҳам инобатга олиши лозим ва уларнинг шахсий жамғармаларини етарли даражада бўлмаслигига таъсир кўрсатади.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчиларининг иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда тадқиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги, замонавий қайта тақсимлаш тамойилига асосланган пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусий пенсия жамғармалар қилишларини инкор этмайди.

Айниқса бу борада тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини эътироф этишимиз зарур.

Пенсия таъминоти тизими олдида қуйидаги муҳим мақсадлар туради:

* кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш;
* меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақи миқдорига пропорционал тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолотланган даромадни таъминлаш;

* бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш.

Пенсия тизимини молиявий таъминлаш усуллари:

- жамғарма таркиби,
- хусусий, касбий тизимлар ва давлатнинг роли,
- таъминот бадаллари ва пенсия тўловларининг ўзаро алоқаси пенсия тизимини амал қилишининг самарадорлик даражасини белгиловчи муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Пенсия тизимига таъминот бадалларини қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуалллаштирилган счетлардан фойдаланган ҳолда молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига ҳослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олган ҳолда, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир.

Қарилик бўйича пенсия олиш учун муайян таъминот стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига эришиш зарур. **Таъминот стажи** деганда пенсия таъминоти жамғармасига бадал тўловлари тўланган давр тушунилади. Таъминот стажига қонун бўйича ишсизлик бўйича нафақа тўловлари даври киритилади. Европа Иттифоқининг (ЕИ) кўпгина мамлакатларида пенсия ёши қилиб эркакларга ҳам, аёлларга ҳам 65 ёш белгиланган. Пенсияга чиқиш учун энг катта ёш Данияда эркаклар ва аёллар учун 67 ёш, энг кам Франция ва Италияда 60 ёш (Италияда аёллар учун пенсия ёши 55 ёш қилиб белгиланган).

Пенсия таъминоти тизими қарилик бўйича асосий ва қўшимча пенсия ва нафақа шаклида қурилади. Қарилик бўйича асосий пенсиялар қатор Нидерландия, Люксембург, Буюкбритания, Дания, Ирландия каби мамлакатларда олдинги иш ҳақи миқдоридан қатъий назар барча кишилар учун бир хил пул суммалари тўловлари орқали берилади. ЕИнинг қолган мамлакатларида асосий пенсия белгиланган вақт мобайнидаги ўртача иш ҳақи билан белгиланади ва пенсиянинг энг кам ва энг юқори миқдори чегараланган бўлиши мумкин.

Қўшимча пенсиялар тармоқлар ёки фирмалар бўйича тўланади. Улар асосий пенсиянинг ўртача 10-20% ни ташкил этади ва у нафақат пенсияга чиқувчиларнинг даромадларини қўллаб қувватлаш, тўлдириш усули, балки ушбу корхонада (тармоқда) кадрларни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблашда оила таркиби ҳисобга олинади (ёлғиз пенсионерлар ва болаларнинг миқдори). ЕИнинг деярли барча мамлакатларида пенсия индексацияси киритилган. Пенсия жамғармаларини молиялаштиришда ишловчиларнинг улуши унинг умумий ҳажмининг ўртача 30-40% ни ташкил этади. Бадалларнинг аксарият қисмини иш берувчилар тўлайдилар. Пенсия бадаллари миқдори ишловчилар учун иш ҳақи миқдорининг 67% дан (Бельгия, Буюк Британия, Италия) 12% гача (Нидерландия) тебраниб туради. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизими кўпинча молиялаштириш ва қайта тақсимлашнинг аралаш моделидан фойдаланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида пенсиялар миқдори, бир томондан, жамиятда энг кам даромадларни ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликка эришиш имконини беради, иккинчи томондан ижтимоий адолатлиликни таъминлаш имконини берувчи пенсияга чиқиш олдидаги иш ҳақи даражаси билан боғлиқ. Шундай қилиб, давлат пенсия тизимида жорий пенсия мажбуриятларини қоплаш учун зарурий бадал турларини йиғиш амалга оширилади. Пенсия миқдори эса, пенсия жамғармасининг фаолият натижасига, молия бозорига, маблағларни самарали инвестициялаш даражасига боғлиқ бўлмай, инвестицион мойилликнинг сусайиши каби қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жамғариш тамойилига асосланган хусусий пенсия тизимлари бадалларни капиталлаштириш ва пенсия ҳисобини индивидуаллаштириш тамойили асосида шаклланиб, шахсий ҳисобларда жамғарилувчи таъминот бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Жаҳон амалиётида кузатилишига хусусий пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланмайди, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада, пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки меҳнат фаолияти мобайнида тўлаган бадаллари миқдорига фоизни ифода этади.

Пенсия тизимининг бу икки бир-биридан принципиал фарқ қилувчи моделлари ўртасида кўпгина оралиқ вариантлар мавжуд бўлиб, улардан ҳар бири тизимдаги камчиликларни камайтириш ва уларнинг устунлигини кучайтиришига йўналтирилгандир. Бу тегишли ташкилий-ҳуқуқий таркибни яратишга уринишда ўз ифодасини топади. Бундай таркибни умумлашган шаклда уч даражали тизим шаклида кўришимиз мумкин:

- давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;
- мажбурий ижтимоий таъминот тизими орқали бериладиган ва минимал таъминот стажини “тўплаган” кишилар учун давлат бюджети дотациясидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;
- тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисобларни юритиш орқали амалга ошириладиган хусусий пенсия тизими.

Пенсия таъминотининг мазкур модели қуйидаги ёндошувларга асосланади:

биринчидан, мамлакатнинг барча фуқароларини камбағалликдан ижтимоий ҳимоялаш унинг вазифасидир (ижтимоий пенсиялар);

иккинчидан, умумий таъминот тизими уч даражали тизимнинг муҳим элементи ҳисобланади ҳамда барча иқтисодий фаол аҳолига қарилик бўйича пенсияни “ишлаб топиш”ни таъминлайди;

учинчидан, қўшимча ихтиёрий таъминот тизими, у ҳар бир ишловчи фуқарога хусусий жамғармалар қилиш имконини беради.

2. Пенсия таъминотининг моҳияти, зарурлиги ва вазифалари. Пенсия таъминоти давлатнинг ижтимоий институти сифатида

Ижтимоий таъминот тизими давлат, ихтиёрий, жамоа ва хусусий институтлар, тижорат ва нотижорат ташкилотларини ўз ичига олган аралаш иқтисодиёт тамойилида қурилади. Унинг бундай қурилиши фуқароларнинг меҳнатга қобилияти ва даромадларини йўқотиш сабаблари эҳтимоллигидан кафолатланган ижтимоий ҳимоялаш каби, аҳолининг турли тоифаларининг ижтимоий хавфхатардан **таъминотлаш хизматларига** бўлган талабларини тўлароқ қондирилишини таъминлашга имкон беради. Шундай қилиб, **пенсия таъминоти** - аҳолини турли ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарлардан моддий таъминотлашни ташкил этиш жараёнида вужудга келувчи **молиявий-иқтисодий муносабатлар тизимидир**.

Жамиятнинг ривожланиши билан ижтимоий таъминотнинг ўрни ҳам кескин ўзгариб боради. Бундай ҳолатни аҳолини ижтимоий таъминотлаш қамровининг кенгайиши, давлат пенсия таъминоти тизимидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бозор тизимига ўтиш, тараққий этган давлатларда инсоннинг муҳим ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоялашнинг кучайиши, пенсия таъминоти дастурининг кенгайиши, пенсия тўловлари, нафақалар миқдорининг ортиши, кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатининг яхшиланиши ва аҳоли реал даромадларининг ўсиши билан асослаш мумкин.

Умуман олганда давлат пенсия таъминоти ўзида фуқароларни қариликда, касаллик, оналик ҳолатларида, боқувчисини ва меҳнатга лаёқатини тўла ёки қисман йўқотганликда, ишсизлик ҳолатларида моддий таъминлаш бўйича конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқариш усулини

акс эттиради. Ишловчи оладиган таъминот миқдори меҳнат (таъминот) стажи, иш ҳақи миқдорига, меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига боғлиқ бўлади ва амалдаги тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлат пенсия таъминотини ташкил этиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ижтимоий таъминотнинг мажбурийлиги ва ихтиёрийлигининг бирлиги;
- давлат, иш берувчи ва ёлланма ишловчиларнинг ижтимоий ҳамкорлиги;
- шахсий даромадлар ва меҳнат қилиш қобилиятини йўқотишни қоплаш;
- мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;
- таъминот фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш билан ўзини ўзи тартибга солишнинг бирлиги;
- ижтимоий таъминотнинг асосий субъектлари ҳисобланган таъминотловчилар ва таъминотланувчиларнинг ўзаро муносабати;
- иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатлиликнинг мутаносиблиги;
- фуқароларни таъминотлашда ижтимоий бирдамлик ва индивидуал жавобгарлик.

Пенсия таъминотининг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Пенсия таъминоти – давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий таъминот тизими жамиятда ижтимоий адолатлиликни

таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт – шароитларидан биридир.

Ижтимоий таъминот ёрдамида жамият қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

- меҳнат жараёнида иштирок этмайдиган, меҳнатга лаёқатсиз кишиларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қопловчи пул жамғармаларини шакллантиради;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий миқдори ва структурасини таъминлайди;
- жамиятнинг ишловчи ва ишламайдиган аъзоларини моддий таъминлаш даражасидаги узилишни қисқартиради;
- аҳолининг меҳнат жараёнига жалб қилинмаган турли ижтимоий гуруҳларининг турмуш даражасини оширишга эришади;
- меҳнатда банд аҳолининг келажакларини моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятини яратади.

Давлат ижтимоий ҳимоясининг мақсадга мувофиқлиги ва юқори даражасини таъминлайдиган ижтимоий таъминотнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- пенсия таъминоти (қарилик бўйича, умумий касалланиш ва турмушда ва транспортда бахтсиз ҳодисалар натижасида ногиронлик бўйича);
- меҳнатга қобилиятини вақтинчалик ва доимий йўқотганликдан таъминотлашни назарда тутувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан таъминотлаш (ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбга оид касаллик ҳолатларида);
- ишсизлик ҳолатлари бўйича таъминот;
- тиббий таъминот (касаллик туфайли меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотганлик таъминоти ва тиббий ёрдам кўрсатиш).

Кам таъминланган оилалар, болаликдан ногиронларга нафақалар, оилаларга ёрдам каби ижтимоий ҳимоянинг шакллари меҳнат фаолияти

билан боғлиқ эмас, ўз табиатига кўра таъминоти бўлмайди ва давлат ижтимоий ёрдам тизими ва бошқа давлат ижтимоий дастурлари орқали таъминланади.

Ижтимоий таъминот шаклларини белгилаш, уларнинг асосий вазифалари, ташкилий-хуқуқий таркиби ва молиявий механизми тизимини қуриш мезонларини аниқлаштириш имконини берувчи бир қатор тамойилларни шакллантиришни талаб этади. Улардан энг муҳимлари:

- кўп укладли иқтисодиётнинг ривожланиши таъминотнинг барқарор ва ишончли кредит-молия тизимини яратиш заруратини илгари суради.
- ишловчилар меҳнат шароитидаги сезиларли хилма хиллик ва истиқомат қилишнинг табиий иқлим шароити таъминотнинг уч мажбурий кўринишини шакллантиришни талаб этади: умумий ижтимоий таъминот, касбий таъминот ва ҳудудий ижтимоий таъминот.

Мажбурий ижтимоий таъминот ҳар қандай мулкчилик шаклига асосланган корхоналарда ишловчи гуруҳларни истисносиз қамраб олиши лозим.

Мажбурий касбий ижтимоий таъминот соғлиққа зиён етказувчи касбий хавфхатарни (ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг даражаси ва оғирлиги), шунингдек муддатидан аввал пенсия тўлаш назарда тутиладиган кишилар доирасини ҳисобга олиши керак. Мажбурий ҳудудий таъминот қийин ва экстремал табиийиқлим шароитида яшаш ва меҳнат шароитининг ўзига хослигини ҳисобга олиши керак.

- Хўжалик юритишнинг янги шароитида ишловчилар даромадларининг табақалашувининг юқори даражаси мажбурий таъминот билан бир қаторда таъминотловчилар ҳам иш берувчи, ҳам ишловчи сифатида чиқиши мумкин бўлган кўнгилли таъминотни талаб этади. Ихтиёрий (қўшимча) таъминот тўғрисидаги масала ҳар бир аниқ шароитда ихтиёрий ёки индивидуал шартнома асосида ечилиши керак.

Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ижтимоий хавф-хатарни, яъни ижтимоий таъминотнинг ўзаро боғланган асосий мустақил шаклларини ажратишни талаб этадиган ҳимоянинг функционал белгиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу нафақа ва пенсиялар тўлаш учун маблағларни шакллантириш ва сарфлашдаги манзиллилик, шунингдек меҳнат қобилиятини йўқотишни профилактикалаш учун ташкилий ва молиявий шарт-шароит яратиш имконини беради.

3. Пенсия таъминоти тизимлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, пенсия таъминоти қатъий бўлмаган эквивалентлик тамойилида қурилади: меҳнат улуши миқдори ва таъминот стажига таъминот бадалларининг муайян боғлиқлиги амал қилади. Бироқ хусусий таъминотдан фарқ қилиб, ижтимоий таъминотда эквивалентлик тамойили хавфхатарларни бирлаштириш ва жамоавий бирдамлик тамойили билан уйғунлашади.

Пенсия таъминоти жамғармалари ишловчилар ва иш берувчиларнинг бирдамлиги, ўзини ўзи бошқариш ва нотижорат хўжалик фаолиятини юритиш тамойили асосида фаолият кўрсатади.

Пенсия таъминотининг мажбурий ва ихтиёрий шакллари мавжуд бўлиб, бу шакллар ўртасидаги ўзаро муносабат турли мамлакатлар ва таъминотнинг ривожланиш босқичларида турличадир.

Мажбурий ижтимоий таъминот мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалар орқали таъминланувчи давлат ижтимоий кафолатининг алоҳида тури бўлиб, тўлиқ бўлмаган ўзини-ўзи молиялаштириш тамойили асосида амалга оширилади. Давлат бу жамғармаларнинг молиявий

барқарорлиги ва мажбурий ижтимоий таъминот дастурларини амалга оширишнинг кафолати сифатида майдонга чиқади.

Мажбурий пенсия таъминотининг икки шакли мавжуд: мажбурий ижтимоий таъминот ва мажбурий профессионал таъминот.

Умумий мажбурий ижтимоий таъминот меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларнинг барчасига тадбиқ этилади. Мажбурий профессионал таъминот жароҳат олиш эҳтимоллиги юқори бўлган ишларда, хусусан хавфли ва ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи кишиларга тадбиқ этилади. Мажбурий профессионал таъминотда таъминот бадаллари даражаси мажбурий умумий таъминотга қараганда юқори бўлади.

Ихтиёрий ижтимоий таъминот жамоавий бирдамлик ва ўзаро ёрдам тамойили асосида шаклланади. Таъминот жамғармаларини бошқаришдаги ҳаққонийлик ва ошкоралик, ўзини ўзи бошқариш тамойилининг тўлиқ амалга оширилиши, иш берувчилар ва ёлланма ишловчиларнинг ижтимоий шериклиги, таъминотвий тўловлар ва дастурларининг таъминотланувчиларнинг даромад даражаларига бевосита боғлиқлиги ихтиёрий ижтимоий таъминотнинг ўзига ҳос хусусияти ҳисобланади.

Мажбурий ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатининг етарли даражада бўлмаслиги ва таъминотланувчилар даромадининг юқорилиги ихтиёрий ижтимоий таъминот жамғармаларини мажбурий таъминотга қўшимча, тўлдирувчи тарзида қараш имконини беради.

Ижтимоий таъминот тушунчаси аҳолини меҳнат қилиш қобилиятини ва даромадини йўқотиши билан боғлиқ ижтимоий хавфхатарларнинг турли шаклларидан ижтимоий таъминотлашнинг турли шаклларини қамраб олади.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни ихтиёрий хусусий таъминотлаш тури ҳисобланувчи, ижтимоий хавф-хатардан хусусий таъминотлашнинг турли шакллари амал қилади. У жисмоний ва

юридик шахсларнинг бадаллари, хусусий таъминот компаниялари, пенсия жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади. Бу ерда таъминотланган шахснинг индивидуал бадали миқдори билан таъминот дастурининг узвий ўзаро боғлиқлиги, тўлов миқдорининг таъминотланган шахснинг индивидуал тўлов қобилиятига боғлиқлиги, ижтимоий хавфхатарни индивидуал баҳолашнинг бозор эквивалентлиги тамойили амал қилади. Ижтимоий хавфхатардан таъминотлашнинг хусусий бозорида асосан тижорат таъминот компаниялари фаолият юритади.

XXI асрга келиб пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш дунёнинг барча мамлакатлари олдида турган долзарб ва муҳим вазифалардан бирига айланган. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариши учун молиявий ресурсларининг етишмаслигидир ва бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатлар узоқ муддатли истиқболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим қадамларни қўйдилар. Пенсияга чиқиш ёши оширилди, тўловларни индексациялаш қоидалари ўзгарди: иш ҳақига боғлиқлик ўрнига истеъмол баҳоси қиммати индекси ва иш ҳақи ўзгаришини (Венгрия, Польша, Чехия Республикаси) ёки фақат истеъмол баҳоси индекси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда индексациялаш қўлланила бошланди. Юқори даромад даражасига эга мамлакатлар ўзларининг мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Шу билан бирга, мамлкатларда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан тўланадиган солиқ миқдори ишловчиларни расмий соҳадан кетишлари учун жиддий сабаб ва рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Пенсия таъминоти кекса ёшдаги кишилар ўртасида камбағалликни камайтиришнинг таъсирчан воситаси бўлиши ва ҳаёти мобайнида

истеъмолини барқарорлаштиришни кафолатлаш механизмларидан бири бўлиши учун келгуси пенсия ислоҳотларини амалга ошириш зарурдир.

Ўрта ва юқори даромадли ўтиш даври мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш соҳасидаги асосий вазифа пенсия жамғармасига тўланадиган бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрнатиш билан боғлиқдир. Бу ишловчиларнинг бадаллар тўлашдан манфаатдорлигини сақлаш, бюджет учун оғирликни камайтириш мақсадида давлат тизими миқдорини қисқартириш, ишловчилар ва иш берувчилар учун бадал ставкасини пасайтириш, шунингдек келгусида жамғариш тизимини амалга ошириш учун асосни тайёрлаш учун зарурдир. Бунга бирдамлик тақсимлаш даражасини шартли-жамғариш чизмасига айлантириш ёки иш ҳақига боғланган, белгиланган тўловли чизмани ўзгартириш ва қисқартириш орқали эришилади. Ўтиш иқтисодиёти давлатларида шартли-жамғариш чизмаси намунаси Швед моделини қўллаган Латвияда ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу шартли-жамғариш тизими индивидуал ҳисобга асосланади. Пенсия жамғармаига ажратмалар «шартли жамғарилади», пенсия миқдори жамғарилган миқдорга, пенсияга чиққан даврдан бошлаб ўртача кутилаётган умрнинг давомийлигига бўлинганига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, тизим умр давомийлигидан келиб чиқиб пенсия миқдорига тузатишлар киритишга имкон бериб автоматик бошқарилади. Бу тизим узоқ иш стажи мавжудлигини кенгайтиради, пенсия миқдорининг ортиши чизиқли эмас актуар касб этади. Бу шуни англатади-ки, 62 ёки 63 ёшда қўшимча бир йил ишлаш пенсияни 2 ёки 3 эмас, балки 8-9%га оширади.

Муайяан афзалликка эга бўлишига қарамасдан шартли-жамғариш тизими молиявий тўлдиришсиз тақсимлаш тизимидир ва бунга ўхшаш тизимлар учун характерли бўлган бир қатор хавф-хатарлар билан боғлиқдир. Мамлакатлар тўловларни бадалларга узвий боғлаб, амалдаги белгиланган тўловлар механизмини ўзгартириши мумкин. Бунга пенсия ёшини ошириш, ниҳоятда юқори қоплаш коэффициентини пасайтириш ва

бутун умр учун иш ҳақига асосланган пенсияни ҳисоблашни киритиш орқали эришилади.

Бу биринчи вариант Венгрияда кўп даражали тизимда қабул қилинган; ҳозирда у Македонияда қўллаш учун тайёрланмоқда ва Руминияда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш дастурининг таркибий қисми сифатида қўлланилмоқда. Пенсия харажатларини камайтириш мақсадида Венгрия, Польша, Чехия Республикаси каби мамлакатлар пенсия ёшини оширдилар ёки Латвиядаги каби пенсияга чиқишнинг ҳақиқий ёшида индексациялаш тартибини ўзгартирдилар. Венгрия, Польша, Чехия Республикаси иш ҳақи бўйича индексациялаш ўрнига иш ҳақи ва баҳо даражасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги индексациялаш, Хорватияда эса баҳо бўйича индексациялаш ёки давлат секторидаги иш ҳақи бўйича индексациялаш қўлланила бошланди. Македония ва Словенияда қоплаш коэффициенти пасайтирилиб, тўловларни ҳисоблаш формуласи ҳам ўзгаришга учради.

Икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки камбағалликдан ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Агар мамлакатда камбағаллар улуши юқори бўлса, давлат пенсия тизимининг бюджетга оғирлигини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Юқори ўрта ва юқори даромадли мамлакатларда молиявий бозорнинг маъмурий имкониятлари етарли даражада ривожланган бўлиб, давлат пенсия жамғармаи фаолиятини амалда тартибга солиш ва унинг устидан назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча янги пенсия тизимига ўтиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағ етарли бўлган шароитларда кўп даражали тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилларга кўра ўтиш даври мамлакатларининг фақат бир қисмигина мазкур шартларга жавоб беради.

Ушбу ислоҳотлар ишловчиларга икки манба - бир хил тўловли давлат тизими ва мажбурий индивидуал бадаллар асосидаги тўловлар ҳисобидан пенсия олиш имконини беради. Пенсия индивидуал ҳисобларда жамғарилади ва активларнинг диверсификациялашган портфелига инвестицияланади. Ҳисоб-китоблар хусусий бошқарувда бўлади ва давлат бошқарувига нисбатан самаралироқ бўлади, бу борада давлат эса ҳисоб-китоблар устидан назорат қилиш ва тартибга солишни амалга оширади.

Мажбурий индивидуал бадалларнинг бир қисмини индивидуал ҳисобларда жойлаштириш бир қатор афзалликка эга. Биринчидан, бу ислоҳот моҳиятан пенсия тизимининг яширин қарзини пенсия жамғармаининг очиқ камомадига айлантиришни назарда тутади. Иккинчидан, у фуқароларга жамғармаларини бозор қайтимли бадалларга жамғариш имконини беради. Учинчидан, индивидуал бадалларни давлат тизимига ва хусусий компаниялар бошқарувида бўлган портфелга инвестициялаш вужудга келиб, портфелни хорижда жойлаштириш туфайли фуқаролар рискни турли мамлакатлар активларидан фойдаланган ҳолда диверсификациялашлари мумкин.

Ҳозирги вақтда кўп даражали пенсия тизими Венгрия ва Польшада жорий этилган. Венгрияда 1,2 млн. 40 ёшгача бўлган ишловчилар ўзларининг пенсия бадалларининг бир қисмини хусусий пенсия хизматига ўтказганлар. Барча янги ишловчиларнинг хусусий пенсия тизимидаги иштироки мажбурий. Польшада янги хусусий пенсия жамғармаларини лицензиялаш жараёни амалга оширилмоқда. 1999 йилда Польшада 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган ишловчиларга ўзларининг пенсия жамғармаларининг бешдан бирини янги жамғармага ўтказиш имконияти берилиб, 30 ёшгача бўлган ишловчилар эса автоматик тарзда янги тизимнинг иштирокчилари бўлдилар. Руминия, Хорватия, Латвия, Словения ва Македония каби мамлакатлар яқин келажакда иккинчи даражали пенсия тизимини киритишни режалаштирилмоқдалар.

Ҳозирги Қозоғистонда кўп даражали пенсия тизими амалга оширилмоқда. Қозоғистондаги ислоҳотларнинг ўзига хослиги шундаки, пенсия таъминотининг тўла хусусийлаштирилган тизими амал қилмоқда. Мамлакатда давлат зиммасига меҳнат қобилиятини йўқотганлик ҳолатларида ёки кексаликдаги камбағаллик рискларига қарши курашиш вазифаси юклатилган. Бу маънода Қозоғистондаги ислоҳотлар Чили, Сальвадор, Перудаги ислоҳотларни эслатади. 1997 йилнинг августида Қозоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги қошида Миллий пенсия агентлиги ташкил этилди. Бу агентлик зиммасига жамғарма пенсия жамғармалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялашни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Кейинчалик пенсия тўловлари бўйича Давлат маркази ташкил этилди ва у мажбурий пенсия ажратмалари ҳамда пенсия тўловлари устидан назоратни амалга ошира бошлади.

Пенсия тўғрисидаги янги қонунга кўра янги жамғариш тизими жорий қилиниши билан 1998 йил 1 январгача ишлаётганлар учун амал қилиб келаётган қайта тақсимловчи тизим сақланиб қолди. 1998 йил 1 январдан кейин меҳнат фаолиятини бошлаган ишловчилар эса жамғариш пенсия тизими хизматидан фойдаландилар.

Қайта тақсимловчи тизим, мажбурий иштирокни талаб этувчи жамғариш тизими ва ихтиёрий жамғариш тизими фаолиятлари - Қозоғистонда амалга оширилаётган пенсия тизими ислоҳатларининг моҳиятини ташкил этмоқда.

Давлат минимал пенсия тўлаш ва инвестицияларнинг минимал даромадлигини таъминлаш бўйича кафолат бермоқда. Пенсияга чиқувчилар учун бирдамлик даражасида қоплаш коэффициенти ўртача иш ҳақининг 60% ни ташкил этмоқда. Бу миқдор ҳар қўшимча стаж йили учун аёллар учун 20 йилдан, эркаклар учун 25 йилдан 1% га ортиб боради.

Кўп даражали пенсия тизимига ўтаётган мамлакатлар янги тизимга ўтишни молиялаштириш, давлатнинг назорат соҳасидаги ролини

белгилаш, иккинчи даражани институционал жиҳатдан шакллантириш ва кўп даражали тизимни фаолият кўрсатиши учун зарур параллел ислоҳотларни амалга ошириш каби кўплаб вазифаларни ҳал қилишлари лозим.

Кам даромадли мамлакатларда пенсия тизими пенсионерларни ёш бўйича камбағалликдан ҳимоялашни таъминлаши ва маблағларни муҳтожларнинг бошқа тоифаларини қўллаб-қувватлаш учун бўшатиш лозим. Кам даромадли мамлакатларда бу муҳим вазифани ҳал қилиш учун пенсиянинг табақалашув даражасини пасайтириш ёки ягона пенсияга ўтиш талаб этилади. Ишловчиларнинг муайян гуруҳларига кўрсатиладиган имтиёзлар қисқартирилиши керак. Жаҳон амалиёти жамғарма пенсия тизимини қўллаш учун институционал салоҳиятни шакллантиришга алоҳида эътибор беришни тақазо этмоқда.

Мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига қараб хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китобларни олиб бориш, бадалларни йиғиш, хусусан пенсия жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

МДҲ мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари ҳисобида турган пенсионерлар сони умумий аҳолининг тўртдан бирини ташкил этмоқда. Пенсионерлар сони Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистондан ташқари барча мамлакатларда камайганлиги кузатилмоқда.

Пенсионерларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши кейинги икки йилда барқарор сақланиб қолмоқда, хусусан бу кўрсаткич Белорусия, Россия ва Украинада аҳолининг тўртдан бир қисмига яқинини, Молдава аҳолисининг бешдан бир ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида аҳолининг 10-18% ни ташкил этади.

Пенсионерлар умумий сонининг камайиши даврида Арманистон, Қозоғистон ва Украинада ногиронлик бўйича пенсия тайинланган пенсионерлар улуши, Белорусия, Грузия ва Россияда боқувчисини йўқотганлик билн боғлиқ пенсия олувчилар улуши ортган.

МДҲ давлатлари бўйича ўртача 75 фоиз пенсионерларга ёш бўйича меҳнат пенсияси, 13%га – ногиронлик бўйича, 7%га боқувчисини йўқотганлиги бўйича пенсия тайинланган. Шунингдек, ҳар йили тахминан 5% пенсионерлар фуқароларга пенсия ёшига етгандан кейин ёки зарурий меҳнат стажига эга бўлмаган шароитда белгиланган ногиронлик учун бериладиган социал пенсия оладилар. Мазкур пенсияларнинг миқдори кўпгина ҳолатларда ёш бўйича меҳнат пенсиясининг энг кам миқдоридан 18-32% оз бўлади.

Ҳамдўстликнинг барча мамлакатларида меҳнат пенсияларини молиялаштириш тақсимлаш асосида корхоналарнинг ишловчилари сони ва иш ҳақи жамғармасидан келиб чиққан ҳолдаги суғурта бадаллари ҳисобидан амалга ошириладиган пенсия таъминоти тизими амал қилмоқда. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларининг ҳолати, ривожланиши ва ислоҳ этиш хусусиятлари асосида уларни:

- бирдамлик тизими амал қилаётган мамлакатлар;
- жамғариш тизимига ўтган мамлакатлар;
- кўп даражали аралаш тизимни қўлловчи мамлакатларга ажратиш мумкин.

Пенсия таъминотининг бирдамлик тизими амал қилаётган мамлакатларда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- иш ўринларининг қисқариши, очиқ ва яширин ишсизлик миқдорининг ортиши, бадаллар тўлашдан бўйин товлашлар туфайли боғлиқлик коэффициентининг пасайиши;

- бадалларнинг юқори даражасининг маҳсулот ва хизматларнинг таннархи ва рақобатбардошлиги даражасига таъсири;

- бадалларнинг иш берувчилар ва ишловчилар ўртасида номутаносиб тақсимланганлиги.

Жамғариш тизимига эга мамлакатларда мавжуд муаммолар:

- иш ўринларининг қисқариши, очиқ ва яширин ишсизлик зарурий маблағларни пенсия жамғармасида жамғариш имконини бермайди;
- капиталлар ва қимматли қоғозлар бозорининг йўқлиги ёки етарли даражада ривожланмаганлиги учун эркин маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;
- юқори инфляция даражаси;
- давлатнинг амалдаги пенсия тўловларини таъминлашга катта миқдордаги молиявий харажатларни сарфлаши, хусусан Қозоғистон амалдаги пенсия тўловларини тўлаш учун ҳар йили 1 млрд. АҚШ доллари сарфламоқда.

Аралаш тизимли мамлакатлардаги муаммолар:

- бадалларнинг жорий пенсия харажатларини қоплаш учун етарли миқдорда эмаслиги.

Кейинги вақтларда жаҳонда бу тизимларнинг самарадорлиги хусусида тортишувлар бўлмоқда. Хусусан бу тизимларнинг қайси бири самаралироқ деган савол қўйилмоқда. Бундай тортишувларни келтириб чиқараётган муаммо пенсия тизимига талаб этилган молиявий харажатларнинг ўсиши билан боғлиқдир. Бироқ бу муаммонинг табиати турли мамлакатларда турличадир. Агар, ривожланган ғарб мамлакатларида у аҳолининг умумий кексайиши билан боғлиқ бўлса, ривожланаётган мамлакатларда – иқтисодиёт муаммолари, ўтиш даври мамлакатларида эса - қонунчилик ва иқтисодиёт муаммолари билан боғлиқдир.

Муаммони аниқ тасавур қилиш учун пенсия тизимининг молиявий харажатларига таъсир кўрсатувчи икки асосий кўрсаткични, яъни пенсионерлар сонининг ишловчилар сонига нисбатини ифода этувчи - боғлиқлик коэффициентини, ҳамда ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш

ҳақи миқдорига нисбатини ифодаловчи қоплаш коэффициентини таҳлил қилиш зарур:

Биринчи коэффициент пенсия жамғармасини даромад қисмининг самарадорлигини белгилайди.

Иккинчи коэффициент пенсия жамғармаини харажат қисмининг самарадорлигини белгилайди.

Бу коэффициентларга боғлиқликдан қутилиш мақсадида бир қатор Лотинамерикаси мамлакатлари бирдамлик тизимини бекор қилиб, тўла жамғариш тизимига ўтдилар.

Ғарб мамлакатларининг аксарият қисми жамғариш тизими элементларини ўз ичига олган бирдамлик тизимига асосланган аралаш тизимни қўлламоқдалар. Бу тизимларнинг мажмуасидан кўзланган мақсад – аҳолининг муҳтож ва нисбатан ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашдир. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири мустақил вазифаларни бажаради, алоҳида қонунчилик базасига ва ташкилий-методик асосга эгадир.

Режалаштирилган бирдамлик, тақсимот тизимида имтиёзли пенсиялар алоҳида категориядаги меҳнат фаолияти касблар ва лавозимларга, зарарли меҳнат шароитлари ва пасайтирилган иш ҳақини компенсациялашнинг ўзига хос йўли бўлган. Бироқ, корхоналар ҳақ тўлашнинг миқдори ва шаклини, шунингдек меҳнат шароитларини ўзлари белгилаганида, имтиёзли пенсия таъминоти ўзининг аввалги мақомини бутунлай йўқотди. Корхоналардаги зарарли ишлаб чиқаришда банд кишилар ҳозирда ҳам жамият бу шароитларда ишловчилар кўрган зарарни давлат компенсациялаши керак деб ҳисоблайдилар. Зарарли ва оғир меҳнат шароитлари учун бериладиган компенсация бугунги кунда уларнинг иш ҳақи миқдорига киритилганлигини улар эътиборга олишлари зарур. Бундан ташқари кўпчилик касб турлари бир неча йил илгари

бўлганидек зарарли ва оғир ҳисобланмайди. Янги, анча замонавий зарарсиз, илғор технология ва механизмлар имтиёзли пенсия институтидан бутунлай воз кечишга имкон беради. Агар корхона бундай технологияларни қўлламаса, у ҳолда унинг ўзи ишловчининг пенсияга муддатидан аввал чиқишини компенсациялаши ва жамият қўшимча молиявий оғирликни ўз зиммасига олмаслиги керак.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шароитида кишиларда шаклланган эскича боқимандалик фикрлашдан воз кечишни талаб қилади. Тадқиқотлар кўрсатишича катта ёшдаги авлод кишиларининг кўпчилиги ҳозирда ҳам давлат уларни таъминлашга мажбур деб ҳисоблашда давом этмоқда. Ёш авлод кексаликдаги таъминот иқтисодиёт эркинлашуви шароитида фақат инсоннинг ўзига боғлиқлигини тушуна бошлади.

Пенсия тизимидаги муҳим камчиликлардан бири пенсия миқдорининг камлиги ва пенсия таъминотидаги мавжуд тенглаштириш тамойилидир. Пенсияни ишловчиларнинг жорий мажбурий ажратмаларидан молиялаштириш давом этмоқда. Пенсия тизими марказлашган ва тақсимловчилик характерида қолмоқда. Марказлашган, режали иқтисодиёт мамлакатлари учун табақаланган бадаллар тизими характерли эди, яъни иш ҳақи қанча кўп бўлса, тўлов шунча кўп, пенсия эса иш ҳақи даражасига боғлиқ эди. Кўпгина бозор иқтисодиёти мамлакатларида пенсия таъминотининг давлат тизими эгалитар тамойилдан келиб чиқади-бадаллар барча тўловчилар учун тахминан тенг, пенсия миқдори ҳам кескин табақалашмаган. Пенсия таъминоти тизими ҳукумат ёки аҳоли хохишига кўра эмас, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий салоҳияти ва демографик тузилма, пенсионерлар сони ва пенсия жамғармасининг молиявий ресурсларига кўра белгиланади.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатида пенися миқдорига ва унинг табақалашув даражасига жиддий таъсир кўрсатиш имкониятлари йўқ, чунки бадал тўловчилардан қанча маблағ тушса, шунча маблағ пенсионерлар ўртасида тақсимланиши мумкин. Пенсияни энг кам

миқдорининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори билан амалдаги алоқаси пенсия миқдорини шакллантириш тамойили билан мутаносиб эмас. Мантиққа зид шундай вазият вужудга келдики, ҳукумат пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш имкониятини олдиндан таҳлил қилмасдан туриб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини ошира олмайди. Бошқа томондан, пенсия ва ижтимоий тўловлар миқдорининг ошиши мантиқан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг оширилишини талаб этади. Иш ҳақини ошириш имкониятининг йўқлиги солиқли тушумларни ошириш имкониятини ҳам чеклаб қўяди.

Ҳозирги даврга келиб жаҳондаги мамлакатларда 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида амал қилаётган пенсия таъминоти ўзининг юқори чўққисига чиқди. Бошқача сўзлар билан айтганда, аксарият ишловчилар пенсия режалари билан қамраб олинган ва тўла миқдорда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Жаҳонда аҳоли кексайиб бориши туфайли пенсия таъминоти тизимида бадаллар тўловчи шахслар улуши камаймоқда. Кўпгина пенсия схемалари учун жорий тўловлар бўйича камомадлилик хосдир ва ҳисоб-китобларга кўра айрим мамлакатларда пенсия таъминоти тизимининг жамғарилиб борган яширин қарздорлиги ЯИМнинг 100 дан 250%гача қисмини ташкил этади. Жаҳонда вужудга келган ушбу тенденция пенсия таъминоти тизимида молиявий мустақиллик ва самарадорлик тўғрисидаги масалани долзарб муаммога айлантирди. Бирдамлик пенсия тизими ўз бошидан кечираётган молиявий инқироз жиддий макроиқтисодий ва таркибий хавф-хатарларни келтириб чиқарди. Аҳолининг кексайиши иқтисодий, молиявий ва ижтимоий оқибатлар билан бир қаторда сиёсий жиҳатларга ҳам эгадир. Зеро пенсионерлар электоратнинг муҳим қисмини ташкил этиб, аҳолининг қариялардан иборат қатламини сиёсий кучлар нисбатидаги салмоғи ортмоқда. Шундай қилиб, 80-йиллардан бошлаб жаҳон пенсия тизимида ислоҳотларни амалга ошириш обьектив заруратга айланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амал қилаётган давлат пенсия дастури **бирдамлик тизими** асосида шаклланган. Бирдамлик пенсия тизими - ишловчиларнинг иш ҳақи жамғармасидан пенсия жамғармасига солиқ тўлаш ва пенсия жамғармасидан пенсионерларга нафақалар тўлашга асосланган. Индивиднинг пенсия нафақаси миқдори иш ҳақи ва меҳнат стажига боғлиқ бўлади. Шунингдек иш ҳақи ва пенсия миқдори узвий боғлиқ эмас, бошқача сўз билан айтганда ушбу тизим бадаллар миқдори билан боғланмаган нафақаларни назарда тутади.

Бирдамлик пенсия тизими давлат тизими характерига эга бўлганлиги учун, уни корхона ва тармоқ даражасида ташкил этиш имкони йўқ. Кўпгина ривожланган давлатларда пенсионерларнинг нормал яшаши учун шарт-шароитларнинг яратилиши ғарб демократиясининг социал соҳадаги асосий ютуқларидан бири сифатида қаралади.

Бирдамлик тизимининг асосий хусусияти – унда кучли қайта тақсимлаш элементлари мавжуд бўлган ҳолда пенсионерлар ўртасидаги камбағаллик ва табақалашув даражасини сезиларли қисқартирди. Бирдамлик тизими амал қилишининг дастлабки даврларида нафақаларнинг паст миқдори нисбатан кам сонли кишиларни тўлов билан таъминлаш учун етарли бўлган, аммо тизимнинг ривожланиб бориши билан иш ҳақи жамғармасидан тўланадиган солиқларни ортиб бориши тенденцияси вужудга келди. Бирдамлик пенсия тизимини амал қилиши тенглаштириш элементлари, ижтимоий қарамликнинг ортиши, инвестицион хоҳишнинг сусайиши каби қатор салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Масалан, АҚШда аҳолининг кексайиши ва пенсия таъминоти муаммолари устида изланиш олиб борган америкалик тадқиқотчи С.Пелерсон АҚШда шахсий жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши 60-70йиллардаги 8% дан 90-йилларда 5% гача пасайганлигига эътиборни қаратади. Бугунги кунда АҚШда 1946-1964 йилларда туғилган солиқ тўловчилар кекса аҳолининг нисбатан унча катта бўлмаган қисмини ташкил қилади. Аҳолининг мазкур қисми жамғаришга кам мойиллиги билан ажралиб туради. Тақсимловчи тизимни

таҳлил этиш, давлат пенсия тизимининг монопол ҳолати пенсионерларга танлов имкониятини бермаган ҳолда пенсия миқдори ва тўлаш шартлари борасида ҳаракат қилиш имконини беради. Жамғарувчи пенсия тизимида пенсия бадаллари молиявий активларга эга бўлиш учун фойдаланилади. Ишловчиларни кексаликда пенсиясини молиялаштириш учун мўлжалланган бундай активларнинг умумий миқдори қўйилган капиталдан дивиденд ёки актив молиявий маблағлардан фоиз шаклидаги даромад олиш иконини беради ва ҳар йили тушадиган қўшимча пенсия бадаллари инвестиция мақсадида фойдаланганлиги туфайли вақт ўтиши билан ортиб боради. Ишловчи пенсия ёшига етганда, жамғарилган активлар заҳираси доимий пенсия тўловларини тўлаш учун фойдаланилади. Жамғарувчи пенсия тизими шароитида пенсия бадаллари ставкаларини ҳисоблаш бирдамлик тизимидагига қараганда мураккаб ҳолатни келтириб чиқаради. Бадаллар ставкаси активларнинг қайтиш меъёрлари, уларни жамғариш давомийлиги ва даврига, яъни жисмоний шахснинг ишлаш даври ва давомийлигига, пенсияга чиққандан кейинги умр кўриш давомийлигига боғлиқ бўлади. Турли мамлакатларда шахсий ихтиёрий пенсия режалари амал қилади. Улар тўла молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади ва аниқ белгиланган бадалларни назарда тутади. Ишловчилар ва пенсионерлар ўзларининг жамғармалари бўйича инвестицион рискларни ўз зиммаларига олишади.

Назорат учун саволлар:

1. Ижтимоий таъминотнинг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ижтимоий таъминот ва пенсия таъминоти тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқи нимадан иборат?

3. Давлат ижтимоий сиёсатининг таркиби ва йўналишлари қандай хусусиятга эга?

4. Давлат пенсия таъминотини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?

5. Пенсия тизимининг қандай турлари шаклланган?

6. Авлодлар бирдамлиги пенсия тизими ва жамғарииб бориладиган пенсия тизимларининг хусусиятларини тушунтиринг.

7. Давлат пенсия таъминоти ва нодавлат пенсия таъминоти тизимларининг афзалликлари нимадан иборат?

8. Аралаш тизимли пенсия таъминотини шаклланиши учун қандай шарт-шароит талаб қилинади?

2-БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

1. Пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши ва ривожланиши

“Пенсия” (лотин тилидаги **“pension”** сўзидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўлов” маъносини англатади) сўзи эса биринчи марта XY асрнинг II ярмида Людовик XI даврида Париж Ҳисоб палатасининг ҳужжатларида қайд этилган бўлиб, Англия ҳазинабони ва арбоблари учун тўлаб туриладиган тўловларни англатади. Пенсия дастурлари II жаҳон уруши даврида, яъни иш ҳақини музлатиб қўйиш сабабли ишчиларнинг пенсия жамғармасига ажратма ажратиш қийинлашган пайтда тарқала бошлади.

Ушбу тизимнинг вужудга келиш тарихига назар ташласак, дастлаб қадимги Римда ҳарбий пенсиялар тизимини жорий этган, хусусий секторда банд бўлганларнинг ёшига кўра давлат томонидан ташкил этилган биринчи пенсия тизими 1889 йилда Германияда амалга киритилган бўлиб, немисча ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий таъминот мажбурий бўлиб, бадаллар киритишга асосланган. Иш берувчилар ҳам, ишчилар ҳам уни молиялаштиришга маблағлар киритиши лозим бўлган, шунингдек, амалда жорий этилган тизим замирида илгари мавжуд бўлган гильдиялар ва ишчиларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этиладиган ихтиёрий ўзаро ёрдам жамғармаларининг иш амалиёти ҳам ётади. Янги тизимда пенсия олиш ҳуқуқи илгари тўланган бадалларга асослаган. Бундан ташқари Дания (1891) ва Янги Зеландияда (1898) камбағалларга максадли ёрдам курсатишга мўлжалланган пенсия тизими жорий этилди. Бу ерда у умумий солиқ даромадлари ҳисобидан молиялаштирилар, муҳтожликни текширишни назарда тутар ва тўловларнинг текис даражасини кафолатлар эди. Бу пенсия тизимлари кўп жихатдан камбағаллар тўғрисидаги анъанавий қонунчиликдан келиб чиққан.

Кейинги йилларда Ғарбий Европа мамлакатларининг аксариятида Немисча моделга асосланган пенсия таъминот тизими шаклланди; англосаксон мамлакатлари Шимолий Европа мамлакатлари Дания ва Янги Зеландия таклиф қилган йўлдан борди. Бу тизимлар ҳар хил вазифаларни ҳал қиларди. Немисча тизимида ишловчи одам пенсияга чиққач, унинг ижтимоий мақомини сақлашга қаратилган бўлса, кейинчалик Англияда ҳам жорий этилган Дания тизими камбағалликни чеклашга қаратилган эди.

“Пенсия” - категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва кексалик чоғида фонддан фойдаланиш шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.[1]

“Пенсия” – белгиланган(пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши.[2]

Пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши босқичларида меҳнатга қобилиятсизлар ҳимоясини қишлоқ оилалари ва жамоалар таъминлаган, бир қатор касбларда эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли ишловчининг меҳнат қобилияти йўқолган шароитда – корпорациялар, черковлар ҳам ишчиларга моддий ёрдам кўрсатишда муҳим рол ўйнаган.

Макро даражада пенсия тизимининг самарадорлиги унинг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ва инсон омилини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давлат томонидан тартибга солиниш даражасини акс эттиради. Молиявий нуқтаи назардан пенсия тизимининг самарадорлиги маблағларни жалб қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида маблағларни ишлатилиш даражасини ифода этади.

---

[1] Г. Қосимова, З. Каримова “Бюджетдан ташқари фондлар”. Дарслик. ТМИ-2009 йил. 39 б.

[2] Срожиддинова З.Х. «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими». - Дарслик. Тошкент 2010 йил. infoCom.UZ МЧЖ нашриёти, 367 с.

Давлат тақсимлаш тизимида у ёки бу чоралар тартибини танлашни эса мамлакат пенсия тизимида вужудга келган ҳолат, демографик вазият тавсифи, жамиятда амал қилаётган адолат тушунчалари, сиёсий қарашлар белгилаб беради. Республикамизда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими маълум тарихий йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг ривожланиши(ни) мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топишига қаратилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб янги босқични бошлаб берди. Мамлакатиимиз пенсия таъминоти тизими тараққиётини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Пенсия таъминоти ривожланишининг биринчи босқичи 1917-1956 йилларни қамраб олиб, «пенсия» тушунчасининг пайдо бўлиши билан таърифланади. 1917-1919 йилларда пенсия таъминоти юзасидан элликдан ортиқ декрет қабул қилинган, уларнинг асосий ғояси меҳнатга қобилиятсизларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашни жамият зиммасига юклашдан иборат. 1930 йилда «Пенсиялар ва ижтимоий таъминот бўйича нафақалар тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган, 1956 йилда «Давлат пенсияси тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар пенсиялар шу низом асосида тўлаб келинган. Мазкур низомга мувофиқ, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига фақат меҳнатдан жароҳатланиш ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлган шахсларгина эга бўлган. Бу босқичнинг хусусияти ягона пенсия таъминоти тизимининг мавжуд бўлганлигидадир.

Пенсиялар ҳар бир тармоқ учун белгиланган алоҳида тартиб асосида тайинланган. Пенсия таъминотини ривожланишининг ушбу босқичига хос муҳим жиҳатлардан бири, иккинчи жаҳон уруши даврида пенсияга оид қонун ҳужжатлари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини пенсия таъминоти ҳақидаги янги қарор билан тўлдирилди ва такомиллаштирилдики, уларни тизимнинг даромад қисмида иштирок этмаган ҳолда, харажатлар қисмидаги иштироки, ҳозир ҳам муайян муаммолар ва эътирозларни келтириб чиқармоқда. Бу босқичнинг муҳим

хусусияти шундаки, пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш қилиб белгиланган.

Давлат пенсия таъминоти шаклланишининг иккинчи босқичи 1956 йилда қабул қилиниб, 1991 йилга қадар амал қилган «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва илк бор ягона пенсия тизимининг шаклланиши билан характерланади. Ушбу қонун пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг ягона тартибини белгилаб берди. Мазкур қонунда жамоа хўжаликлари ходимларининг пенсия таъминоти кўзда тутилмаган. Жамоа хўжаликлари аъзоларининг пенсия таъминоти маҳаллий миқёсда, яъни хўжаликлараро пенсия жамғармалари тузиш йўли билан ҳал қилинган ва фақат 1964 йилга келибгина пенсия таъминоти аҳолининг барча қатламларини қамраб олди. Пенсия тизимининг мазкур икки босқичига хос хусусиятларни умумлаштирадиган бўлсақ бу босқичларда аҳолини пенсия билан таъминлаш тизими тўлиқ шакллантирилди.

Учинчи босқич ижтимоий таъминот тизимида ислоҳотларнинг бошланиши ва унинг асоси бўлган "СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 1990 йилда қабул қилиниши билан белгиланади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниш зарурияти шундаки, аввалги пенсия қонунчилиги низолари билан жамиятда вужудга келган кўпгина ўзгаришлар ўртасида қарама қаршиликлар пайдо бўлиб, жамоат истеъмол жамғармалари ҳисобига давлат томонидан пенсия таъминотини амалга оширишни кафолатлаш имкони бўлмай қолди. Бу босқичнинг муҳим хусусияти шундаки, амалиётда илк бор пенсия жамғармаси, ижтимоий пенсиялар ва даромадларни индексациялаш тушунчалари пайдо бўлди. Учинчи босқичда тенг тақсимлаш тамойилидан чекиниб, пенсия таъминотининг меҳнат миқдори ва сифатига эришишга уриниб кўрилди. Амал қилиб келган пенсия тизимида фуқароларга ишлаган даври муддатидан қатъий назар, бир миқдорда кексалик пенсияси тайинлаган бўлса, янги қонунда эса кўп иш стажига эга фуқароларга пенсия

таъминотида устунлик берилди. Мазкур қонунда пенсия миқдорини тайинлаш учун ойлик иш ҳақи даражаси мезон сифатида қабул қилинди.

2. Мустақиллик йимлларидан олдинги Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳолати.

Пенсия таъминоти тизими тарихига назар солар эканмиз, ижтимоий таъминот фақат хайрия маблағари ҳисобидан амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек ҳалқининг тарихи Ўрта Осиё халқлари тарихининг бир бўлаги бўлиб, у ўзига хос тарзда оғир ва мураккаб йўлларни босиб ўтган.

Ўзбек халқининг турмуш тарзи, диний ахлоқ-одоби, урф-одати ҳамда қадимий анъаналари фуқароларни қадимдан оз бўлсада, ижтимоий ҳимояланганлигини билдиради. Лекин бу ҳимоя барча муҳтож қатламни тўлиқ қамраб олмаган ҳамда доимий характерга эга бўлмаган.

Туркистон Ўлкаси XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Чор Россияси мустамлакасига айлантирилган ва император томонидан бошқарилган. Император томонидан ижтимоий таъминот масаласи юзасидан маҳаллий ҳалққа тегишли бўлган ҳеч қандай фармонлар қабул қилинмаган.

Чор ҳокимияти даврида 1882-1909 йилларда Сирдарё вилояти бўйича 14 кишига, Фарғона вилояти бўйича 9 кишига, Самарқанд вилояти бўйича 2 кишига пенсия тайинланган бўлиб, булар ҳам хоннинг қариндошлари, юзбоши ва императорнинг ҳомийлари эди.[3]

Чор ҳокимияти маҳаллий ҳалқдан вақф солиқларини йиғиб олган бўлса ҳам унинг бор йўғи 1 фоизгача бўлган миқдорини пенсия тайинлаш учун сарфлар, соғлиқни сақлаш, маориф, ижтимоий таъминот масалаларига умуман эътибор берилмаган.

Туркистон ўлкасида 1917 йилдан кейин Ижтимоий ҳимоя масаласи бўйича озиқ - овқат билан таъминлаш Халқ Комиссарлиги тузилди. 1917 йилдан 1922 йилгача бўлган даврда юздан ортиқ ижтимоий таъминот масаласига тегишли

[3] Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Адолат”. 2009. -172 б.

декрет ва қарорлар қабул қилинган. Туркистон Республикаси марказдан бошқарилиши муносабати билан Республикада юқоридан қабул қилинган қарор ва фармонлар асосида ижтимоий таъминотга доир фармойишлар қабул қилинган.

1918 йил 13 майда 241-сонли карор билан Давлат Халқ комиссарлиги номи ўзгартирилиб, Халқ ижтимоий таъминот бўлими номи билан Меҳнат Комиссарлигига қўшилди ва 1919 йил ноябрдан Ижтимоий таъминот Халқ комиссарлиги мустақил органга айланди.

Ўша даврдаги иқисодий аҳвол, уруш оқибатлари натижасида юзага келган очарчилик, ишсизлик етим болалар аҳволи, бунинг устига Туркистон Республикасига Қозоғистон ва Россиянинг турли шаҳарларидан оч қочоқларнинг кўплаб оқиб келиши республикада махсус орган бўлишини ва бу орган ижтимоий ҳимоя масаласи билан шуғулланишини тақозо этар эди. Бу орган Россия ижтимоий таъминот Комиссариатининг қўлланма ва кўрсатмалари асосида иш юритарди. Асосий вазифа инқилоб ҳимоячиларига, уларнинг оилаларига, Кизил армия сафида ногирон бўлганларга ва вафот этганларнинг оила аъзоларига нафақа тайинлаш эди.

1918 йил 31 октябрда қабул қилинган пенсия таъминоти тўғрисидаги Низомга ва Туркистон марказий Ижроқўмининг 1920 йил 3 январдаги 165 сонли буйруғига асосан, 1 гуруҳ ногиронларига ўртача иш ҳақининг 1,5 кисми, 2 гуруҳ ногиронларига ўртача иш ҳақи, 3 гуруҳ ногиронларига ўртача иш ҳақининг 75 фоизи, 4 гуруҳ ногиронларига ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия тайинланадиган бўлган.

1920 йил 20 январда 185 сонли қарорга асосан, боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори бир кишига ўртача иш ҳақининг 60 фоизи, икки кишига 75 фоизи, уч киши ва ундан ортик бўлганда 100 фоиз миқдорида қилиб белгиланган.

Пенсия миқдорлари жамиятнинг тараққиёти ёки унинг пасайиши муносабати билан ўзгариб турган. Илк бор ўртача пенсия миқдори 10 сўм,

кейинчалик 13, 18 сўмни ташкил қилган. Ногиронлик пенсияси 1 гуруҳга 12 сўм, 2 гуруҳга 9 сўм, 3 гуруҳга 6 сўм бўлган.[4]

Бу даврда нафақат пенсия, балки озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб беришда кўп қийинчиликларга дуч келинган. 1923-1924 йилларда Марказдан ва қурғоқчилик бўлган ўлкалардан Туркистонга аҳолининг кўчиб келиши, очарчиликнинг мавжудлиги, ижтимоий ҳимоялаш, озиқ-овқат, турар-жой, иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадида алоҳида комиссия тузилиб, маблағлар давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган.

Аста-секин халқ хўжалигининг баъзи бир тармоқларидаги шахсларга нисбатан қарилик пенсиялари жорий қилина бошланди.

1930 йил 13 февралда СССР ХКС нинг "Ижтимоий таъминот бўйича пенсия ва нафақалар тўғрисида"ги Низоми билан давлат пенсиялари тартибга солина бошланди. Ушбу Низомнинг биринчи бўлими ногиронлик пенсияларига бағишланган бўлиб, умумий касаллик бўйича ногиронлик пенсияси иш стажига қараб, агар меҳнатда майибланса ёки касб касаллигига учраса, иш стажидан катъий назар, 1гуруҳ умумий касалликдан ногирон бўлганларга, ўртача ойлик иш ҳақининг учдан икки кисми, меҳнатда майибланганларга 100 фоизи, бошка гуруҳ ногиронларига қисқартирилган миқдорларда тайинланадиган бўлди. Ушбу Низомнинг иккинчи бўлими бўйича ишлаб туриб, вафот этган шахсларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига умумий касалликдан вафот этганда, оилада иккита аъзо бўлса, марҳумнинг ўртача иш ҳақининг тўққиздан тўрт қисми меҳнатда майибланиб, вафот этганларнинг оила аъзоларига ўртача иш ҳақининг тўртдан уч кисми миқдорида, боқувчисини йуқотганлик пенсиялари белгиланди. Учинчи бўлим ёшга доир пенсияларга тегишли бўлиб, умумий пенсия ёши эркакларга 60 ёш, аёлларга 55 ёш қилиб, талаб қилинган иш стажи эркаклар учун 25 йил, аёллар учун 20 йил қилиб, пенсия миқдори эса ўртача иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдор қилиб белгиланди.

[4] Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув қўлланма. –Т.: "Адолат". 2009. -172 б.

1929 йил 3 июлдаги фармонга асосан ўқитувчиларга, 1930 йил 22 сентябрдаги фармонга асосан, қишлоқ хўжалигидаги агрономларга, 1929 йил 25 сентябрдаги фармонга асосан қишлоқ жойларидаги тиббий ва ветеренария ходимларига, 1933 йил 17 октябрдаги фармонга асосан, фуқаролик авиацияси ходимларига кўп йиллик хизмат пенсиялари жорий қилиниб, тайинлана бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларига пенсия ва нафақалар тайинлаш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Болали аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат ёрдамини кучайтириш мақсадида нафақалар жорий қилинди.

1944 йил июлдаги фармонга асосан “Оналик медали”, “Оналик шуҳрати” ордени, “Қахрамон она” фахрий унвонлари жорий қилинди. 1947 йилдан бошлаб кўп болали оналарга нафақалар тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом амал қила бошлади.

1956 йил 14 июлда «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги биринчи қонун қабул қилинди. Бу қонунга асосан илгари ҳам фармон ва карорлар асосида тайинланиб келаётган пенсияларнинг барча турлари ягона қонунга асосланиб, тайинланадиган бўлди. Лекин бу қонун факат ишчи ва хизматчиларгагина ногиронлиқ, қарилиқ боқувчисини йўқотганлик кўп йиллик пенсияларини тайинлашни кўзда тутган эди.

1964 йил 15 июлда “Колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар тайинлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан колхозчиларнинг марказлаштирилган ижтимоий таъминот жамғармаси ташкил қилинди ва колхоз аъзолари шу жамғарма ҳисобидан 1965 йил 1 октябрдан бошлаб пенсиялар билан таъминлана бошладилар.

1968 йил 1 январидан бошлаб колхозчиларнинг пенсия ёши ишчи хизматчиларникига тенглаштирилди ва 1, 2 гуруҳ ногиронларининг пенсия миқдорлари оширилди. Шу даврдан бошлаб 3 гуруҳ меҳнатда майибланган колхоз аъзоларига ҳам ногиронлик пенсиялари тайинланадиган бўлди.

1972 йил 3 августда “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилиниб, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш тартибига бир нечта ўзгартиришлар киритилди. Ушбу Низом 1974 йилдан ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорини 45 сўм қилиб белгилади.

1990 йилгача бўлган даврда иккинчи жаҳон уруш ногиронлари, урушда ҳалок бўлганлар оила аъзоларининг пенсия миқдорларини ошириш ва уларга имтиёз ва енгилликлар белгилаш тўғрисидаги бир қанча қарорлар, фармонлар қабул қилинди.

1989 йил 1 августда “Аҳолининг пенсия таъминоти ва ижтимоий хизматни кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида”ги кичиқ қонун қабул қилинди ва шу даврдан бошлаб шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутга барҳам берилиб, ишчи ва хизматчиларга ҳамда колхозчиларга шу қонун асосида бир хилда пенсиялар тайинлана бошланди, шу даргача бўлган қонунлар ўз кучини йўқотди. Ижтимоий таъминотдан барча фуқаролар тенг фойдалана бошладилар.

Мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатлари тартибига ўта бошлаши пенсия таъминоти соҳасини қайта кўриб чиқишни, чуқурроқ ислоҳ қилишни тақозо қилди. Шу муносабат билан 1990 йил 15 майда “СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, 1991 йилдан кучга кирди. Қонун асосида пенсия соҳасида ислоҳот ишлари бошланиб, давлат ижтимоий таъминоти, ижтимоий пенсиялар, даромадлар индексацияси каби янги тизимлар амал қила бошлади. Бу Қонун мустақил республикамиз қонуни кучга киргунга қадар 1994 йил 1 июлгача амалда бўлди.

1990 йил 28 апрелда “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимларига пенсиялар шу қонунга асосан тайинланиб, бу қонунга ҳозирги кунда ҳам амал қилиниб келинмокда.

1. Мустақил Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари.

Республикамизда амал қилаётган пенсия тизими «авлодлар бирдамлиги» тизими бўлиб, 1991 йилда пенсия миқдорини иш стажи давомийлиги ва ўртача ойлик иш ҳақига узвий боғлаш ҳамда махсус пенсия жамғармаси ҳисобидан тизимни молиялаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилинди. 90 йилларда пенсияга оид қабул қилинган қонунлар пенсияни белгилаш ва тўлаш тартибига катта ўзгаришлар киритган бўлишига қарамай, у асосий муаммо пенсия тизими молиявий таъминотини барқарорлаштириш масаласини ҳал қила олмади.

Мустақилликка эришган кундан бошлаб, республикамизда алоҳида ижтимоий таъминот тизимини ишлаб чиқишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари Президентимиз томонидан белгилаб берилди.

Мустақиллик муносабати билан Республикамизда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотнинг мазмун моҳияти тубдан ўзгарди. Ижтимоий ҳимоя давлатимизнинг ички сиёсатининг асосий тамойилларидан бири қилиб белгиланди, чунки бозор муносабатларига ўтиб боришда аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламини ижтимоий қийинчиликлардан ишончли тарзда ҳимоялаш ва кафолатлаш зарурияти вужудга келган эди.

Аҳолининг давлат ҳимоясига муҳтож бўлган қатлами болали оилалар, қариялар, ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлганларнинг аҳволи бозор муносабатларига ўтиш даврида нарх-навонинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши билан қийинлашиб ижтимоий нотенгсизлик юзага келиш хавф хатари сезила бошлади.

Бу борада ижтимоий адолат коидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолотли ҳуқуқларини таъминлаш зарурияти пайдо бўлди.

Айнан, кишиларни ижтимоий ҳимоялашнинг ва ҳуқуқий кафолатлашнинг кучли ва таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлтгтдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида кучли ижтимоий сиёсат иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати эканлиги ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш кераклигини таъкидлаган. Бу шуни англатадики, бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий тизим ислоҳоти аҳолини, айниқса унинг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масаласини биринчи ўринга қўйди.

Мустақиллик давридан бошлаб эришилган улкан ютуқларимиздан бири ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг қарор топаётганлиги, умуминсоний қадриятларга асосланган янгича демократик тузум, фуқаролик жамияти ривожланиб бораётганлигидир.

Бугунги кунда жаҳон эътироф этаётган тараққиётнинг "ўзбек модели"да Президентимиз И.А. Каримов ижтимоий ҳимоя тизимини янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ўз йўналишларини қатъий белгилаб берди. Шу асосида истиқлол йиллари мобайнида ижтимоий таъминот соҳасида улкан ўзгаришлар ва ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳукумат карорлари ва Президентимиз томонидан чиқарилган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг миқдорларини ошириб бориш тўғрисида"ги Фармонлари кучли ижтимоий ҳимоя механизмининг ўзгарувчан шароитга мос бўлиши учун кучайтириб бориш тадбирларини ўз ичига олган.

Ижтимоий ҳимоянинг мавжуд усулларини, уларни молиявий таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартириш, бу муаммоларни фақат давлат маблағлари ҳисобига ҳал қилмай, балки ҳомийлар, хайрия ва жамоат маблағларини ҳам жалб қилиш зарурияти мавжуд пенсия таъминоти тизимни ташкиллаштиришнинг ўзига хос йўналишларидан биридир.

Давлат тақсимлаш тизимида у ёки бу чоралар тартибини танлашни эса мамлакат пенсия тизимида вужудга келган ҳолат, демографик вазият

тавсифи, жамиятда амал қилаётган адолат тушунчалари, сиёсий қарашлар белгилаб беради. Республикамизда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими маълум тарихий йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг ривожланиши(ни) мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топишига қаратилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб янги босқични бошлаб берди. 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунининг моҳияти - пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорига боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади. Мазкур қонуннинг негизи ва унинг МДҲ давлатлари пенсия тизимларидан асосий фарқи, пенсия ҳисоблаш схемасидир. Ушбу схема бўйича барча турдаги «пенсиялар уч қисмдан иборат бўлди”:[5]

Биринчи қисм кафолатланган бўлиб, пенсиянинг таянч миқдорини ташкил этади. Бу қисм Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талабидан келиб чиққан бўлиб, пенсиянинг энг кам миқдори давлат томонидан белгиланади, яъни “пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”. [6]Иккинчи қисм пенсия тайинлаш учун талаб этилган стаждан ортиқ бўлган ҳар бир тўлиқ йил учун пенсия миқдорини оширишдир. Бу қисмнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти

[5] Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. 25 модда. Ўзбекистонниг янги қонунлари . 9сон. Т: Адолат, 1995. 3б.

[6] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 1992. 17б.

талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир шахснинг меҳнат стажи давомийлигини инобатга олиш имконини беради.

Учинчи қисм пенсияга қўшиладиган устама бўлиб, жамият олдида хизмат кўрсатган ёки соғлиғи туфайли қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга берилади.

Янги қабул қилинган қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири, агар собиқ иттифоқ даврида пенсияларнинг беш тури мавжуд бўлган бўлса, энди пенсияларнинг қуйидаги уч тури сақланиб қолинган: ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси. Қонунга мувофиқ, умуман меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий пенсия ўрнига нафақалар тайинлаш кўзда тутилган. Кўп йиллик

хизматлари учун бериладиган пенсиялар эса ёш бўйича тайинланадиган имтиёзли таркибга киритилди.

Аҳолининг айрим гуруҳлари учун илгари белгиланган кўп йиллик хизмат пенсиялари, имтиёзли ёшга доир пенсиялар билан алмаштирилди. Қонун пенсия даражасини жамият фаровонлиги учун сарфланган меҳнатнинг сифати ва миқдорига мос келишини таъминлади.

Илгари собиқ Иттифоқ қонунида белгиланган ижтимоий пенсиялар ўрнига иш стажи йўқ фуқароларга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарорига асосан ёлғиз қариялар, ногиронлар ва болаликдан ногиронларга нафақалар белгиланди.

Ислоҳотлар давомида мулкчиликнинг қайси шакли ва соҳаларида банд бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларни тенг ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, айниқса аҳолининг ночор қатламларига ёрдам бериш, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш жараёнини фаоллаштириш талаб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли Қарорига асосан, болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлашнинг янги тартиби жорий қилинди.

1999 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 520-сонли ҳамда 2007 йилдаги 459-сонли қарорлари билан “Ҳеч кими йўқ ёлғиз кекса ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга доир 2010 йилгача мўлжалланган давлат Дастури” кабул қилинди ва ёлғизларнинг саломатликларини муҳофазалаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашга доир бир қанча тадбирлар амалга оширилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги давлатимизнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатига амал қилган ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 2010 йилгача даврга

мўлжалланган ижтимоий ҳимояси ягона тизимини яратиш концепцияси”ни ишлаб чиқди.

Ушбу концепцияда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан ва танланган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти келиб чиқиб давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш учун ягона йўл ишлаб чиқиш ва турли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари кучларини ҳамда имкониятларини бирлаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Ижтимоий ҳимоянинг мавжуд усулларини, уларни молиявий таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартириш, бу муаммоларни фақат давлат маблағлари ҳисобига ҳал қилмай балки ҳомийлар, хайрия ва жамоат маблағларини ҳам жалб қилиш зарурлиги эътироф этилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ижтимоий таъминот органлари билан бирга, Молия, Соғлиқни сақлаш, Алоқа вазирликлари, Бюджетдан ташқари давлат мақсадли Пенсия Жамғармасига, ҳамда жамоат ташкилотлари бўлган: Кўзи ожизлар, Карсоқовлар, Ногиронлар, Қизил Ярим ой жамиятлари, “Меҳрибонлик”, “Болалар”, “Наврўз”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Маҳалла” каби хайрия жамғармаларига ҳам юклатилгандир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори асосида Меҳнат ва Ижтимоий таъминот Вазирликлари бирлаштирилиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш Вазирлиги ташкил қилинди ва ижтимоий ҳимоя тизими ҳамкорликда амалга ошириладиган бўлди. Чунки ҳар иккала вазирликларнинг вазифаси давлатимиз олиб бораётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойили ҳамда муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва муҳофаза қилиш бўлиб ҳисобланади.

Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида, 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига бир катор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Янги Қонун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-

моддаси (Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш бунда қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда” сўзлари) билан тўлдирилди.

Бундан мақсад – мамлакатимизда жадал жорий этилаётган ва алоҳида тайёргарликни талаб этадиган замонавий ахборот ва ишлаб чиқариш технологияларига ходимларнинг кўникма ва тайёргарлигини ошириш, пенсия олувчиларнинг жисмоний имкониятига меҳнат вазифаларининг мос келишини таъминлаш ва улар учун меҳнат фаолиятининг мақбул шароитларини яратишдан иборат. Бунда пенсия ёшига етган ходимларнинг меҳнат қилиши учун мақбул шароитларни яратиш, зарур ҳолларда уларни енгилроқ вазифаларга ўтказиш, шунингдек, меҳнатга оид муносабатларни бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилган.

Шунингдек, 2012 йил 6 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчаларда ижтимоий мўлжалнинг универсаллиги тамойилларини босқичма-босқич амалга ошириш, фуқаролар пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўтган йиллардаги иш ҳақиларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган тартибга асосан қайта ҳисоблашнинг амалга оширилиши назарда тутилган.

Пенсия таъминоти қонунчилигига киритилган мазкур ўзгартишлар фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалаларини ҳамда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослигини таъминлаш, пировардида пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, юқори иш ҳақи олиб ишлаган фуқароларга мутаносиб миқдорда пенсиялар тайинлаш имкониятларини яратиш ва пенсиялар миқдорини устувор тарзда оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда Президентимиз томонидан бир неча бор таъкидланган муҳим масалага эътиборни кучайтириш лозим. Мамлакатимизнинг қай бир минтакаси бўлишидан, унинг иқтисодий ресурслар ва салоҳиятга қанчалик бойлигидан қатъий назар, ушбу минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида барча кучларни сафарбар этиш лозим. Айниқса, вилоят ва туман раҳбарлари ушбу кучларни мақсадга мувофиқ йўналтиришлари, уларни ўзаро уйғун ҳолда жамият манфаатлари остида бирлаштиришлари лозим. Республикамизда аҳолини турмуш даражасини ошириш, пенсия тизими соҳасини ривожлантириш ишлари янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилигида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни мустаҳкамлашга қаратилган қатор имтиёзлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг айрим моддаларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга фуқаролар тоифаси ҳам назарда тутилган. Хусусан, экология фалокати минтақасида ишлаганларга имтиёзли пенсия тайинлаш ҳуқуқи 1993 йил 3 сентабрдаги қонун билан жорий қилинган, Чернобил атом электр станциясида юз берган ҳалокат асос сифатида олинган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, экология фалокати минтақасида ишлаган фуқароларга имтиёзли пенсия тайинлаш нормаси фақат Ўзбекистон Республикаси пенсия қонунчилигида мавжуд. Бошқа бирор бир давлат қонунчилигида бундай меъёр назарда тутилмаган. Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритилди.

Ижтимоий ҳимоя тизимига оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши ижтимоий соҳага Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Бундан кўзланган пировард мақсад ҳам фуқаролар манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш ва халқ фаровонлигини оширишдир. Ижтимоий

сиёсатнинг адолат тамойилларидан келиб чиқиб, пенсия таъминотини амалга оширишда ҳуқуқий асосларини замон талабларига мос бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонун ҳам пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш, илғор халқаро тажриба ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқароларнинг қўшган шахсий ҳиссаси билан тайинланган пенсиялар ўртасидаги узвийликни таъминлашдан иборат. Мазкур қонунга мувофиқ, пенсияларни қайта ҳисобланади. Минтакаларда яшовчи пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин. Айни пайтда, амалдаги пенсия таъминоти қонунчилигига киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўз навбатида буларни амалга ошириш учун молиявий иқтисодий барқарорлик, жамғарма институтларини ташкил қилишни ўз ичига олган фонд бозорларининг ривожланиши ва унга мувофиқ келувчи қонунчилик асосларини яратиш, аҳоли жамғармаларини рағбатлантирувчи самарали солиқ сиёсатини юритиш, аҳолининг молиявий муассасаларга бўлган ишончини таъминловчи давлат бошқарув тизими зарур.

Пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги, фуқароларга қарилик чоғида тайинланадиган давлат пенсияларига қўшимча жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг роли алоҳида таъкидланди.Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, бунда 16 ёшгача ва ундан юқори ёшдаги фуқароларнинг ногиронлик ҳолатини белгилаш тамойилларини қайта кўриб чиқиш ва амалга ошириш тартибини мувофиқлаштириш масалалари

такомиллаштириш керак. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимида вужудга келаётган муаммолар пенсия тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ҳозирги шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимоя турлари кенгайиб, унинг қўлланиш асосларини тубдан ўзгартириш талаб қилинаётган бир пайтда хизмат кўсатилаётган аҳоли сони ва сарфланаётган маблағ миқдори жиҳатидан пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялашда асосий ўринни эгаллайди.

Давлат пенсия таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ тарзда ривожлантириш қўшимча маблағлар талаб қилиниши боис, бу соҳанинг даромадларини шакллантириш ва харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш базасидан кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Пенсия тушунчаси қандай шароитлар асосида шаклланган?
2. Қандай мақсадларда давлат зиммасига ижтимоий таъминотни молиялаштириш вазифаси олинади?
3. Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот категорияларининг фарқини тушунтиринг.
4. Мустақиллик йилларидан олдинги ва мустақилликдан кейинги пенсия таъминоти тизимларининг хусусиятларини тушунтиринг.
5. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминотини ислоҳ қилиш зарурлиги ва шарт-шароитларини тушунтиринг.

3-БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ.

1. Давлатнинг пенсия таъминоти борасидаги сиёсатининг мазмуни ва вазифалари

Аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги кўрсаткичлари унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлик холати ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси орқали намоён бўлади. Шу билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади: туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар; ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари; озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси; турар жой шароитлари; маълумот ва маданият; меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари; аҳолининг даромадлари ва харажатлари; ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари; транспорт воситалари; дам олишни ташкил этиш; ижтимоий таъминот.

Амалдаги ижтимоий таъминот тизимини бошқаришнинг ўта марказлаштирилганлиги, жамғарма шаклланишида таъминотнинг алоҳида шаклларини ажратиш ва автоном тизимда таъминлашни истисно қилувчи "умумий қозон" характери бугунги кунда тақсимлаш муносабатларини децентрализациялаш жараёни билан чуқур қарама-қаршиликка дуч келди.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий сабаби, давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларни бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир ва бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб мамлакатлар (узоқ муддатли истиқболда) пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган ўзига хос сиёсат олиб борадилар.

Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсад туради:

- фуқароларни кексайганда қашшоқликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- келажакда пенсия тизими орқали фуқарони турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

Бу борада дастлаб, «Ижтимоий муҳофаза» атамаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг «Ижтимоий муҳофаза тўғрисида»ги қонунида ишлатилган эди. Бу қонун орқли кексалик ўлим, ногиронлик ва ишсизликдан мажбурий таъминотлаш институти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. У мазкур қонун мамлакат учун янгилик бўлган

эди. Тез орада бу атама дунёнинг кўпгина мамлакатларида ва ХМТда кенг қўлланила бошланди, чунки у кексалар ҳамда меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам бериш миллий дастурлари ва тизимларини ташкил этиш муаммосининг моҳиятини содда ва тушунарли тарзда ифодалаган эди. Кейинчалик ХМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг ижтимоий таъминотлаш ва ижтимоий ёрдам, ишлаётганларга меҳнатга қобилиятсизлик ҳолларида энг кам даромадларни кафолатлаш бўйича, шунингдек меҳнат шароитлари ва уни муҳофазалаш, иш ҳақи соҳасидаги конвенциялар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш чоғида ушбу тушунчанинг доираси анча кенгайтирилди.

ХМТ нинг бу соҳадаги "Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида" 102- сонли Конвенция (1952); "Ижтимоий таъминот соҳасидаги тенг ҳуқуқлилик тўғрисида" 118-сонли Конвенция (1962); "Кекса меҳнаткашлар тўғрисида" 162- сонли Конвенция (1980); "Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни сақлаш тўғрисида" 157-сонли Конвенция (1982), 167-сонли тавсияномалари (1983) ва бошқа халқаро ҳужжатлар базаси сифатида ўрганилди.[7]

«Ижтимоий ҳимоя масаласи бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор»[8].

Ижтимоий жиҳатдан ночор аҳоли категорияларини муҳофазалаш шакллари ҳақида гап борган ҳолларда «ижтимоий таъминот» атамаси

[7] Г.Қосимова,З.Каримова, Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. 2009й.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигнга бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаат-ларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил, 8 декабрь.

давлатнинг ижтимоий сиёсатини таърифлаш учун кенг ишлатилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади, бу иқтисодий ислоҳотлардан бири давлатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.

Бизнинг республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги фақатгина иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ эмас. Балки, халқнинг маънавий қоидаларига асосланган соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Қолаверса, бу аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради. Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан амалга ошириш, уларни зурур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига чора-тадбирлар билан кўмаклашиши лозим.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш республикамизда ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, унинг муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ўтиш даври ижтимоий сиёсатнинг кучи ва аҳамияти унинг инсонга, уни ҳимоялашга инсонпарварларча қаратилишидан иборат. Зеро, президентимиз таъкидлаганидек, “Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда амалга ошираётган ижтимоий сиёсатимизнинг аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳақида

алоҳида тўхталиб ўтишни зарур. 2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.”[9]

Хорижий мамлакатлар тажрибасига асосан, камбағаллик ва аҳоли ўртасида кучли иқтисодий тенгсизликнинг олдини олиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизими ижтимоий сиёсат деб юритилади. Кенг маънода - ижтимоий сиёсат деганда шахснинг ҳаёт фаолиятини шундай шароитларини яратиш ва тутиб туриш бўйича кўрилган барча чора-тадбирлар тушунилади. У ўз навбатида шахснинг ривожланишига ёрдам беради ва унинг ижодий имкониятларини тўлиқ намоён қилишини рағбатлантиради [10].

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

«Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва нормалари тўғрисида»ги ХМТ 117 - Конвенциясининг 25- моддасига мувофиқ, одам ўзининг ва оиласининг сиҳат саломатлигини ҳамда фаровон турмушини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига, шу жумладан, озиқ овқат, кийим, уй жой, тиббий ёрдам ва ижтамоий хизматга эга бўлиш

---

[9] И.Каримов. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2014, Халқ сўзи.

[10] Абдурахмонов Ҳ. Х. Мсҳнат иктисодиёти. Дарслик. «Меҳнат» нашрибги. 2004 йил. -535 б.

ҳуқуқига, шунингдек, ишсизлик, ногиронлик ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тирикчилик воситаларини йўқотган бошқа ҳолларда таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашган шароитда амалга оширилаётган давлат пенсия таъминоти борасидаги сиёсатининг асосий йўналишларига тузатишлар киритилди. Энг катта эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳамда талабларига алоҳида эътибор берилди.

Республикамизда пенсия таъминоти борасидаги сиёсатнинг қуйидаги йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда:

- **даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасида;**

- иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендияларни минимал миқдорини белгилаш;
- инфляция ўсиши сабабли аҳоли даромадларини индексациялаш;
- даромадларни кам таъминланган фуқаролар фойдасига тақсимлаш.

- **истеъмол соҳасида:**

- ички истеъмол бозорини ҳимоялаш;
- истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- товарларнинг эркин алмашувига шароит яратиш;
- асосий истеъмол моллари даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик;
- ўта муҳим, юқори калорияли озиқ овқат истеъмоли таркибини такомиллаштириш;
- ижтимоий хизмат истеъмоли даражасининг кескин пасайи шига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

- **ижтимоий ҳимоя соҳасида:**

- аҳолининг ижтимоий таъминоти учун давлат молиявий манбалари билан бир қаторда ҳомийлик, хайрия ташкилотлари маблағларини жалб этиш;

• **ишлаб чиқариш соҳасида:**

- бандликни юқори даражада ушлаб туриш;

- хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан оммавий чиқариш амалга оширилаётганда меҳнат жамоалари манфаатларига риоя қилиш;

- илгари ўрнатилган меҳнат алоқаларини сақлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш ташкил этилди. Ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигининг олдини олиш, уларга мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклаш, касбга ўргатиш ва ишга жойлаштириш кўзда тутилган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди.

Маълумки, «инсон капитали»ни шакллантирувчи фаолият соҳалари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестицион тармоғи сифатида намоён бўлади, инсон капитали объектлари таркибига умумтаълим ва махсус хусусиятдаги билим ҳам киритилади. Ўзбекистон Республикасида ушбу тушунчанинг аҳамияти иқтисодий ислоҳотларнинг жадал бориши билан ҳам янада ўсди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш даврида муҳим тадқиқ объекти бўлиб қолди.

Маълумки, бугунги кунда инсон капитали тушунчасининг муҳим бир методологик вазифаси шаклланди, ҳолбуки илгари мутахасислар ушбу омилга етарли эътибор бермаган эдилар. Мазкур тушунча «имкониятлар тенглиги» концепциясини янада аниқлаштиради, ижтимоий сиёсатнинг эса амалий хусусият касб этишини кучайтиради. Бошқача айтганда,

«имкониятлар тенглиги» концепциясидан «инсон капитали» концепциясига ўтиш қуйидагиларга имкон беради:

- ♦ ижтимоий сиёсатнинг ҳар қайси тадбири ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини ҳисобга олувчи аниқ иқтисодий ҳисоб китоблар билан асосланади;
- ♦ инсон капитали бозорининг шакллантирилиши орқали «ижтимоий сиёсат» тушунчаси янада кенгайтирилади ва у янги тадбирлар билан бойитилади.

Ижтимоий таъминот ёрдамида жамият қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

- меҳнат жараёнида иштирок этмайдиган, меҳнатга лаёқатсиз кишиларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қопловчи пул жамғармаларини шакллантиради;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий миқдори ва структурасини таъминлайди;
- жамиятнинг ишловчи ва ишламайдиган аъзоларини моддий таъминлаш даражасидаги узилишни қисқартиради;
- аҳолининг меҳнат жараёнига жалб қилинмаган турли ижтимоий гуруҳларининг турмуш даражасини оширишга эришади;
- меҳнатда банд аҳолининг келажакларини моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятини яратади.

Ижтимоий таъминотнинг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда аҳоли ёшининг таркибий тузилиши республикамиздаги барча ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмоқда, бу соҳадаги долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ижтимоий масалаларни, жумладан, ижтимоий ҳимоя, пенсия

таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлар эканлигини белгилаб бермоқда.

Ижтимоий таъминотнинг асосий тамойили ҳар бир индивидумга ёки оилага фақат уларнинг даромади, фаровонлик даражаси, ижтимоий фойдали меҳнат сифати ва давомийлигини баҳолаш асосида ёрдам кўрсатишдир. Тизим камбағаллик чегарасидан ташқарида яшовчиларни қўллабқувватлаши, уларга ёрдам кўрсатиши ва айни бир вақтда, фуқароликнинг кексайганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда ўз ижтимоий таъминотларини таъминлашга интилишларини рағбатлантириши керак.

Ижтимоий сиёсатда фукаролар ҳаётини уч асосий босқичга ажратиш муҳимдир:

- меҳнат қилишни бошлагунгача (меҳнат фаолияти бошлангунга қадар бўлган инсон ҳаёти, маълумот олиш ва касб ўрганиш даври);
- меҳнат қилиш даври (ўз фаровонлиги ва жамият фаровонлиги йўлида қилинадиган фаолият);
- меҳнат қилиш тугаган давр (асосан ҳаёт фаолиятининг пассив даври — пенсионерлик, ногиронлик.).

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади: туғилиш ва ўлим даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар; ҳаёт кечириш-нинг санитария-гигиена шароитлари; озиқ-овқат товарларини исътемол қилиш даражаси; турар-жой шароитлари; маълумот ва маданият, меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари; аҳолининг даромадлари ва харажатлари; ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари; транспорт воситалари; дам олишни ташкил этиш; ижтимоий таъминот.

Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллабқувватлаш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни ўтказишнинг гарови бўлиб, бошланган ўзгариш ва покланиш жараёнининг орқага қайтишига йўл бермайдиган ижтимоий таянч ҳисобланади.

Республикамизда пенсия таъминоти тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш бозор иқгисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланди. Фуқароларнинг пенсия таъминотгиа бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади.

Энг аввало, жамият ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар камайтириш, ижтимоий таъминотга биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлгиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий таъминот одамларнинг турмуш даражаси билан маҳкам боғланган бўлиб, у БМТ тавсиясига ***мувофиқ бир неча унсурни***: саломатлик, демография шароитлари, озиқ-овқат, кийим-кечак, истеъмол ва жамғариш жамғармаларини, меҳнат қилиш шароитлари, иш билан бандлик, меҳнатни ташкил этишни; таълим олишни, саводхонликни, уйжойни, жумладан, ободонлаштиришни, ижтимоий таъминот, инсон эркинликларини ўз ичига олади.

Ижтимоий таъминот тизими — аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари соҳаси бўлиб, унинг сифат ва микдор кўрсаткичлари давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий ривожланиш даражасидан дарак беради. Ижтимоий таъминотланиш ҳуқуқи инсоннинг муносиб турмуш кечириши учун зарур бўлган ҳажмдаги физиологик, ижтимоий ва маьнавий эҳтиёжларини қондириш имконияти ҳисобланади. Ижтимоий таъминот тизимини ташкил этиш масаласи кўп жиҳатдан мамлакатдаги миллий тартибни, жамиятдаги тотувлик даражасини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарорлиги ва динамикасини белгилаб беради.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишнинг асосий қоидалари ва йўллари ишлаб чиқилган.

Ижтимоий таъминот чора-тадбирларининг кўп жиҳатлигиги ва йўналишлари хилма-хиллиги ижтимоий таъминот объектлари шахсан ходимлар, билвосита эса, улар меҳнат шароити ва меҳнат ҳақи тўлаш, касбий тайёргарлик, тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ҳақ тўлаш ва реабилитация хизматларидан иборат бўлмоғи керак.

Аҳолини ижтимоий таъминотлаш ***ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари*** билан таъминланади:

- пенсиялар;
- нафақалар;
- имтиёзлар ва хизматлар;
- бир йўла бериладиган моддий ёрдам.

Қуйидагилар ***ижтимоий таъминот объектлари*** ҳисобланади:

- пенсия ёшига етганлар;
- ногиронлар;
- боқувчисини йўқотганлар;
- кам таъминланган оилалар;
- ишсизлар;
- ҳомиладор аёллар ва ёш болаларга қараш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- касаллик туфайли вақтинча ишламаётганлар;
- ўқувчи ёшлар;
- меҳнатга лаёқатсизларга қараш билан банд бўлган ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқаролар.

Ижтимоий таъминотнинг профилактика олдини олиш вазифаси - меҳнат жараёнида ходимнинг саломатлигини ва меҳнат қобилиятини

муҳофазалаш имконини берадиган туркум ташкилий-техникавий, тиббий тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Иқтисодий вазифаси - меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча ёки доимий йўқотиш (касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик туфайли) ёки боқувчисини йўқотганлик (ходимнинг оила аъзолари учун) муносабати билан йўқотилган иш ҳақи ёки даромаднинг ўрнини тўлдиришдан, шунингдек, даволаниш ва ногиронлик муносабати билан қилинадиган қўшимча харажатларни қоплашдан иборатдир.Ижтимоий реабилитация (қайта тиклаш) вазифаси йўқолган саломатликни ва меҳнат қилиш қобилиятини қайта тиклаш мақсадида ходимларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитациялаш бўйича туркум чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Сиёсий вазифаси - жамиятда ижтимоий барқарорликни муҳофазалаш ва сақлаш бўйича Конституцияда ва қонунларда кафолатлаб қўйилган ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларни таъминлаш мақсадида самарали ижтимоий таъминот институтлари ва механизмлари барпо этилиши ҳамда қўллабқувватланишини таъминлаши керак.

Ижтимоий таъминотнинг «иқтисодиёт инсон учун» тарзида бўлиши лозим бўлган замонавий иқтисодиётга ўтиш учун шундай самарали тизим зарурки, у ҳар бир кишининг меҳнат салоҳиятидан унинг ижтимоий-иқтисодий мақоми, қайси ижтимоий-иқтисодий гуруҳга мансублигидан қатьи назар, ундан фойдаланиш имконини берсин. Фақат мана шундагина инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳамда «эртанги кунга ишонч» бўлишига эришиш мумкин. Бундай муҳофаза таъминланмас экан, қайта тайёрлаш, янгиликни ўзлаштириш, ижодий ишлаш қобилиятига эга бўлиш керак бўлган малакали ишчи кучидан фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Бошқача айтганда, самарали ижтимоий таъминот тизимининг мавжудлиги малакали ходим меҳнатига асосланадиган замонавий иқтисодиётнинг таркибий хусусияти ҳисобланади.

Самарали *ижтимоий таъминотлаш* деганда, жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум турмуш даражасини, ўз қобилиятини (меҳнат, тадбиркорлик, шахсий) ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, у ёки бу қобилиятлар йўқотилган тақдирда (кексалар, ногиронлар, касаллар, болалар ва бошқалар) кафолатларини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Ижтимоий таъминот мазмунини аниқлашга бундай ёндашилганда қуйидаги кафолатлар унинг таркибий қисмларига айланади:

-меҳнатга лаёқатлилар учун иш билан бандликни таъминлаш (ишликсиздан муҳофаза қилиш); ,

-меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;

-меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқовқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);

- турар-жой маданий хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизматларини минимал тенг меъёрда таъминлаш;

- замонавий малакалий ишчи кучини шакиллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш.

Миллий пенсия таъминот тизимларини ташкил этишдаги хилма-хиллик бир қатор сабаблари билан мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиш даражаси, уларнинг географик жойлашиш хусусиятлари, давлат қурилиши шакли, маданий ва тарихий анъаналари, ривожланган фукаролик жамиятининг мавжудлиги ва шу кабилар билан изоҳланади. Бунда миллий ижтимоий таъминот тизимларининг эволюцияси жараёнида уларнинг хилма-хил шакллари бирбирини тўлдириб келди, шу муносабат билан муҳофазанинг хусусий, жамоа-гуруҳий ва давлат шаклларининг хилма-хил комбинацияси ҳосил бўлиб, у ижтимоий таъминот моделини ташкил этди. Муҳофаза модулларининг асосий хусусиятларини белгилаб берувчи энг муҳим «омил» маблағларни ижтимоий

таъминот мақсадларига қайта тақсимлаш механизмларидан иборат бўлиб, бу мақсадлар ўз навбатида ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш механизмларига боғлиқдир.

Швециялик олим ЭспингАндерсен 1991 йилда ижтимоий таъминот тизимларини давлат қурилишининг “мафкураси” тури билан боғланган ҳолда гуруҳлашни таклиф қилди:

- Буюк Британия ва Японияда камбағалликни йўқотиш мақсадида ижтимоий ёрдам бериш (либерал тур) мезони муҳтожликни текшириш, давлатнинг социалижтимоий ёрдамини эркин бозордан ажратишга, «манзилли» ёрдамга интилиши билан ажралиб туради;

- Германия, Ғарбий Европа мамлакатларида ишга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасини сақлаб қолиш (консерватив тур) мезони белгиланган вазифаларнинг бажарилишини текшириш, ижтимоий таъминотлашнинг классик бисмаркча тизимлариниқўллаш ва аввалги хизматлари учун ёрдамнинг компенсация сифатида бўлишига интилиши билан ажралиб туради;

- Скандинавия мамлакатларида даромадни қайта тақсимлаш (ижтимоий-демократик тур). Мезони муайян аҳоли гуруҳига ёкитоифасига мансублик, стандарт пул ёки натурал ёрдамлар ё бўлмаса, муайян хизматлар тўпламини бериш, ёрдамнинг текисчилик руҳида бўлишига интилиш билан ажралиб туради» .

Шунга ўхшаш ёндашувни россиялик олим Е. В. Тишин ижтимоий таъминот ва пенсия таъминотининг тизимларини ижтимоий таъминот дастурларининг ривожланиш тамойиллари нуқтаи назаридан таснифлаш учун таклиф қилади. Бунда у қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

• АҚШ, Англия, Канадада амал қилиб турган янги консерватив тизимлар;

• Швеция, Дания, Швейцария, Люксембургда амал қилиб турган ижтимоий-демократик тизимлар ;

• Германия. Австрияда амал қилиб турган ижтимоий жамият

назариясига асосланган тизимлар;

• Франция, Бельгия, Японияда амал қилиб турган умумий фаровонлик давлати назариясига асосланган тизимлар;

• тушунарсиз бўлган тизимлар Италияда.

Бешинчи тоифанинг ажратиб кўрсатилиши ҳаммаси бир бўлиб миллий тизимни ташкил этадиган ижтимоий таъминот шакллари ва усулларининг мавжуд хилма-хиллигида барча тизимларни батамом таркибий жиҳатдан ажратиш ғоят мураккаб эканлигини кўрсатади.

<u>Аҳолини ижтимоий таъминот қилиш</u>

- кексалик, мёҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан таъминот тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти),
- кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар),
- вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллабқувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа),
- аҳолини айрим тоифаларига уларнийг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлар шаклидаш ижтимоий ёрдам, озиқовқат, ёнилғи бериш ва бошқалар),
- оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътилларни бериш),
- соғлиқни таъминот қилдириш (тиббий таъминот, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси),
- ногиронликнинг олдини олиш ва меҳиат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протезортопедия марказлари) оркали таъминланади.

Давлат аҳолини ижтимоий таъминот қилиш даражасини қонунчилик ва қонун асосидаги ҳужжатлар орқали бошқаради, тирикчилик қилиш учун зарур минимум даражасини белгилайди ҳамда уни назарда тутиб меҳнатга

тўланадиган ҳақнинг энг кам миқдорини, ижтимоий тўловларни, таъминот бадалларини ва ижтимоий ёрдам (имтиёзлар) турларини белгилайди, ижтимоий таъминот соҳасидаги хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Аммо давлатнинг аҳолини ижтимоий таъминот қилиш даражасини бошқаришдаги энг таъсирли роли қўшимча иш жойларини, шу жумладан, ногиронлар учун ҳам иш жойларини ташкил этиш, аҳолига касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака даражасини оширишдаги ёрдамини рағбатлантиришдадир.

Аҳолини ижтимоий таъминотлаш тизими, уни ривожлантириш истиқболлари ва қарор топиш босқичларини шакллантиришда демографик вазиятнинг аҳолини ва мумкин бўлган ўзгаришларни ҳам назарда тутиш керак. Масалан, Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ундаги аҳолининг ярмидан кўпроги меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади. Ўзбекистондаги меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг 80 фоизга яқинини болалар ташкил қилади, яънй 9,5 миллионга яқин киши меҳнат қилиш ёшига етмаган ва бунда аҳоли табиий ўсишининг юқори суръати сақланиб турибди. Меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган аҳолини ижтимоий таъминотлаш шахснинг бозор шароитларига мослашиш имконини нормал жисмоний ҳамда маънавий ривожланишини таъминлаши керак.

Республикамизда ижтимоий ёрдам аҳолининг энг кам ҳимояланган табақаларини, яъни объектив сабабларга кўра, ўз-ўзини боқа олмайдиганларни болалар, қариялар, ногиронлар ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлаб чиқаришда ишламайдиган бошқа шахсларни қўллабқувватлаш учун мўлжалланди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан камроқ қисмини ташкил этади. Бунинг устига ана шу 50,2% нинг деярли тўртдан бир қисми ишлаб чиқаришда машғул эмаслигини ҳисобга олсак, ижгимоий соҳа эҳтиёжлари ҳажмини ҳамда иқтисодиётга тушаётган оғирлик даражасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аҳоли орасида болаларнинг кўплиги Ўзбекистон учун хос бўлган бошқа хусусият оилалар катталигидан далолат беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан, иш ҳақи, стипендия, ногиронларга бериладиган нафақа, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа, оилага бериладиган нафақалар, моддий ёрдам, пенсиянинг барча турларини ошириш, уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблаш кўзда тутилади. Тўғри, аҳоли турмуш тарзини тубдан ўзгартириш, уни узлуксиз фаровонлаштириш, асосан, товар массасининг пул массасига нисбатан тез суръатлар билан ошириш ҳисобига эришилади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириши босқичида ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатшича, давлатнинг мақсадли жамғармалари тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш давлат молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг, қолаверса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

Пенсия таъминоти тизимини доимий ислоҳ қилишнинг асосий сабаби, Давлатнинг фуқароларни пенсия таъминотига оид мажбуриятарини бажариши учун молиявий ресурсларнинг етарли даражада етишмаслиги. Ҳозирги кунда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлиги фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Республикамизда пенсия тизими борасидаги муаммолар ва ислоҳ этишнинг объектив зарурияти Бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармасининг тараққий этиши жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил этишни, мамлакатда демографик вазиятнинг ўзгариб бориши эса мавжуд пенсия таъминотининг янги замонавий бозор моделини яратишни ва уни амалиётга татдбиқ этишни шарт қилиб қўймоқда.

Республикамизда пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий таъминоти бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўплашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сонли «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1январдан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғарманинг даромадлари ва ҳаражатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилди. 2014 йилдан амалга киритилган “Бюджет кодекси”нинг 36-моддасида кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жамланма бюджет таркибидаги давлат мақсадли жамғармаси эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб, ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш ресурсларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштиришга рухсат берилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга

қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллайди.

Пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасиддан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимига хизмат қилувчи пенсия жамғармалари учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги, мустақил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари эканлиги ҳамда ижтимоий суғуртаиннг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир.

3. Пенсия таъминоти борасидаги ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми дастак ва воситалари.

Миллий иқтисодиётдаги пенсия тизими тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, мамлакатда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Унинг маблағлари фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлари даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўтиш иқтисодиётининг кўп укладли хусусиятига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналардан иборат бўлади.

Бу даврда ижтимоий ҳимоя соҳасининг кенгайиши объектив омиллар билан тавсифланади. Урушдан кейинги йилларда кўпгина ғарб мамлакатлари иқтисодиётида сезиларли структура силжишлари юз берди. Меҳнатнинг мураккаблашуви, саноат ишлаб чиқариши воситаларининг қимматлашганлиги ишловчилар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва улар масъулиятни оширишни тақозо эта бошлади. Бу меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, дам олишни яхшилаш, уй-жой шароити ва турмуш тарзини ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштиради. Меҳнат

унумдорлиги, интенсивлиги ва меҳнат сифатини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни замонавий ташкил қилиш, иш ва ҳаётнинг жадал суръатлар билан бориши инсон организмининг қаришига, асаб ва бошқа турли хасталиклар, касб касалликларининг ортишига олиб келади. Юқорида қайд этилганлардан кўпгина ғарб мамлакатларида молиялаштириш ижтимоий суғурта ёрдамида амалга ошириладиган меҳнат фаолияти сифатини ошириш - яъни меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, тиббий хизмат тармоқларини кенгайтириш ва сифатини тубдан ўзгартириш, ишловчиларнинг иш ҳақини йўқотиш билан боғлиқ моддий аҳволини яхшилаш заруратини юзага келтирди.

Пенсия таъминоти амал қилишининг илмий ва ижтимоий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ушбу муаммонинг ***долзарблиги*** аҳоли туғилишнинг камайиши ва ўртача яшаш ёшининг ортиши, аҳолининг кексайиши билан белгиланади. Демографик прогнозларга кўра ривожланган мамлакатларда яқин истиқболдаги эллик йиллик мобайнида аҳолининг кексайиши кучайиб бориши жаҳон тараққиётида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. (1-жадвал)

1-жадвал

Жаҳондаги демографик тенденциялар прогнози
(1995 йилда аҳоли сони -1ғ100)

	1995	2000	2010	2020	2030	2050	2050 йилда 1995 йилга нисбатан ўсиш %да
АҚШ аҳолиси	100,0	104,8	113,0	119,8	124,7	172,2	72,2
демографик юк	19,2	19,0	20,4	27,6	36,8	38,4	200
Япония аҳолиси	100,0	101,3	102,2	100,6	97,6	91,6	-8,4
демографик юк	20,3	24,3	33,0	43,0	44,5	54,0	123
Германия аҳолиси	100,0	100,0	97,2	94,2	90,6	81,2	-18,8

демографик юк	22,3	23,8	30,3	35,4	49,2	51,9	232
Франция аҳолиси	100,0	102,2	104,9	106,9	107,8	106,1	6,1
демографик юк	22,1	23,6	24,6	32,3	39,1	43,5	196
Италия аҳолиси	100,0	100,1	98,2	95,3	91,9	82,6	17,4
демографик юк	23,8	26,5	31,2	37,5	48,3	60,0	252
Буюк Британия аҳолиси	100,0	101,0	102,2	103,5	103,9	102,0	2,0
демографик юк	24,3	24,4	25,8	31,2	38,7	41,2	170
Канада аҳолиси	100,0	105,0	113,2	119,7	123,1	122,7	22,7
демографик юк	17,5	18,2	20,4	28,4	39,1	41,8	239
Швеция аҳолиси	100,0	101,8	103,8	105,7	107,0	107,0	7,0
демографик юк	17,4	26,9	29,1	35,6	39,4	38,6	222

Изоҳ: демографик юк 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг 15-64 ёшдаги аҳоли сонига нисбати сифатида аниқланади.

Аҳолининг кексайиши, бандлик миқёси ва шаклларининг ўзгариши (банд бўлганлар умумий сонининг қисқариши, норасмий ва қисман бандликнинг, уй хўжалигида бандликнинг тарқалиши) бирдамликка асосланган пенсия тизимида кексаларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган давлат харажатларининг ЯИМдаги улушини ортишига сабабчи бўлади ва жамиятнинг меҳнатга қобилиятли аъзоларига тушадиган демографик юклама ортиб боради.

2– жадвал

Пенсия тизимлари

Мамлакатлар	Молиялаштириш	Пенсияга чиқиш ёши (эркак-аёл)	Суғурта бадалини тўлаш даври	пенсия тайинлаш учун даромадлар ҳисобга олинадиган давр	Энг юқори қоплаш коэффициенти	Нафақаларни индексациялаш

АҚШ	қисман жамғарувчи	65-66	35	Бутун меҳнат даври	41,0	Истеъмол нархлари индекси бўйича
Япония	қисман жамғарувчи	60-55	40	Бутун меҳнат даври	30,0	Соф иш ҳақи
Германия	Тақсимловчи	65-65	40	Бутун меҳнат даври	60,0	Соф иш ҳақи
Франция	Тақсимловчи	60-60	38	Энг нафли 12 йил	50,0	Истеъмол нархлари ғбрутто иш ҳақи бўйича
Италия	Тақсимловчи	62-57	40	Охирги 5 йил	80,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Буюк Британия	Тақсимловчи	65-60	50	Бутун меҳнат даври	20,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Канада	Тақсимловчи	65-65	40	Бутун меҳнат даври	25,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ
Швеция	қисман жамғарувчи	65-65	30	Энг нафли 15 йил	60,0	Истеъмол нархлари индексига мувофиқ

Бироқ пенсионерлар даромадини таъминлашда ҳал қилувчи рол давлат тақсимловчи пенсия тизимига тегишли бўлади. Иқтисодий ўсиш ва пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминоти масалаларини агар уч пенсия тизими ривожлантирилса самарали амалга ошириш мумкин деган хулоса чиқариш мумкин:

1. Кексалар ўртасида камбағалликни қисқартиришни мақсад қилиб қўйувчи ва мажбурий иштирокни талаб этувчи, давлат томонидан бошқариладиган **тақсимлаш тизими**;

2. Хусусий бошқарувда турадиган **мажбурий жамғариш тизими;**

3.**Ихтиёрий жамғариш тизими**. Бундан пенсия ёшидаги шахсларни молиявий таъминлаш тизимининг уч асосий функциясини ажратиш мумкин бўлади – даромадларни қайта тақсимлаш, маблағларни жамғариш ва суғурталаш. Бу ҳолатда биринчи тизим даромадларни қайта тақсимлаш,

иккинчи ва учинчи тизимлар эса – маблағларни жамғариш функциясини бажаради ва бу уч тизим кексайган ёшдаги рискларнинг кўпгина омилларидан қўшма суғурталашни таъминлайди.

Йирик миқёсли қамров ва нисбатан кекса аҳолини таъминловчи йирик миқёсли давлат жамғариш дастурли мамлакатлар учун давлат пенсия режаси ислоҳотларини ўтказишда биринчи қадам пенсияга чиқиш ёшини ошириш, муддатдан олдин имтиёзли пенсияга чиқиш шартларини камайтириш ва кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантириш, нафақа ва бадаллар шартларини пасайтириш тавсия этилди. Мазкур ислоҳотлар бугунги кунда барча ривожланган мамлакатларда амалга оширилмоқда. Ислоҳотларни амалга оширишдаги иккинчи қадам иккинчи мажбурий жамғариш режасини яратишни назарда тутади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

Бадалларни иккинчи мажбурий режа фойдасига қайта тақсимлаш ёки давлат нафақаларини нисбатан доимий даражада сақлаш йўли билан бирга давлат режалари миқёсини доимий чеклаб бориш, бироқ бадаллар ва уларнинг қайта тақсимланиш меъёрларини оширишни иккинчи режада амалга оширишга ИХТТнинг бир қатор мамлакатларида босқичма-босқич у ёки бу зига хос хусусиятлари билан ўтишга киришилди.

Ислоҳот жараёнида мутлақо янги тизимни яратиш билан бир вақтда эски тизим доирасида жамғарилган тўловлар бўйича мажбуриятлар ҳам эътироф этилади. Чили ва Лотин Америкасининг қатор мамлакатлари шу йўлдан боришган. Чили ҳукумати 1980 йилда давлат томонидан молиялаштириладиган, банкротга учраган PAYGO пенсия суғуртасини, мутлақо янги схемага алмаштирди. Хусусий тарзда бошқариладиган мажбурий пенсия жамғармасининг миллий тизими барча жисмоний шахслар учун пенсияларнинг энг кам миқдорини кафолатлайди. Хизматчилар ижтимоий таъминотга солиқ ажратмалари қилишлари билан

бирга ўзларининг иш ҳақларининг 10%ни 21 та хусусий пенсия жамғармаларидан бирига номли ҳисобларига қўйиши мумкин. Дастур иштирокчиларининг пенсияси уларинг охирги ўн йиллик иш ҳақларининг (йиллик) ўртача 70%ини ташкил этиши керак. 1995 йил маълумотларига кўра Чилидаги 21 пенсия жамғармаи 3 млн. фаол жамғарувчига эга бўлган ва 23 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги активлари бошқарган. Бу миқдор Чили ЯИМининг ярмини ташкил этади. Пенсия жамғармалари фақат инвестицион фаолиятни амалга ошириш хуқуқига эга. Кам риск билан портфелни ҳар томонлама кенгайтиришни таъминлаш, товламачилик ва самарасиз бошқарувни олдини олиш мақсадида махсус ҳукумат агентлиги томонидан қатъий давлат назорати амалга оширилади. Жамғармалар жамғармаларни сир сақлаган ҳолда йилда уч маротаба жамғарувчилар рўйхати, жамғармаларнинг молиявий фаолияти кўрсаткичлари, шунингдек жамғарилган қолдиқлар ва шахсий ҳисоблар бўйича даромад ставкасини эълон қилиб бориши керак. Ҳукумат провард суғурталовчи сифатида майдонга чиқади, бироқ шахсий пенсия жамғармалари бюджетдан ажратилган ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас. Чили пенсия тизими пенсия тўловларининг маълум миқдорини муайян жамғармага йўналтирган ҳолда, жамғармалар ва тўловлар миқдори ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни яратди.

Нодавлат жамғариш схемасига эътиборнинг кучайиши ва уни пенсия суғуртасининг комплекс тизимида қўллаш барча ривожланган мамлакатлар учун хос хусусият ҳисобланади. Дастлаб жамғариш тизимининг шаклланиши тасодифий кўринишда, тизимсиз амалга оширилган. Пенсия дастурларини ишлаб чиқишда етакчилар асосан фирма доирасида фикр юритишиб, ҳукуматга тартибга солувчилик ролини қолдиришган. Бугунги кунда давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молиялаштириладиган жамғариш пенсия тизими тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бундай тизимлар пенсионерлар даромадини қўллаб-қувватлашни таъминлайди ва корхоналарга инсон ресурсларини бошқаришнинг самарали дастурини яратиш имконини беради. Нодавлат пенсия режаларига эътиборнинг ортиб боришига қарамасдан, ривожланган мамлакатларда пенсия ислоҳатларини амалга оширишдаги устувор йўналиш тақсимлаш схемасини янги шароитларга мослаштириш бўлиб қолмоқда. Бу борада Германия, Франция, Италия, Швеция, Буюкбритания, АҚШда муайян қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги мослаштирувчи чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат бўлди:Пенсияга чиқишнинг ёш чегарасини ошириш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш;

- Пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш ва истеъмол нархларининг ўсиш суратига асосан индексация қилиш;
- қоплаш коэффициентини пасайтириш;
- мажбурий касбий жамғариш схемасини киритиш ва давлат тақсимлаш тизимини муҳтожликни текшириб кўришга асосланган пенсия таъминотига айлантириш.

Давлат тақсимлаш тизимида у ёки бу чоралар тартибини танлашни эса мамлакат пенсия тизимида вужудга келган ҳолат, демографик вазият тавсифи, жамиятда амал қилаётган адолатлилик тўғрисидаги тушунчалар, сиёсий қарашлар белгилаб беради. Ривожланган мамлакатлар гуруҳида пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича чора-тадбирлар тизими асосан жиддий тузилмавий ўзгаришларга нисбатан кўпроқ тузатиш (корректировка) характерига эга бўлмоқда. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фақат универсал характерга эга базавий пенсия доирасида амалга оширилиши ва бир вақтнинг ўзида хусусий пенсия жамғармалари ва индивидул пенсия режалари миқёси кенгайтириб борилиши керак.

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил этиш асосида уч концепцияни алоҳида ажратиш мумкин:

Биринчи концепция- давлат пенсия тизимини корхона доирасида, касбий ва индивидуал тизимлар билан тўлдиришни назарда тутади.

Иккинчи концепция- тизимнинг суғуртавий эквивалентлилигини таъминлашга йўналтирилган.

Учинчи концепция- пенсия таъминотини давлат назорати ва қўллаб-қувватлаши остида хусусий суғурта фирмаларига юклашни назарда тутади.

Ислоҳотнинг мазмуни мамлакатнинг сиёсий тизими ва иқтисодий шарт-шароитлари билан боғлиқдир.

Давлат пенсия таъминоти тизими –иқтисодий ислоҳотлар шароитида фуқароларни қарилик, касаллик, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотиш, боқувчисини йўқотганлик, ишсизлик ҳолатларида моддий таъминланишларига бўлган конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим бўлган асосий ижтимоий ҳимоя институтларидан биридир. Олинадиган маблағлар миқдори суғурта (меҳнат) стажи давомийлиги, иш ҳақи миқдори, меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига боғлиқ бўлади ва қонун асосида тартибга солинади.

Ўзбекистонда амал қилаётган ижтимоий суғурта тизими ҳозирга қадар ижтимоий суғурта эмас, балки кўпроқ ижтимоий ёрдам учун хос хусусиятларни сақлаб келмоқда. Иш берувчиларга юқори суғурта оғирлиги (деярли иш ҳақи жамғармаидан 25%) мавжуд бўлгани ҳолда кўпгина ижтимоий тўловлар даражаси етарли эмас ва тўланган суғуртавий маблағлар ҳажми билан бевосита боғланмаган. Суғурта тизими, ижтимоий хавф-хатар ва ижтимоий ёрдам тизимларининг аниқ бўлиниши мавжуд эмас. Кўпгина ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиладиган, ижтимоий кафолатлар тизими ва молиявий институтларни ташкил қилиш воситалари ва тамойиллари, атамалари, ижтимоий ва касбга оид хавф-хатарлар, суғурта бадаллари ва тўловларнинг эквивалентлиги, ижтимоий хавф-хатар ва суғурта тарифларининг боғлиқлиги, шунингдек ушбу

тизимнинг бошқа классик элементлари – аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳаётий муҳим тартибга солувчиси эмас, балки мавҳум категориялар сифатида тасаввур қилинмоқда.

Мамлакатимизда амал қилиб келаётган давлат ижтимоий таъминотига асосланган пенсия тизими шакли кўпчилик аҳоли онгида ижтимоий ҳимоянинг патерналистик шаклига кўникмани ҳосил қилди.

Ҳозирги шароитда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ҳуқуқий ҳолати ва мавқеи уларнинг роли ва функцияларини чеклаб, асосан молиявий муассасалардан, яъни «бадал йиғувчилар» ва «маблағларни тақсимловчилар»дан иборат қилиб қўяди.

Жаҳондаги пенсия таъминоти амалиёти кўрсатишича, ижтимоий суғуртани молиявий таъминлашнинг ишончли усули жамғармани уч каналли шакллантириш ҳисобланади. Бунда оғирликнинг катта қисми иш берувчилар(50-60%), кичикроқ қисми ишловчилар (10-20%) ва аҳолининг муҳтож қатламини ҳимоя қилиш вазифаси бўлган - давлат (30-40%) ўртасида тақсимланса, ўзини оқлайди.

Пенсия тизимининг молиявий ҳолатини яхшилаш, пенсионерларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш ва пенсия таъминотини бошқаришни оптималлаштириш йўли билан хизматлар сифатини яхшилаш ислоҳотларнинг мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳим ўрин тутади. Мамлакатдаги ўртача пенсия миқдори қуйидаги алгебрик ифодада белгиланади:

$$Sк=(ЯИМ/Nr)*K*(Nr/Np)$$

Бу ерда **ЯИМ** – ялпи ички маҳсулот;

K – пенсия тўловларини молиялаштиришга йўналтириладиган ЯИМ улуши;

Nr – банд аҳоли сони;

Np – пенсионерлар сони.

Келтирилган формула пенсия таъминоти даражасига таъсир кўрсатувчи уч асосий омилни белгилайди: **(ЯИМ/Nr), K, (Nr/Np).**

Биринчи иқтисодий омил **(ЯИМ/Nr)** – бир ишловчига ўртача тўғри келувчи ЯИМдир. Бу параметр амалда меҳнат унумдорлигини ифодалайди. Иккинчи пенсия сиёсати омили **(К)** - давлатнинг пенсияни молиялаштиришга йўналтирадиган ЯИМ улушидир. Учинчи демографик омил **(Nr/Np)** мамлакатдаги ишловчилар сонининг пенсионерлар сонига нисбатини ифодалайди.

Юқорида келтирилган уч омилнинг ҳаммаси пенсия таъминоти даражасига тенг таъсир кўрсатади. Аниқроқ қилиб айтганда, пенсиянинг ўртача миқдори уни ишлаб чиқаришга тенгдир.

Бундан ташқари, кўриб чиқилаётган параметр (К) нинг амалдаги миқдори учун бадал тўловларининг мажбурий пенсия суғурта бадалларини тўлаш борасидаги қонунчилик талабларини бажариши сифати муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия тизимининг шаклланиши уч омилга жиддий таъсир кўрсатади.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг бутун доиравий айланишига, аҳоли иқтисодий фаоллигини мотивациялашга жиддий таъсир кўрсатади. Мавжуд бирдамлик пенсия тизими аҳолини иқтисодий фаолликка ва меҳнат унумдорлигини оширишга ундамайди. Шу тариқа пенсия тизими ва иқтисодиётнинг қолган қисмлари бир-бирига узвий боғлиқдир. Шунинг учун аввало иқтисодий ўсишни кутиш ва сўнгра ижтимоий ислоҳотларни бошлаш керак деган стратегияни оқилона деб бўлмайди. Пенсия тизимини ислоҳ этиш иқтисодий ўсиш учун зарур шароит яратади.

Пенсия тизимининг қурилиши бандлик, ўз навбатида пенсионерлар сонига таъсир кўрсатади. Пенсия ислоҳати иш берувчилар ва ишловчиларни ўз-ўзини бошқариш соҳасини пенсия суғуртасига бериб,

давлат пенсия тизимини турли истиснолардан озод этади, кишиларнинг давлат пенсия суғуртасидаги молиявий иштирокини пенсияга боғлиқлигини кучайтиради.

Бир вақтнинг ўзида демографик омил пенсиянинг ўртача даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Ислоҳатлар суръати ва чора-тадбирларни белгилашда жалб этилган кўп сонли кишилар ва ҳар бир кишининг бадал тўлашни бошлаш ва пенсияга чиқиш вақти ўртасидаги кўп йиллик вақт билан боғлиқ бўлган пенсия тизимининг инерцияли ҳаракатини ҳисобга олиш лозим.

Пенсия тизими ислоҳати аста-секин ва зиддиятли ривожланади. Хусусан, пенсия тизимининг икки ёқлама характери унинг ислоҳ этишнинг қарама-қаршиликлар орқали боришини олдиндан белгилаб беради. Бир томондан, бу кишиларни ёш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ёки боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ даромадларни йўқотиш ҳолатларида ҳимоя қилувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидир. Бошқа томондан, пенсия тизими орқали мамлакат молия тизимининг бир қисми бўлган молиявий ресурслар қайта тақсимланади. Кўрсатилган зиддият ижтимоий трансфертларнинг турли шакллари молиявий ресурслар учун бир-бири билан “рақобатлашишига” олиб келади. Ушбу жараён мамлакатда бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаи ва ижтимоий суғурта жамғармаи маблағларини пенсия жамғармаининг харажатлар қисмини қоплаш учун вақтинчалик жалб қилинганлигида намоён бўлмоқда.

Пенсия таъминоти тизими самарали ишлашида ишловчиларнинг мотивацияси, уларнинг келгусида пенсия олишлари учун суғурта бадаллари тўлашдан манфаатдорликлари муҳим рол ўйнайди. Амал қилаётган тартиб бу жиҳатдан қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.

Суғурта бадалларини тўлаш борасидаги бирдамликдаги жавобгарлик ишловчиларни бадалларни ўз вақтида ва тўла миқдорда тўлашга ва пенсия тизимининг бюджет қисмини қўллаб-қувватлашга рағбатлантирмайди. Айни вақтда уларнинг ҳар бирида тайинланадиган пенсиялар миқдори,

шунингдек ёш бўйича ва стаж бўйича белгиланган имтиёзларни олишга қизиқиш бўлиши табиийдир. Бу муносабат ПФ бюджетининг даромад қисмининг камайиши ва харажат қисмининг ўсишига олиб келиб, ПФ бюджети ҳолатини ёмонлашувига бевосита таъсир кўрсатади. Бошқа омиллар билан биргаликда улар тўловларчиларнинг ПФ олдидаги қарздорликларининг ўсишига, пенсия миқдорининг камлигига, уни миқдорининг ишловчининг актив фаолияти давомида пенсия тизимига тўлаган суғурта бадалларига боғлиқлигини сусайишига олиб келди.[11]

Ишловчиларнинг ўзларининг бўлғуси пенсияларини молиялаштиришига мотивациясини кучайтириш мамлакатда бозор муносабатларини яратиш ва ривожлантиришнинг муҳим усулларидан биридир.

Пенсия суғуртаси тарихи пенсия тизимини молиялаштиришнинг уч даражасининг вужудга келиши, шаклланиши билан боғлиқ юз йилдан кўпроқ вақтни қамраб олади.

Биринчи даража ўзида кексаларни минимал ҳимоялашни акс эттиради. У меҳнат стажининг давомийлиги ёки пенсия тизими бюджетига суғурта бадалларини тўлаш даврига асосланмаган бир қатор минимум маблағларни акс эттиради. Белгиланган ёшга етиш пенсиянинг бу шаклини олиш имконини беради. Бу категорияга социал пенсиялар тааллуқлидир.

Иккинчи даража, пенсия миқдори билан пенсия формуласига пенсия суғурта бадалларини тўлаш давомийлиги, бадаллар тўланган иш ҳақи миқдори, пенсия ёши га етгандан кейин ишлаш давомийлиги каби параметрларни киритган ҳолда, шахснинг ўтказган суғурта бадалларининг боғлиқлигини ўрнатади. Бу ерда молиялаштириш тақсимлаш тамойилида амалга оширилади.

Учинчи даража, жамғариш тамойили бўйича ишлайди: суғурта бадаллари шахснинг пенсия ҳисобига ўтказилади, тегишли лицензияга эга

[11] А.П.Колесник. Тенденции развития пенсионний системы и ее адаптация к условиям рыночной экономики. «Пенсия», №1, 1997.

молия компанияси пенсия ҳисобидаги маблағларни бошқаради, уларни молиявий бозорда жойлаштиради.

Пенсия тизимининг турли босқичларида суғурта бадаллари тўлашга бўлган мотивация турлича бўлади. Биринчи босқичда бундай мотивация мавжуд эмас, учинчи босқичда эса энг юқори даражада бўлади.

Суғурталанган шахснинг пенсия хуқуқини йўқотиш риски даражаси ҳам турлича бўлади. Охирги даража молиявий бозорнинг барқарорлиги, қонунчилик тизими ва молиявий кафолатларга боғлиқ бўлганлиги сабабли, риск нисбатан юқори бўлади. Аммо бу ерда бир мунча эътиборни жалб қиладиган молиявий имкониятлар мавжуд бўлади. Биринчи даражада риск энг кам, аммо социал пенсия миқдори юқори бўлиши мумкин эмас.

“Пенсия тизимининг ривожланиши мумкин бўлган рискларни камайтириш учун барча уч даражанинг бирлигини таъминлаш” [12]дан иборат. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юқоридаги пенсия тизимидаги уч даражанинг оптимал нисбатини танлаш долзарб ва ҳал қилиниши лозим бўлган масала ҳисобланади. Бунда ҳар бир ишловчининг иш ҳақи ва суғурта бадалларини ҳисобга олиш зарурдир. Пенсия тизимини суғурта тамойили асосида шакллантириш учун ҳисоб-китоб ахборот базасини персонал ҳисобини жорий этиш орқали ташкил этиш лозим.

Персонал ҳисоб-китоб ғояси жуда содда бўлиб, ҳар бир ишловчи учун келажакда ёш бўйича меҳнат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган шахсий ҳисоб очилади. Ҳисоб тизимида киши ўзининг ҳаёти мобайнида қаерда ишламасин, унинг стажи, иш ҳақи ва пенсия тизимига тўланадиган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар индивидуал шахсий ҳисобга тушади. Пенсия қонунчилигида белгиланган суғурта ҳолати содир бўлганда персонал шахсий ҳисобдан суғурталанган шахсга пенсия тайинланади.

---

[12] А.Мойрер. Какую систему пенсионного обеспечения выбрать: перераспределительную или накопительную? «Человек и труд». №2, 1997 г.

Персонал ҳисоб ишловчининг пенсия ҳуқуқларини фиксациялаш ва сақлашни таъминлаб, меҳнат бозоридаги ҳисоб технологияси билан боғлиқ бошқа муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Персонал ҳисоб-китоб технологиясини жорий этишдаги муҳим муаммолардан бири – ҳисобнинг ишончлилигидир. Суғурталанган шахснинг умумий ва махсус стажи тўғрисидаги асосий ахборот манбаи бўлган меҳнат дафтарчаси, хусусан ташкилотдан фуқароларга пенсия тайинлаш учун бериладиган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотнома ўзининг ишончлилигини йўқотган. Амалиёт кўрсатишича, кўпинча бу маълумотларда сунъий тарзда ошириб кўрсатилган ҳолатлар учрайди. Шунингдек белгиланган муддат хизмат қилганлигини белгилайдиган ёки камайтирилган ёш бўйича пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи махсус стаж тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ҳам камдир. Алоҳида меҳнат шароитига эга бўлган касблар бўйича пенсия имтиёзлари тизимининг ўзи бунга имконият яратади. «Ишланган» махсус стаж бўйича касблар сони тўғрисидаги ахборотларни назорат қилиш имконини, хусусан нодавлат корхоналарида қийинлаштиради.

Мазкур ҳолатнинг вужудга келиш сабаби шуки, пенсия ҳуқуқини корхоналар қайд этади, пенсияни эса ушбу шахс тўлаган суғурта бадалларига боғлиқ бўлмаган ҳолда давлат тайинлайди. Оқибатда эса пенсиялар стаж ва тўланган суғурта бадалларига кўра эмас, балки тегишли ҳужжатларга «эга бўлиш» қобилиятига асосан белгиланади. Юқорида қайд этишган ҳолатлар меҳнат бозоридаги ҳисоб технологиясини ўзгартириш заруратини вужудга келтиради. Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида пенсия тизими жамиятда юзага келган иқтисодий муносабатга мувофиқ келиши ва ишловчиларнинг пенсия ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Бу муаммони эса персонал ҳисоб ҳал қилади.

Персонал ҳисоб ахборот базасини қўллаш ишловчи аҳоли ва пенсионерлар тўғрисидаги қатор ишончли, аниқ статистикага эга бўлиш имконини беради. Статистик маълумотларга пенсионерлар ва

ишловчиларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича сони, ўртача иш ҳақи, пенсия тайинлаш учун имтиёзли асосга эга бўлган ишловчилар сони, вақтинчалик ишламаётганлар сони ва ҳоказолар киради. Мазкур маълумотлар актуар ҳисобларни ташкил этиш учун зарур бўлган пенсия тизими бюджети лойиҳасини тузиш, уни ташкил этиш ва структураси тўғрисидаги стратегик қарорларни тайёрлашда жуда муҳимдир.

Персонал ҳисоб механизми, шунингдек уни амалга ошириш технологияси келгусида давлат пенсия суғуртаси билан бир қаторда профессионал пенсия тизимини ташкил қилиш ва ривожлантиришда ҳам қўлланилиши алоҳида меҳнат шароити билан боғлиқ имтиёзли пенсиялар муаммосини бирмунча ҳал этиш имконини беради. Улар йирик нодавлат пенсия жамғармаларида қўлланилиши мумкин. Табиийки, барча нодавлат пенсия жамғармалари у ёки бу шаклда ўзларининг суғурталанувчилари суғурта бадалларининг тўлаш тўғрисидаги персонал ҳисобини юритиши лозим бўлади.

Персонал ҳисобни қўллаш тизимли, хусусан, ҳуқуқий асосларини, технология, ташкилий ва кадрлар асосини мувофиқлаштирган ҳолда ривожлантириш йўли билан амалга оширилади.

Персонал ҳисоб фикримизча, қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- биринчидан, унинг меъёрлари фақат ҳисоб иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини тартибга солиши керак;
- иккинчидан, суғурталанган шахснинг пенсия ҳуқуқларини ҳимоялаш. Яъни персонал шахсий ҳисобга киритиладиган ахборотларнинг ишончлилигини таъминловчи тартиблар белгиланиши, бу маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш ва уларни сақлашнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилиши лозим;
- учинчидан, персонал ҳисобга муносабатнинг мажбурийлиги, яъни иш берувчилар ва ишловчиларга персонал ҳисобда

рўйхатда туриш ва белгиланган муддатда маълумот бериш мажбурияти юкланиши керак.

- тўртинчидан, персонал ҳисобга киритиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш тамойилига риоя қилиш.

Персонал ҳисоб кишиларнинг менталитетини ўзгартириши, яъни у кишиларни ўзларининг пенсияларини молиявий таъминоти тўғрисида пенсия ёшига етиш арафасида эмас, балки фаол фаолиятлари, пенсия бадалларини тўлаш давриданоқ ўйлашларига ундайди. Персонал ҳисобнинг киритилиши ва амал қилиши аввало пенсия тизими иштирокчиларининг тизимга муносабатини ислоҳ қилади ва персонал ҳисоб ислоҳоти натижаси ҳисобланади

Пенсия таъминоти молиявий ҳолатини такомиллаштириш йўлларидан бири касбий ва муддатидан аввал пенсия, шунингдек белгиланган йил учун пенсияларни молиявий таъминлаш мазкур хуқуқлардан фойдаланувчи ишловчилар сонига узвий боғлиқ бўлиши керак. Бадалларнинг иш берувчилар ва давлат ўртасида тақсимланиши молиявий юкни давлат зиммасига олувчи обьектив, ўзгармас омиллар ва молиявий юкни иш берувчилар зиммасига олувчи субьектив омиллар (эскирган технологиялар ва зарарли меҳнат шароити) туфайли соғлиқнинг зарарланиши касбий хавф-хатари меъзонлари асосига қурилиши керак. Мазкур шаклдаги бадаллар миқдорининг ортиши иш берувчилардан барча олдинги суғурта бадалларининг миқдорини қайта кўриб чиқишни, шунингдек аҳолидан олинадиган солиқлар структурасига тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилади.

Пенсия суғуртасининг бозор молиявий моделини қуриш учта ўзаро боғлиқ омилларга боғлиқ:

- пенсия кафолатларини таъминлаш учун зарур маблағларни жамғариш усули сифатида молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

- молиявий оғирликни суғуртанинг субъектлари ўртасида тақсимлаш;

- суғурта маблағларидан фойдаланиш (тақсимлаш ва қайта тақсимлаш) усулларини такомиллаштириш.

Пенсия тизимининг бозор модели қуйидаги принципиал ҳолатларга асосланиши лозим:

- молиялаштириш иш берувчилар ва ишловчиларнинг бадаллари ҳисобидан амалга оширилиши;

- суғуртавий хизматлар ҳажмининг бадаллар миқдорига бевосита боғлиқ бўлиши.

Республикамизга хос ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлар, амал қилаётган маблағларни қайта тақсимлаш ва капиталлаштириш усули, имтиёзли пенсия таъминотининг аралаш (иш берувчилар ва давлат маблағлари ҳисобидан) усули ёрдамида пенсия суғуртасини аралаш молиялаштиришни қўллаш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай давлат учун пенсия жамғармаларининг молиявий имкониятлари муаммоси муҳимдир. Ҳатто АҚШ ва Германия каби ривожланган мамлакатлар ҳам пенсияга чиқиш ёшини кўтариш масалаларини кўриб чиқмоқда. Қатор мамлакатлар пенсия тизимини молиявий барқарорлаштириш муаммосини пенсияга чиқиш ёшини кўтариш йўли билан ҳал қилиш имкониятларини қараб чиқмоқдалар. Ривожланган ғарб мамлакатлари учун бу ўта муҳим ҳисобланади. Бу мамлакатларда ўртача яшаш ёши юқори, аҳолининг кексайиши натижасида пенсионерлар сонининг ишловчилар сонига нисбати, яъни боғлиқлик коэффициенти тўхтовсиз ортиб бормоқда.

ХМТ маълумотларига кўра XXI аср бўсағасида ЕИ мамлакатларида 100 млн.га яқин кекса ёшдаги кишилар яшайди ва 60 ёшдан ошган шахсларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши 20% га яқиндир.

Прогнозларга кўра 2025 йилга келиб 65 ёшдан ошган кишилар сони 21 млн. кишига ортади, потенциал фаол аҳоли улуши эса 15 млн.дан кўпроққа қисқаради[1]. Ўзбекистонда бу нисбат қуйидагича: меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар минг кишига 350 дан кўпроқ пенсия ёшидаги шахс тўғри келади. Ҳозирги шароитда пенсия ёшини ошириш тўғрисидаги масаланинг қўйилиши, бир қарашда мақсадга мувофиқ туюлади. Бундай фикр тарафдорлари ғарб тажрибасига урғу беришади. Албатта, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ёш цензи Ўзбекистонга қараганда анча юқори бўлиб, бу кўрсаткич борасида турли давлатларда тебраниш мавжуд. Бир қатор давлатларда жинсидан қатъий назар пенсияга чиқиш ёши сифатида бир хил ёш цензи белгиланган, жумладан, Данияда – 67, Францияда-60, Германия, Испания, Бельгияда-65 ёш. Буюк Британияда пенсия ёши эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун – 60 ёш қилиб белгиланган. Фақат Испанияда ёш цензи Ўзбекистондагига ўхшаш, яъни аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш. Бироқ бу давлатлар учун пенсия ёшини ошириш масаласи долзарблигини йўқотгани йўқ. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича пенсияга чиқиш ёш цензини сезиларли ошириш, асосан олдинги пенсия ёши нисбатан паст бўлган мамлакатларда кутилмоқда. Масалан, Францияда 2040 йилга келиб пенсияга чиқиш ёши 61-62 ёшгача оширилиши мўлжалланаётган бўлса, Италияда 2005 йилдан эркаклар ёши ва 2016 йилдан аёллар ёшини 65 ёшгача ошириш[13] режалаштирилмоқда.

Пенсия ёшини кўтариш ҳақиқатда пенсия жамғармаларининг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мамлакатимизда пенсия таъминотининг амал қилиш шароитларини таҳлил этиш узоқ ўтиш даври, ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш билан бир вақтда ўртача яшаш ёши давомийлигини оширишни талаб этади.

---

[13] Самойлова Р.М. Пенсионное обеспечение в странах – членах Европейского Союза. Труд за рубежом. 1994. №1.с.32.

Пенсионерларнинг харид қобилиятини оширишига йўналтирилган қарор икки жиҳатга эга бўлади: пенсия ёишни ошириш тартибини ўрнатишни хуқуқий асосларини яратиш ва бундай оширишнинг иқтисодий манбаларини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикасида давлат пенсияси тўловларини молиялаштириш икки манба ҳисобидан амалга оширилади: иш берувчилар, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва республика бюджетидан ажратмалар.

Иккинчи манба ҳисобидан ҳарбий хизматчилар ва пенсия таъминоти бўйича уларга тенглаштирилган фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига пенсия тўловлари, шунингдек социал пенсиялар тўлаш амалга оширилади.

Охирги йилларда пенсия жамғармасининг бюджети маблағлари давлат бюджети маблағларининг учдан бир қисмига яқинни (27%ни) ташкил этган.

Ўзбекистонда амал қилаётган пенсия тизими пенсияларнинг молиявий таъминотини яхшилаш учун қатор имкониятларга ва резервларга эга.

Биринчидан, имтиёзли пенсиялар институтини, яъни умумий қабул қилинган ёшдан аввал тайинланадиган пенсияларни қайта кўриб чиқиш ва тугатиш. Бу механизмни амалга ошириш пенсияга чиқишнинг ўртача ёшини эркаклар учун 1,5 йил, аёллар учун 2 йилга кўтаришга имкон беради. бу механизм Пенсия жамғармаси харажатларини қисқартиришга имкон беради ва йилига сезиларли қўшимча тушумларни таъминлайди.

Иккинчидан, эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш. Мазкур тадбирни амалга ошириш ўртача пенсияга чиқиш ёшини 3 йилга кўтаришга имкон беради. Бу резерв Пенсия жамғармаси харажатларини қисқартиришга ва йилига Пенсия жамғармаси даромадлари қисмига қўшимча миқдорда тушумларни таъминлайди.

Бу икки механизмни амалга ошириш натижасида Пенсия жамғармаси реал маблағни тежашга эга бўлади. Бу ўртача қоплаш

коэффициентини кўтаришга имконият беради, яъни янги тузатма коэффициентларини киритиш ва минимал иш ҳақи ва пенсия миқдорларини тенглаштириш йўли билан пенсияларни индексациялаш механизмини жорий этишга имкониятлар яратилади.

Пенсия жамғармалари молиявий аҳволини барқарорлаштиришнинг муҳим муаммоларидан бири қўшимча молиялаштириш манбаларини излаб топишдан иборат. Бундай манбаларни излаб топиш амал қилаётган пенсия таъминотини молиялаштириш тизимини ислоҳ этиш йўли билан амалга оширилиши керак.

Бошқача сўз билан айтганда "меҳнат стажи" ёки "иш стажи" каби тушунчаларидан воз кечиш ва "суғурта стажи" тушунчасини иқтисодий муомалага киритилди. Бу пенсияни ҳисоблаш жараёнида мажбурий пенсия бадаллари тўланган фаолият даврларигина ҳисобга олинишини англатади ва жамғарма харажатларини қисқартириш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни ва такриби, вазифалари нималардан иборат?
2. Давлат мажбурий жамғариладиган пенсия тизимининг мазмуни ва зарурлиги нимадан иборат?
3. Ихтиёрий жамғариладиган пенсия тизимининг шаклланиш асослари қандай?
4. Пенсия таъминотига оид қандай концепциялар шаклланган?
5. Давлат ижтимоий таъминоти сиёсатининг стратегияси ва тактик вазифалари нималардан иборат?
6. Ривожланган пенсия таъминоти тизимларининг қандай

хусусиятларини Ўзбекистон шароитида шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади?

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ МЕХАНИЗМИ

1. Ўзбекистонда пенсия таъминотини давлат томонидан тартибга солиш асослари.

Республикамизда таъминотини давлат томонидан тартибга солишнинг дастлабки босқичи “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан характерланди. Ушбу қонун ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бу қонуннинг моҳиятини пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорига боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чораларнинг таркибида давлат пенсиялари муҳим ўрин эгаллайди. Пенсия таъминотининг ижтимоий аҳамияти шу билан аниқланадики, ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги кўплаб қариялар, ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотганларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига ўз таъсирини ўтказади. Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан давлат пенсия тизими мураккаб аҳволга тушиб қолди. Пенсионерларнинг даромадлари бўйича пенсиянинг ўртача миқдори ҳаётнинг яшаш даражасидан ортда қолмоқда. Қарилик бўйича пенсиянинг ўртача миқдори ҳаётнинг яшаш даражасидан анча паст. Шу муносабат билан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини кучайтириш ва пенсия тизимини барқарор

ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш мақсадида мамлакатда пенсия тизими ислоҳ қилинмоқда” [14].

Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби, давлат пенсиялари ягона тизимини ташкил этиш (уларни тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби) “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган. Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳоли сонини барқарор ўсиб бораётганлиги, аҳолининг ёш таркибида ёшлар катта салмоққа эга бўлишига қарамасдан кексаларнинг салмоғи барқарор даражада сақланиб қолаётганлиги ўз навбатида, ижтимоий масалаларга айниқса, пенсия тизимига алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Шу сабабли ҳам, мамлакатимизда пенсия тизимига ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Республикамизда пенсия тизининг ҳуқуқий асослари шаклланган бўлиб такомиллаштириб борилмоқда. Пенсия тизимини бошқарувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 мартдаги 938-XII сон “Фуқароларнинг давлат пенция таъминоти тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли қарори билан тасдиқланган).
- Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган

[14] Маликов Т.С., Ҳайдаров Ҳ.Н. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. –Б.340.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 252-сон қарори билан тасдиқланган);

- Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 252-сон қарори билан тасдиқланган);

- Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17 ноябрда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ 4161 сон Фармонига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириши йўлга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча вазифалар юкланди. Янги тузилма фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсатсия ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорини қайта ҳисоблаб чиқилиши таъминланди. Меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларга доир муносабатларни амалга оширади. Пенсия таъминоти тизимига киритилган бундай янгилик фуқароларни ижтимоий

муҳофазалаш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш имконини берди.

Фуқароларга пенсия тайинлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, мавжуд ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва одамлар ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ пенсия таъминоти масаласида белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилинишини таъминлаш мақсадида Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида буджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинди. Улар томонидан янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрилигини, шу жумладан фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлилигини текшириш йўли билан ёппасига текширувлар амалга оширилади.

Бугунги кунда Давлат пенсия тизимини 2012-2016 йилларда барқарор ривожлантириш, мақбул ижтимоий муҳитни шакллантириш йўли билан фуқароларни кафолатланган давлат пенсиялари билан таъминлаш ҳамда бу борада жойлардаги шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан Комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур чора-тадбирлар пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи сифатини янада ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда амалдаги қонунларга қўшимча равишда муҳим бўлган қонунлар, хусусан, нодавлат пенсия таъминотига оид қонунлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Республикимизда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилинишининг қандай мажбуриятлар асосий сабаби ҳам фуқароларнинг пенсия таъминотига оид мажбуриятларни бажариш учун давлатда молиявий ресурслар етишмаслигидир. Ҳозирги кунда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлиги фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Республикамизда пенсия тизими борасидаги муаммолар ва ислоҳ этишнинг объектив зарурати Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини тараққий эттиришда жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил этишни, мамлакатда демографик вазиятнинг ўзгариб бориши, мавжуд пенсия таъминотини модернизациялашни тақозо этмоқда.

2. Давлат пенсия таъминотини бошқариш органлари, уларнинг гуруҳланиши.

Давлат пенсия таъминоти тизими доирасида молиявий ресурсларнинг тақсимланиш ва қайта тақсимланиш жараёни ҳар доим маълум мақсадларга эришишга қаратилган, бўлиб у ўзига хос тарзда тартибга солиш ва рағбатлантириш тамойиллари асосида бошқариб борилади.

Маълумки, ҳар қандай тизимида бошқарув бўлгани каби, пенсия таъминотини бошқаришда ҳам *бошқариш объектлари ва субъектлари* мавжуд бўлади.

Давлат пенсия таъминотини *бошқариш объектлари* бўлиб турли молиявий муносабатлар ҳисобланади. Масалан, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ва бошқа пул жамғармаларини ташкил қилиш ва ишлатиш билан боғлиқ муносабатлар бошқариш объектларидир. Бу молиявий муносабатларни бошқаришга хизмат қилувчи ташкилий тузилмалар (молия органлари, солиқ идоралари, корхоналардаги молиявий хизматлар ва бўлимлар) эса *молияни бошқариш субъектларидир*.

Давлат пенсия таъминотини бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Молиявий муносабатларни бошқариш;
- Пул маблағлари жамғармаларини бошқариш;

- Молиявий аппарат фаолиятини бошқариш.

Молиявий муносабатларнинг ҳар бир соҳаси ва ҳар бир бўғинида бошқариш субъектлари бу муносабатларга таъсир этишнинг ўзига хос махсус усулларидан фойдаланадилар. Шу билан бирга, бу усуллар маълум умумийликка эга бўлган *функционал элементлардан* иборат, булар: режалаштириш, оператив бошқариш ва назорат.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминотини умумий бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девони амалга оширади. Давлат пенсия таъминотини оператив бошқариш эса молиявий аппаратга юклатилган. Унинг ёрдамида давлат пенсия таъминотининг барча таркибий бўғинларида молиявий фаолият устидан бошқарувни амалга оширади. Айнан молиявий аппарат молиявий режалаштириш, ҳисоб ва таҳлил, назорат ва тартибга солиш, молиявий режаларни тузиш ва бошқариш ишларини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини бошқариш органларининг гуруҳланиши

Мамлакат Президенти (*Президент девони*) молия тизими фаолиятини тартибга солади, мамлакат бюджетини имзолайди, Парламент томонидан қабул қилинган молиявий қонунларга “вето” қўйиш ҳуқуқига эга.

Икки палатадан (Сенат ва Қонунчилик) иборат бўлган Олий мажлис солиқлар, йиғимлар, солиқсиз тўловларни белгилайди, давлат бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тасдиқлайди, молиявий қонунларни (масалан,

Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва бошқалар) қабул қилади.

Молиявий бошқаришнинг умумий бошқарув органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджетини кўриб чиқади, молиявий бошқарувнинг ягона умумий маркази сифатида майдонга чиқади. 2014 йил 1 январдан кучга кирган “Бюджет кодекси”нинг 25-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бюджет соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси) бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси) бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

- бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- бюджетномани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади;

- давлат бошқаруви органларининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси) бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади;

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси) бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чоракда кўриб чиқади;

- ўтган молия йили учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси) бюджетларининг

ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ташқи аудит ўтказиш ҳамда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади;

- лозим бўлган ҳолларда молия йили мобайнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-3592-сон Фармонига мувофиқ Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг мақсадли ва самарали ижро этилиши, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ва ҳаракати, олтин валюта захиралари ҳамда ташқаридан қарз олишларни амалга ошириш, бошқариш ва тасарруф этиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган молия назоратининг юқори органи ҳисобланади.

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юкланган вазифаларни қонунийлик, холислик, мустақиллик ва ошкоралик қоидалари асосида амалга оширади.

Давлат молиявий назорати тизимида Ҳисоб палатасига катта роль ажратилган бўли, у мустақил ва объектив орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Ҳисоб палатасининг назорат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалалри ва ташкилий-назорат масаллари бўйича давлат маслахатчилари билан келишилган ярим йиллик ва йиллик Назорат ишлари дастурлари асосида амалга оширилади.

“Бюджет кодекси” га кўра (26-модда) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг давлат мақсадли жамғармалар соҳасидаги ваколатлари белгиланган:

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бўйича ташқи аудит ва баҳолашни амалга оширади ҳамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда банкларнинг давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатлари моддаларининг мақсадли ижросини бошланғич маълумотлар бўйича назорат қилиш имконини берувчи ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш имкониятига эга бўлади;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисмининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказади;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларининг мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия тизими, давлат мақсадли жамғармалари, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқариш бўйича ваколатлари, асосий вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади. Шунингдек, Молия вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бошқа қарорларига,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ва бошқа меъёрий актларга амал қилади.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур молиявий негиз яратишни, республика бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этишни, унинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашни, валюта режасини тузиш ва ижро этишни, пул ресурсларидан оқилона ва тежаб сарфлашни таъминлайди.

Молия вазирлиги республика бюджети ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича ижро этилиши учун, молиявий ресурсларни умумреспублика эҳтиёжларига сафарбар этиш ишларини ташкил этиш учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимлари, давлат суғурта идоралари, шунингдек, уларга қарашли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона тизимини ташкил этади.

Юқорида номи келтирилган Низомга мувофиқ, Молия вазирлиги қуйидаги *вазифаларни* бажаради:

- молия тизимининг, солиқ ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсир кўрсатишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини, миллий даромаднинг, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлаш;
- республиканинг молиявий ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига жамлаш, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, маълум мақсадга йўналтирилган яхлит халқ хўжалиги дастурларини маблағ билан таъминлаш, зарур молия, валюта резервларини ташкил этиш;
- молия, бюджет, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан

таъминлаш усулларини такомиллаштириш;

- солиқ солиш, нарх белгилаш, суғурта, валюта-молия аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида қонунчилик ва меъёрий актларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- молия, солиқ нарх белгилаш, суғурта, валюта аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.

Амалдаги “Бюджет кодекси” 29-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат мақсадли жамғармалар бўйича қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этади;

- давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказади;

- давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига айрим ҳолларда назарда тутилган тартибда давлат мақсадли жамғармалари параметрларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади;

- давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

- бюджетдан ташқари махсус ҳисобварақларда захиралар ташкил этади;

- давлат мақсадли жамғармалари касса ижросини юритади;

- давлат мақсадли жамғармалари Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидаги маблағларини бошқаради;

- давлат мақсадли жамғармаларининг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларини рўйхатдан ўтказади;

- давлат мақсадли жамғармалари маблағлари назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига кўра тўловларни амалга оширади;

- давлат мақсадли жамғармалари ижросининг бюджет ҳисобини юритади;

- давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни молиявий ҳамда иқтисодий экспертизадан ўтказади;

- ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг тегишли моддасида “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун хужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорағалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади”[15],-деб белгилаб қўйилган.

Ғазначилик юридик шахс мақомига эга бўлган Молия Вазирлигига бўйсунадиган давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорағалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва

[15] “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 6-модда. № 664-II-сон. 26.08.2004 й.

вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлимлари каби ҳудудий органлари фаолият қилади. Ғазначиликка Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади.

Ғазначилик “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунида белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган ваколатлар доирасида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва унинг субсчётларини бошқаришни амалга оширади. Ғазначиликнинг ваколат берилган лавозимдаги шахсларидан бошқа ҳеч бир ҳуқуқий шахс ёки жисмоний шахс ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами маблағларидан пул ўтказиш учун банкка тўлов топшириқномасини бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 28.02.2007 й. ПҚ-594-сон Қарорининг қабул қилиниши билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилди:

• давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

• давлат бюджети маблағларини ягона ғазначилик ҳисоб рақами, шунингдек тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

• бюджет ташкилотларининг товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар

сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

• бюджет ташкилотларини, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

• харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар(иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

• давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига зарур ҳолларда Ғазначиликнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари тузилмасига молия органлари бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш

бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низом[16]га асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси назоратини амалга ошириш юзасидан вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджет ва молия қонунчилигига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва йўриқнома кўрсатмалари, бюджет мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ бошқа қонунчилик ҳужжатлари бажарилиши таъминланишини назорат қилиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетининг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бўлинмалар ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақаларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

[16] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ЎзР ВМ 01.04.2011 й. 100-сон, 11.11.2010 й. 250-сон, 03.02.2012 й. 30-сон Қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

- ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилиш;
- жамғарма маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бориш;
- жамғарма бўлинмалари томонидан штат-смета интизомига риоя этиш таъминланишини назорат қилиш;
- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан бюджет жараёнига ноқонуний аралашиш ҳолларининг олдини олиш;
- фуқароларнинг молия ва бюджет интизомининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш;
- янгидан тайинланган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқишнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашнинг тўғрилигини, шу жумладан, фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан ялпи текширишларни амалга ошириш;
- мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини режали равишда текшириш;
- фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан, банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш;

- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган кўрикдан ўтказиш далолатномаларини ва хулосаларни, зарурат бўлганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда қайта экспертизадан ўтказиш;
- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими мутахассисларини жалб этган ҳолда доимий равишда текшириш;
- ўтказилган тиббий-эксперт текшириш комиссияларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини, шу жумладан даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилган бошланғич тиббий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини ўрганиш йўли билан текшириш;
- давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдолари ўтказилишининг тўғрилигини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакат иқтисодиётини бошқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Марказий Банкнинг фаолияти 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Марказий Банк молиявий сиёсат ва унинг таркибий қисми бўлган пул-кредит сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, у Ғазначилик органлари билан биргаликда бюджетнинг касса ижросини таъминлайди ва бошқа кредит институтларининг фаолиятини назорат қилади.

Давлат Пенсия таъминотини бошқариш тизимида Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари ҳам муҳим роль ўйнаб, улар ёрдамида солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли бюджет жамғармаларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат амалга оширилади. Шунга мувофиқ равишда молияни бошқаришга оид Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бюджетга ва нобюджет жамғармаларга солиқлар, йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши

масалалари бўйича молиявий қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини назорат қилиш;

• солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва уларни текшириш;

• молия органларига ва ғазначиликка солиқлар ва бошқа тўловларнинг ҳақиқатдаги тушумлари тўғрисида ҳар ойда маълумот тақдим этиш;

• ортиқча тўланган солиқ суммаларини ва солиқ тўловчилардан нотўғри ундирилган жарима ва пеняларни эгаларига қайтариш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш ва бошқалар.

Умуман олганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш шакл ва усулларининг ўзгариши, бошқарув аппарати таркибининг қайта тузилиши иқтисодиётни бошқаришни тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда молия тизимининг аҳамиятини ошириш, фаол молиявий сиёсатни олиб бориш билан боғлиқ бўлган қатъий заруриятдир. Шундан келиб чиқиб Давлат пенсия таъминоти ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими бошқариш механизмларини такомиллаштиб бориш орқали Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболларига эришиб борилади.

3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг моҳияти ва зарурлиги.

Давлат ўз корхоналари молиявий ресурсларининг бир қисмини фондларга сафарбар этади ва сиёсий институт сифатида қатор муҳим ижтимоий хизматлардан барча фуқаролар баҳраманд бўлишини кафолатлайди. Бунинг учун корхоналар ва муассасалар молиявий ресурсларнинг бир қисмини бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларини шакллантириш учун сафарбар қилади.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш мақсадида 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

1996 йилда Жамғарма мустақил молиявий структурага, пенсия таъминоти молиясини давлат бошқарув органига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

1997 йил 1 январдан Пенсия жамғармасининг пул маблағлари Ўзбекистон Давлат бюджетида маблағларни сарфлашда мақсадга йўналтирилганликни сақлаган ҳолда жамланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига биноан жамғарма давлат мақсадли жамғармаси мақомига эга, 2005 йил 1 январдан эса Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди.

Пенсия таъминоти тизимини бошқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4161-сон Фармони қабул қилинди. Бунга кўра 2010 йилдан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари фуқароларнинг пенсия таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий таъминот органларининг ҳуқуқий ворислари сифатида шакллантирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низом қабул қилиниб унда жамғарманинг пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловларини ва бошқа тўловларни тайинлашни, молиялаштиришни, ҳисобга олишни ва уларнинг тўланиши мониторингини олиб боришни, ушбу мақсадларга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлашни, шунингдек тиббий-меҳнат

экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этишни амалга ошириш бўйича асосий вазифалари, функциялари ва ваколатлари белгиланди.

Амалдаги “Бюджет кодекси”да бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига қуйидаги таъриф берилган (37-модда):

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси - фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарманинг кузатув кенгашидир.

Жамғарма идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Молия вазирига, Жамғарманинг Кузатув кенгаши раисига ҳисоб беради.

Жамғарма "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг бўлинмаларида пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ҳамда бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши мониторингини олиб боради ва текширади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади, фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича замонавий назарий ишланмаларни ва хорижий тажрибани ўрганади.

Жамғарманинг маблағларини олувчилар, пенсиялар ҳамда Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги ахборотни ишлаб чиқишда қатнашади ва автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашни жорий этади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимига:

- Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари;
- Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари;
- Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси;
- Бош, туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари киради.

Жамғарма ижро этувчи аппаратининг, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари таъминоти республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Қуйидагилар Жамғарманинг **асосий вазифалари** ҳисобланади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;
- пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;
- тизимли асосда пенсиялар тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблашнинг доимий таҳлилини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;
- меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этиш;
- тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этиш.

Пенсия жамғармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги **функциялар**ни амалга оширади:

1) Жамғарманинг даромадлари бўйича:

* Жамғарма маблағлари бўйича мажбурий тўловлар, бадаллардан маблағларни ҳамда бошқа тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидаги ҳисоб рақамига жамлайди ҳамда пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни молиялаштиришни таъминлайди;

* ҳар йили манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма даромадлари тушумлар прогнозини ишлаб чиқади;

* давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

мақсадида Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўртача ҳамда узоқ муддатли прогнозларини тайёрлайди;

* "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни айбдор юридик ва жисмоний шахслардан регресс даъволар бўйича белгиланган тартибда ундириб олади;

* бадаллар ва бошқа тўловлар тушиши ҳисобини олиб боради, шунингдек юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳамда деҳқон хўжаликлари аъзоларининг меҳнат дафтарчаларини белгиланган тартибда юритади ва сақлайди;

2) пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда қайта ҳисоблаб чиқиш бўйича:

* пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган тақдимномалар, аризалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади, уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштиради;

* пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун юридик шахслар ва фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлайди, кўриб чиқади ва текширади;

* Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимларида пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этади;

* зарур тарзда расмийлаштирган ҳужжатларга мувофиқ ва пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар қарорлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсияларни тайинлайди ва уларни қайта ҳисоблаб чиқади;

* пенсионерларнинг пенсия ишларини ва ижтимоий нафақа олувчи шахсларнинг ишларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа

ҳужжатларни расмийлаштиради, пенсионерларга пенсия гувоҳномалари беради;

* пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

* ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тақдим этилган пенсиялар, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ишончлилигини текширади;

3) пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни амалга ошириш бўйича:

* пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга оширади, ишламайдиган пенсионерларга алоқа ташкилотлари ва банклар орқали, ишлайдиган пенсионерларга эса - ташкилотлар орқали пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўлаш юзасидан топшириқларни расмийлаштиради ва уни амалга оширади;

* алоқа ташкилотлари, банклар томонидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши ҳамда тўланиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади;

* юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, шунингдек деҳқон хўжаликлари аъзоларига - улар томонидан ижтимоий суғурта бўйича бадаллар тўланган тақдирда, чақалоқ туғилганда бериладиган нафақалар ҳамда дафн маросими нафақаларини ҳисоблайди ва тўлайди;

* ташкилотларнинг ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўлов, Чернобиль ҳалокати оқибатида зарар кўрган фуқароларга компенсация тўловларини ва қонун

ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларга харажатларини молиялаштиради;

4) фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича:

* оммавий ахборот воситалари ёрдамида республика аҳолисини фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича хабардор қилади;

* белгиланган тартибда тайинланган шахсий пенсиялар тўланишини ташкил этади;

* имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, имтиёзли пенсияларни такомиллаштириш ва тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этади;

* фуқароларнинг мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқади, фуқароларни қабул қилади;

* "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг бўлинмаларида пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ҳамда бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши мониторингини олиб боради ва текширади;

* норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади, фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича замонавий назарий ишланмаларни ва хорижий тажрибани ўрганади;

* Жамғарманинг маблағларини олувчилар, пенсиялар ҳамда Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги ахборотни ишлаб чиқишда қатнашади ва автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашни жорий этади;

* пенсия таъминоти масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

* Жамғарма ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштиради;

* пенсия таъминоти масалалари ва Жамғарманинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини амалга оширади;

5) Жамғарманинг ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича:

* Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, бош, туманлараро, туман, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилади;

* Жамғарма ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича эътироз-даъво ишлари олиб борилишини ташкил этади ва амалга оширади.

Жамғарманинг Кузатув кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Жамғарма Кузатув кенгашининг мажлислари йил чорагида камида бир марта ўтказилади. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Мажлисни Кузатув кенгаши раиси, у бўлмаганда эса - раиснинг ўринбосари ўтказади. Кузатув кенгаши мажлиси, агар унда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ҳуқуқий ваколатли бўлади (кворумга эга бўлади).

Кузатув кенгашининг қарори унинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Жамғарманинг Кузатув кенгаши ваколатларига қуйидагилар тегишли бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогноз параметрларини,

шунингдек Жамғарма харажатларининг ҳар йилги сметасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Жамғарма ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармаларининг амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;

- вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари ва бошқа ташкилотлар масъул ходимларининг Жамғарма ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш тўғрисидаги ахборотини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг ижро этувчи директорини, унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

- Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Пенсиялар тайинлаш бўйича туман (шаҳар) бўлими комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;

- Жамғарманинг ижро этувчи аппарати фаолиятини, айниқса Жамғарма даромадларини шакллантириш, уни ўз вақтида молиялаштириш ва ундан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат қилиш;

- топшириқлар, қайдномалар ва почта ўтказмалари бўйича тўланадиган пенсиялар ва ижтимоий нафақалар жўнатилиши ва етказиб берилиши бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш;

- Жамғарма фаолияти ҳамда фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва давлат ижтимоий суғуртасига бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати тузилмаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига Жамғарма Кузатув кенгашининг тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ижро этувчи директор бошчилик қилади. Ижро этувчи директор Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва ўз функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Пенсия жамғармасининг таркибий тузилишини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин:



-чизма. Пенсия жамғармасининг таркибий тузилиши [17].

Жамғарма ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари Жамғарма Кузатувчи кенгашининг тақдимномаси бўйича, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари Жамғарма ижро этувчи директорининг тақдимномасига биноан Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи дирекциясининг таркибий тузилиши

[17] "Пенсионное обеспечение граждан". Спровочник для населения, Т.:2010 г. , Библиотека газеты "Норма", 147 с.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижрочи дирекцияси
Ижрочи директорнинг биринчи ўринбосари
Ижрочи директорнинг ўринбосари – бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби бўлими
Ҳудудлар бўйича ишни бошқариш органи
Пенсия таъминотини бошқариш органи
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини бошқариш органи
Ҳудудлар бўйича ишни бошқариш органи
Аналитик иш ва статистика бўлими
Ҳисоб китоблар ва пенсия ва нафақаларни тўланишини назорат бўлими
Пенсияни тайинлаш ва қайта кўриб чиқиш бўлими
Юридик бўлим
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими
Даромад ва харажатларни прогнозлаштириш бўлими
Ходимлар бўлими
Ахборот технологиялари бўлими
Республика тиббий ижтимоий экпертизаси инспекцияси
Хўжалик ташкилот группаси

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси молия вазири қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раислари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директори тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири қарори билан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Жамғарманинг тегишли ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаси бўйича Жамғарманинг ижро этувчи директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Туманлараро, туман (шаҳар) ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раҳбарлари Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғининг тақдимномаси бўйича Жамғарма ижро этувчи директори томонидан лавозимга тайинланади.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи бошлиқларнинг юқори бошлиқларга ҳамда Жамғарма Кузатув кенгашининг раисига бўйсуниши ва ҳисоб бериши асосида ишлайди.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун назарда тутилган Жамғарма

маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлайди. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган муддатларда даврий бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этади. Жамғармага муддатида тўланмаган мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлашда Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан амалга оширилади.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари томонидан, мустақил экспертлар жалб қилинган ҳолда бош, туманлараро, туман ва шаҳар тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган кўрикдан ўтказиш далолатномалари ва хулосалар ҳужжатлари такроран экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича харажатларнинг, шунингдек ташкилотларнинг ижтимоий суғурта бўйича харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилиши юзасидан мониторинг олиб бориш Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда жойлардаги туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шаклланирилади:

а) мажбурий тўловлар ва бадаллар:

- белгиланган миқдорлардаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
- алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
- фуқароларнинг суғурта бадаллари;
- жисмоний шахслар айрим тоифаларининг суғурта бадаллари;
- мажбурий ажратмалар;

б) бошқа тўловлар:

- "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсиялар тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи;
- "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;
- "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари;
- деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий тартибда тўланадиган суғурта бадаллари;
- ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар (қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техник таъминлаш

махсус жамғармасига ҳамда Жамғарма ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари);

- юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари:

- манбалар турлари бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши назорат қилинишини;
- манбалар турлари ва тўловчилар бўйича Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ҳисоби юритилишини;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғармага мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар тўғри ҳисобланишини, шунингдек Жамғарма билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати текширилишини;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари бузилганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишини;

- бадалларнинг шахслар бўйича ҳисобини амалга ошириш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш учун ҳар чоракда Жамғармага юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган бадалларнинг миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

“Бюджет кодекси” 53-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари белгиланган:

- ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари;

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

-бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

-бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бошқа даромадларга:

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлаш харажатларини ўрнини қоплаш учун тақдим этиладиган регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролар томонидан ўрни қопланадиган маблағларнинг бир қисми;
- Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари;
- юридик шахсларнинг имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий тартибда тўланадиган суғурта бадаллари;
- мажбурий тўловлар, бадаллар;
- ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар суммасининг бир қисми;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган маблағлар;

- вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар киради.

Республикамизда яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар миқдори нисбати унчалик катта кўрсаткични ташкил этмайди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушадиган маблағлар учун тўлов ставкаси 2006-2008 йилларда 23,5 фоизни ташкил этди, 2009 йилда 23,6 фоизга тенг бўлди, 2010-2013 йилда 24,8 фоиз ўзгармади.

ЯИТ тўловчилари ҳисобот ойида ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларидан ва Низомда белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда жами корхона бўйича ЯИТнинг базавий миқдорини аниқлайдилар. ЯИТнинг базавий миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

БРяит =К/n * N,

бу ерда: **БРяит** - ЯИТнинг бир ой учун базавий миқдори;

К - бир ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари (бир кунда ишлаган соатларидан қатъи назар) сони, бироқ корхонада ўрнатилган иш кунлари сонидан ортмаган холда. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига, шунингдек йиллик меҳнат таътилларига ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътилларга тўғри келадиган кунлар ҳам тааллуқлидир[18].

ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилган ҳоллар аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда, ЯИТни қўшимча ҳисоблайди. Бунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси тўловчи ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан ундирилади ва фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди.

[18]Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги Қарори. “Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

2 -*жадвал.*

Юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси[19](*фоизда*)

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2006	**2007**	**2008**	**2009**	**2010**	**2011**	**2012**	**2013**
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси	25,0	24,0	24,0	24,0	25,0	25,0	25,0	25,0
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	24,2	23,5	23,5	23,6	24.8	24.8	24.8	24.8
Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма	0,5	0,3	0,3	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1
Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1

Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Қарорларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига: тушган мажбурий тўловлар, бадаллар ва тўловлар тўғрисидаги, Жамғармага мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар турлари бўйича қарзлар тўғрисидаги тезкор ҳисоботни ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунигача; мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги ҳисоботни юридик шахслар томонидан чораклик ва йиллик ҳисобот тақдим этилгандан кейин 15 кун мобайнида тақдим этади.

[19] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари №1449, №1675, №1887 асосида

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари таркиби “Бюджет кодекси”нинг 74-моддасида назарда тутилган тартибда:

ишлаётган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш;

ишламайдиган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш;

давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар;

дафн этиш маросими учун нафақалар;

белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа харажатлар учун фойдаланилади.

Қуйидаги 3-жадвалда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ўзгариши берилган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 2011 йилда 6144,4 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда 8064,5 млрд.сўмга кўтарилди, 2013 йилда 10302,1 млрд.сўм режалаштирилди. Иш ҳақидан ягона тўлов салмоқли ўринга эга. Даромадлар таркибида иш ҳақидан ягона тўлов 2011 йилда 3903,4 млрд.сўмни (63,5 фоиз) ташкил этди, 2012 йилда 4799,2 млрд.сўмга (60,0 фоиз) кўтарилди, 2013 йилда 5907,4 млрд.сўм (57,3фоиз) режалаштирилди.[20]

Жамгарма даромадлари таркибида сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратмалар 2011 йилда 1122,7 млрд.сўмни (18,2 фоиз) ташкил этди, 2012 йилда 1401,5 млрд.сўмга (17,3 фоиз) кўтарилди, 2013 йилда 1591,3 млрд.сўм (15,4 фоиз) режалаштирилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари 2011 йилда 6144,4 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда 8064,5 млрд.сўмга кўтарилди, 2013 йилда 10302,1 млрд.сўм белгиланди.

[20] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари №1449, №1675, №1887 асосида.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ўзгариши (2011-2013 йиллар) [21]

(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2011	**2012**	**2013**
Жами даромадлар	**6144,4**	**8064,5**	**10302,1**
Йил бошига қолдиқ	0,5	280,1	602,2
Даромадлар			
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов	3903,4	4799,2	5907,4
Фуқароларнинг мажбурий бадаллари	720,4	1110,2	1482,7
Сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратма	1122,7	1401,5	1591,3
Бошқа даромадлар	397,4	474,4	718,5
Харажатлар	**6144,4**	**8064,5**	**10302,1**
Ишламайдиган фуқароларга пенсиялар	5862,7	7246,0	9097,6
Ишлайдиган фуқароларга пенсиялар	278,9	290,9	317,4
Хомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақа, дафн маросими нафақалари	0,7	12,8	20,5
Бошқа харажатлар	1,6	1,8	2,1
Йил охирига қолдиқ			
Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига ажратмалар	0,5	513,9	864,2

Жамғарма маблағларидан ишламайдиган фуқароларга пенсиялар харажатлари 2011 йилда 5862,7 млрд.сўмни (95,4 фоиз) ташкил этган бўлса, 2012 йилда 7246,0 млрд.сўм (89,9 фоиз)га кўтарилди, 2013 йилда 9097,6 млрд.сўм (88,3 фоиз) режалаштирилди. Ишлайдиган фуқароларга пенсиялар 2011 йилда 278,9 млрд.сўмни (4,5 фоиз) ташкил этди, 2012 йилда 290,0 млрд.сўмга (3,6 фоиз) кўтарилди, 2013 йилда 317,4 млрд.сўм (3,0 фоиз) режалаштирилди. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақа, дафн маросими нафақалари 2011 йилда 0,7 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда 12,8 млрд.сўмга кўтарилди, 2013 йилда 20,5 млрд.сўм режалаштирилди.

[21] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида иш ҳақидан ягона тўлов салмоқли ўринга эга. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма харажатлари таркибида ишлайдиган фуқароларга пенсиялар харажатларига йўналтирилади.

Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ижроси жараёнига янги ташкил этилган ғазначилик органлари, яъни янги субъектларнинг киритилиши билан, барча бюджет жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида ўзига хос механизм ишлай бошлайди. Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета харажатлари ва бюжетдан ташқари маблағлари ижроси билан боғлиқ барча молиявий жараёнлар янада батафсил тартиблаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 2009 йилдан бошлаб (рўйхатга мувофиқ) давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ва харажатларининг ғазначилик ижроси механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги 2010 йил 1 январдан бошлаб барча вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармалари Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2010 йил 4 мартдаги “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олиш ва Молия вазирлиги Ғазначилиги ва бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлар базаси ва дастурий мажмуини интеграция қилиш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги 253-сон қарорига мувофиқ 2010 йил 28 мартда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича ҳудудий ғазна ҳисобрақами очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-сон Қаророининг 8-бандида кўрсатилишича, Жамғарма маблағлари бўйича мажбурий тўловлар, бадаллардан маблағларни ҳамда бошқа тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидаги (кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилади) ҳисоб рақамига жамлайди ҳамда пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни молиялаштиришни таъминлайди[22]. Мазкур Қаророининг 11-бандида кўрсатилишича, мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларни ўтказиш Жамғарма даромадларининг белгиланган таснифларига мувофиқ тушумларнинг ҳар бир тури бўйича Жамғарманинг банклардаги тегишли ҳисоб рақамлари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чикиб, республика ва маҳаллий бюджет даромадлари, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари 2012 йил 1 январдан бошлаб Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса Марказида очилган Ягона ғазна ҳисобварағига кирим қилинади ва харажатларни ушбу ҳисоб-варақдан тўлаб берилади. Бюджет ташкилотлари ва фонд маблағларини тасарруф этувчилар учун шахсий ғазна ҳисоб-варақларини очиш ҳамда илгари очилган шахсий ҳисоварақлар орқали тегишли операцияларни амалга ошириш жараёнида

[22]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сон Қарори.

ўзгартиришлар бўлмайди ҳамда ушбу шахсий ҳисоб-варақлардан харжатларни амалга оширишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида" 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги **“Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”**ги 252-сон Қарори кабул килинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун асосида давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш, пенсия имтиёзларини қўллаш ва фуқароларни пенсия билан таъминлашга боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш тартибини белгилайди.

Жамғарма маблағлари:

а) ишламайдиган фуқароларга:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;
- давлат пенсия таъминотига ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация, бошқа тўловларни тўлаш;

б) ишлайдиган фуқароларга:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;
- 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, ўз вақтида тайинлаш, тўлаш ва манзилли равишда сарфлаш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш юзасидан - Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан таъминланади. Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ғазначиликнинг бўлинмаларида ҳисоб рақамлари очилади. Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 15-кунигача ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгилайди ҳамда Жамғарманинг ижро этувчи аппаратига буюртманома тақдим этади.

Жамғарманинг ҳисоб рақамларидан маблағларни қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мақсадларда ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади. Пенсия тайинлаш ва тўлаш, шунингдек фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан амалга оширилади. Қуйидаги жадвалда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлимида 2010-2012 йиллардаги пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар сони берилган. Маълумотлар кўрсатадики, 2010-2013 йилларда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони йилдан-йилга ошган.

4-жадвал.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимидаги пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар сони[23].

киши

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2010	2011	2012	2013
Пенсия ва ижтимоий нафака олувчилар сони	177562	220430	284582	287691

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Жамғарманинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилади. Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси туман бўлимларининг 2009-2012 йилларда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаракати тўғрисида маълумот берилган.

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ масалалар бўйича:

[23] Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шаҳар бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

5-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар туман (шаҳар) бўлими буйича пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаракати тўғрисида 2009-2012 йиллар ҳолатига

МАЪЛУМОТ[24]

Киши

№	Пенсия ва ижтимоий нафақа тури ҳамда тоифалари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2009 йилга нисбатан
1	**Жами пенсия олувчилар сони**	174937	216464	284624	201892	26955
I бўлим. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат песия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ						
1	**Ёшга доир пенсиялар сони**	153814	185134	236155	167610	13796
2	**Ногиронлик пенсиялар сони**	17893	26050	36325	24988	7095
3	**БЙП олувчилар сони**	2 975	4 901	11 055	8 521	5 546
II бўлим. "Ҳарбий хизматчилар пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун бўйича						
1	**Пенсия олувчилар сони**	255	379	1089	773	518
2	**Шундан: Ногиронлар сони**	234	355	855	613	379
3	**БЙП олувчилар сони**	21	24	234	160	139
III бўлим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли Қарорига мувофиқ, нафақалар						
1	**Жами ижтимоий нафакалар олувчилар сони**	2823	3897	10979	8345	5522
2	**Шундан: Ногиронлар сони**	2736	3770	9801	7554	4818
3	**БЙН олувчилар сони**	27	48	442	366	339

- оммавий ахборот воситалари ёрдамида республика аҳолисини фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича хабардор қилади;
- белгиланган тартибда тайинланган шахсий пенсиялар тўланишини ташкил этади;
- имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, имтиёзли пенсияларни такомиллаштириш

[24] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасининг маълумотлари .

ва тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этади;

- фуқароларнинг мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқади, фуқароларни қабул қилади.

Пенсия таъминоти соҳаси фаолиятини техник модернизация қилиш асосида, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш Пенсия жамғармаси ўз олдига қўйган устувор вазифалардан биридир. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Унификациялашган электрон маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида «Фидо бизнес» МЧЖ билан ҳамкорликда «Пенсия» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда ушбу дастурий таъминот республиканинг барча минтақаларида татбиқ этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур дастурнинг келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинуви ташкил этилади.

2012-2013 йиллар давомида тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига боғланиш ҳамда ушбу дастурлар билан ўзаро ахборот алмашинув йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг «КИГБ-4» дастури:

⇒ Жамғарма даромад ва харажатларининг шаклланишини таснифлаш ва унинг турлари бўйича тақсимотини таъминлаш;

⇒ барча бўғинларда харажатларни амалга ошириш, (пенсия ва нафақалар тўловларини молиялаштириш), шу мақсадда электрон тўлов топшириқномаларини on-line режимида тақдим этиб бориш;

⇒ Жамғарма маблағлари сарфининг тезкор мониторингини олиб бориш ва ҳисоботларни юритиш;

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ дастури:

- пенсия ва нафақаларни тўлови бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шаклантириш ва on-line режимида тақдим этиб бориш;
- ойлик жорий пенсия ва нафақалар тўлови якунлари бўйича электрон солиштирма далолатномаларни шакллантириш;
- ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари бўйича кунлик тезкор маълумотларни олиш.

ДТ Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари:

– тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш;

– ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;

– пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашиш;

– пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари бўйича олинган

маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш.

Давлат солиқ қўмитаси дастури:

- юридик шахслар жамғармага ўз вақтида тўловларни амалга оширмаган ташкилотлар бўйича ва уларнинг тушган пуллари тўғрисида маълумотлар олиш;
- фуқароларнинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни ойлик иш ҳақлари маълумотлари билан солиштириб бориш.

Давлат статистика қўмитаси дастури: корхоналар тўғрисида маълумотлар олиш ҳамда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни электрон тарзда юбориш. Дастурнинг қўшимча жозибадор таърифи сифатида унинг яқин келажакда электрон маълумот сервис хизматини амалга ошира олишини қайд этиш лозим.

Мазкур турдаги информацион-интерактив хизматлар турлари рўйхатига қуйидагиларни қўшиш мумкин:

- ✓ пенсия олувчиларга уларнинг пенсия миқдорлари ўзгариши хусусидаги маълумотларни мобил телефонларига SMS кўринишида юбориш;
- ✓ фуқароларга уларнинг ҳисобланган пенсия миқдорлари хусусидаги маълумотларни электрон почталари орқали кузатиб бориш имкониятини бериш;
- ✓ фуқаролар томонидан ўзларининг пенсия миқдорларини масофадан туриб (пенсион калькулятор) жамғарманинг веб-сайтида ҳисоблаш имкониятини таъминлаш;
- ✓ пенсия таъминоти қонунчилигига доир янгиликлар ва ўзгаришларни фуқароларнинг электрон почталарига тарқатиш;
- ✓ фуқаролар мурожаатларини ўрганиб чиқадиган, доимий автоматик равишда фаолият юритувчи ишонч ва шошилинч телефонларини ишга тушириш.

Тизим фаолиятига замонавий веб-технологияларни жорий этилишининг мантиқий давоми бўлиб, пенсия жамғармаси тизимида тезкор электрон ҳужжат алмашинуви ва кадрлар мажмуи бўйича — WSP «Personal» дастурий таъминоти ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий қилинишини таъкидлаш мумкин. WSP «Personal» дастурий таъминоти – тизимда фаолият кўрсатувчи барча мутахассис ходимлар тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган базаси бўлиб, бунда жойлардаги кадрлар сифат таркибини тезкор назорат қилиш, таҳлил қилиш ва тегишли маълумотларга эга бўлиш имкони мавжуд.

Шу билан бирга, мазкур дастурнинг юқоридаги имкониятларидан ташқари, унинг таркибида ходимлар малакасини ошириб бориш учун пенсия қонунчилигига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, идоравий меъёрий қўлланмаларнинг электрон базаси шакллантирилган. Шунингдек, қоғоз сарфини камайтириш мақсадида автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиши дастури тизим фаолиятида муваффақиятли фойдаланилмоқда, бунда юқори идоралардан ёки тўғридан-тўғри келиб тушган барча ҳужжатларни, фуқароларнинг мурожаатларини марказлашган автоматлаштирилган тизим орқали қуйи бўғинларга етказиш, ижросини назоратга олиш, тегишли жавоблар олинган ҳужжатларни назоратдан чиқариш асосида мониторинг ўрнатилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Фуқароларга пенсия тайинлаш учун мурожаат этган шахснинг бошқа ҳудудда меҳнат фаолияти юритган даврини аниқлаш учун, жамғарманинг худудий бўлинмалари ўртасида ўзаро сўров хатларини юбориш, мурожаатга тўлақонли ва ҳаққоний жавоб олиш ҳамда ушбу жараён устидан тегишли назорат механизмини назарда тутадиган «Сўров» модули — WSP «Personal» дастурининг қўшимча функционали ҳисобланади. Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимларида хўжалик юритувчи субъектлар айби билан меҳнатда майибланиш туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларига сарфланган маблағларни қоплаш юзасидан регресс даъволари ҳисобини юритиш, ундирилиши лозим бўлган

маблағлар ҳамда уларнинг қолдиқлари бўйича ягона интеграллашган маълумотлар базаси яратилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, жамғарма даромадларининг бир турдаги манбаини тўла-тўкис шакллантиришда аниқ таҳлилий ҳисоботларга ва тезкор маълумотларга эга бўлишни таъминлайди. Тизимни замонавий ахборот технологиялари талабларига мувофиқ техник қуроллантириш зарурияти, юқорида зикр этилган саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришнинг асосий омилидир. Айни шу мақсадда, бугунги кунда ижро этувчи аппарат томонидан коммуникацион ускуналар чет элдан келтирилиб, ҳудудий бўлинмалар тўлиқ таъминланди. Амалга оширилган ишлар натижасида соҳани замонавий ахборот ва коммуникация асбоб-ускуналари, технологиялари билан техник жиҳатдан қуроллантириш даражаси 2010 йилдаги 28,5 фоиз ўрнига, бугунги кунга келиб 91 фоизга етди. Бу кўрсаткични жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 100 фоизга етказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва ҳудудларда уларнинг тузилмалари ташкил этилиб, Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона электрон база тизими яратилиб, соҳа фаолияти такомиллашиб бораётганлиги, жамғарманинг худудий бўлимларини замонавий ахборот технологиялари билан техник жиҳозлаш даражасини кескин ошиши, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилишни, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш зарурлиги ҳамда ижтимоий муҳофазасини таъминлашда қонунчилик базасининг такомиллашиб бориши, шунингдек, ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатимизда бу қатлам вакилларини қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Пенсия таъминотида замонавий компьютер технологияларини қўллашнинг асосий мақсади - пенсия таъминотининг турли жараёнларида ахборотларга бўлган талабни қондириш, давлат миқёсида молиявий ахборотларни қайта ишлашнинг янги ахборот тизимини яратиш

натижасида молиявий ресурсларни бошқаришни тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлиб бу тизим фаолиятида янада юқори самарадорликка эришишни таъминлайди.

Жамғарма таркибидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2011 йилда 40 дан ортиқ туман (шаҳар) бўлимлари бинолари қайта таъмирланди, қурилиш ва капитал реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. 2013 йилда Пенсия жамғармасининг 89 туман (шаҳар) бўлимлари ўзининг янги ва реконструкция қилинган маъмурий биноларига эга бўлишади. Жойлардаги туман (шаҳар) бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, эътиборли жиҳатларидан бири сифатида фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилаётганлигини, зарур жиҳозлар ўрнатилиб, унда фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Пенсия жамғармаси даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва пенсия тўловларини белгиланган муддатларда молиялаштириш вазифаси жамғарманинг 2012 йил учун белгиланган даромадлари прогноз кўрсаткичлари 100,5 фоиз бажарилишига эришилди.

Натижада, йил якуни бўйича жамғарма харажатларини қоплаб, ортиқча туширилган солиқ тушумлари айланма маблағлар ҳажмини 36,5 фоизга кўпайтирди ёки ойлик жорий харажатнинг 70 фоизини қоплашга етарли захира маблағлари шакллантирилди.

Пенсия жамғармаси томонидан узоқ муддатли макроиқтисодий ва демографик параметрлар истиқболлари асосида ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлар асосида 2014 йилда жамғармани даромадлари унинг харажатларига нисбатдан янада юқори бўлиши таҳмин қилмоқда. Бу эса,

келгусида жамғарма молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланишидан далолат беради.

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари мутахассислари иштирокида видеосеминарлар, ўқув-амалий семинарлари ташкил қилиш орқали уларнинг касбий маҳоратлари мунтазам ошириб борилмоқда, бу борада чет эл тажрибасидан амалий фойдаланилмоқда.

Пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи сифатини янада ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш, давлат пенсия тизимини 2012-2016 йилларда барқарор ривожлантириш, мақбул ижтимоий муҳитни шакллантириш йўли билан фуқароларни кафолатланган давлат пенсиялари билан таъминлаш ҳамда бу борада жойлардаги шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан Комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва мазкур дастур ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланди. Юқоридаги давлат тадбирлари аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, нуроний ва пенсионерларни эъзозлаш, тизимни такомиллаштириб бориш орқали фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини адолатли ташкил этишга йўналтирилади.

Назорат учун саволлар:

1. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни, аҳамиятини тушунтиринг.
2. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига қандай ўзгартиришлар киритилди?
3. Давлат пенсия таъминотини тартибга солувчи қандай меъёрий ҳужжатларни биласиз?
4. Амалдаги “Бюджет кодекси”да бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармасига қандай таъриф берилган?

5. Давлат пенсия таъминотини умумдавлат бошқариш органларини тавсифланг.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат пенсия таъминотини бошқариш бўйича қандай ваколатлари мавжуд?
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш бўйича ваколатлари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг пенсия таъминоти ижросини таъминлашдаги ваколатларини тушунтиринг.
9. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятининг мақсади, функциялари ва вазифалари нималардан иборат?
10. Жамғарма даромадларининг шаклланиш манбаларини тушунтиринг.
11. Жамғарма маблағлари қандай мақсадларга йўналтирилади?
12. Жамғарма фаолиятини назорат қилишда Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Бош назорат-тафтиш бошқармалари назоратларининг фарқини изоҳлаб беринг.
13. Жамғарма фаолиятини самарали ташкил этиш йўналишлари нималардан иборат?

5-БОБ. ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ ПЕНСИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

1. Давлат пенсияларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёшга доир пенсиялар ва уларнинг мазмуни

Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш давлатлараро битимлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти, давлатлараро битимлар да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилаларининг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

Мамлакатимизда давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланган:

- *ёшга доир пенсия;*
- *ногиронлик пенсияси;*
- *боқувчисини йўқотганлик пенсияси*.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул

таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими тўғрисидаги”Қонунга асосан, фуқаролар маълум белгиланган ёшга етиб иш стажига эга бўлганларида пенсия тайинланиши белгилаб қўйилган. Ёшга доир пенсия Республикамиздаги кекса фуқароларни ижтимоий таъминлашнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади.

“Ёшга доир пенсия” атамаси ушбу Қонун кучга кирган вақтдан бошлаб амал қила бошлади, чунки 1994 йил 1 июлгача бўлган даврда бу пенсия “қарилик пенсияси” деб юритилган.

Ёшга доир пенсияни тайинлаш фуқаронинг қарилик ёши эмас, балки меҳнат қобилиятининг пасайиши ёки айрим бир касблар учун мос келмай қолиши ҳисобга олинган ҳолда белгиланиб, бу пенсияни олиш учун айрим ҳолларда муайян ёшга етиш ва иш стажининг мавжудлигига асосланиб тайинланиши назарда тутилган. Илмий тадқиқотларга кўра инсоннинг кексайиши даври 61 ёшдан 74 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олиши ўрганилган.

Ёшга доир пенсия деганда, асосан, фуқароларнинг ўтган даврдаги иш стажини, жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда умрбод тайинланадиган давлат пенсия таъминотининг турларидан бири тушунилади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

- *эркаклар* 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
- *аёллар* 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

- *пенсиянинг таянч миқдоридан*;
- *иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан*;

- *пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан*.

Ёшга доир пенсияларнинг таянч миқдорлари тўлиқ пенсия учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетмакет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетмакет беш мавсўмдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажи учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

Таъминот бадаллари ҳисобланадиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўшилади. Давлат

томонидан ижтимоий таъминотланмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига таъминот бадаллари олинадиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига биноан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобкитоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган таъминот бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий таъминотга ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади.

Ишловчиларнинг иш ҳақига минтақавий коэффициент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларга пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

Бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларга пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

Чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинади.

Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий таъминотланган ҳолда бажарган ҳар

қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига таъминот бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига таъминот бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар.

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғконқутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига таъминот бадаллари тўланган тақдирда.

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва ҳалқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонларнинг хотинларининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Чет элда ишланган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган таъминот бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1-3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда

(шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни улар истиқомат қилиб турган жойдаги Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлимлари тўлайди.

Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар уларнинг иш жойида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади. Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади

Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Отаонаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаганлари тақдирида ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ойнинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади. Пенсиялардан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибида ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари **имтиёзли шартларда** пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

- ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг белгиланган тартибдаги рўйхати;
- умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг белгиланган тартибдаги рўйхати;
- умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг белгиланган тартибдаги рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар.

Шунингдеқ ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар ;

б) бевосита ер ости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, конқутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар;

в) учувчилар ва учувчи синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу

лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда.

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учиш ишларидан бўшатилган тақдирда, белгиланган хизмат муддатини эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театртомоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

д) спортчиларнинг айрим тоифалари иш стажи камида 20 йил бўлганда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 14 апрелдаги "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонунга кўра камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонунда белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бўзилган паканалар – эркаклар иш стажи камида 20 йил бўлганда, аёллар иш стажи камида 15 йил бўлганда эга бўладилар.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар ёшга доир пенсиялар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8сентябрдаги 252-сонли "Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган

амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ тартибда белгиланади.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти – тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақининг айнан шу ой учун энг кам ойлик иш ҳақи нисбати сифатида аниқланадиган миқдор ҳисобланиб, иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти (ИКЗ)дан пенсионернинг (ёки пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг) пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланилади.

Шахснинг ИКЗ, ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар, (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет олтмиш ойидан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

ИКЗi = ФЗi / МЗПi, бунда:

ИКЗi – i ой учун иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти;

ФЗi – i ой учун ҳақиқий иш ҳақи, сўм;

МЗПi – i ой учун энг кам ойлик иш ҳақи, сўм.

Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахс олтмиш ойдан кам ишлаган тақдирда якка тартибдаги иш ҳақи коэффициентлари унинг тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий

иш ҳақини айнан шу ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлиш йўли билан мавжуд иш стажидан ҳар бир ой учун аниқланади. **ИКЗ** вергулдан кейинги тўрт белгили миқдордан иборат бўлади. ИКЗни ҳисоблашда вергулдан кейин тўрт белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги бешинчи белги «5»га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда тўртинчи белги бир бирликка кўпайтирилади.

Мисол. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти 5,62316ни ташкил қилди. У яхлит қилиб ҳисоблангач 5,6232 ҳосил бўлади.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ПФЗi = ИКЗi / СМЗП, бунда:

ПФЗi иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи;

СМЗП – олдинги 12 ойдаги ўртача энг кам ойлик иш ҳақи, сўм.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

СЗИП = ∑ПФЗi / 60, бунда:

∑ – сўмма белгиси шуни кўрсатадики, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини белгилашда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қайта ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий иш ҳақи миқдори, шахснинг ишдаги

мавжуд танаффусларидан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетмакет беш йилнинг тегишли ойлари учун жамланиши керак.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи бир тийингача яхлит қилиб ҳисобланади, ярим тийиндан кам сумма эса ташлаб юборилади.

Пенсионер томонидан пенсия миқдорига таъсир қилувчи (иш стажи ёки иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа) қўшимча ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, шунингдек пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказилганда пенсия миқдори иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорлари оширилган тақдирда илгари тайинланган барча пенсиялар миқдорлари ушбу Фармонда назарда тутилган шартларга мувофиқ оширилади (қайта ҳисоб-китоб қилинади).

2. Ногиронлик пенсиялари, уларнинг мазмуни.

Давлат пенсия таълимоти тизимидаги пенсиларни тайинлаш ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларидан бири сифатида ногиронлик пенсиялари ўзига хос аҳамиятга эга. Бу борада ногиронлар аҳолининг ижтимоий заиф ва ёрдамга муҳтож табақалари қаторига кирганлиги учун қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

1991 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун ва кўплаб бир қатор қарорлар ҳамда Давлат дастурлари қабул қилинди.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатлар ногиронларга ҳуқуқ ва эркинликларни, манфаатларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни

таъминлаш, уларнинг турмуш фаолиятидаги чеклашларни бартараф этиш, ногиронларни тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида фаол қатнашишларига, шунингдек ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон берадиган қулай шарт-шароит яратиш мақсадида давлатнинг ногиронларга оид сиёсатини белгилайди.

Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади. Шахсни ногирон деб топиш тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Ногиронлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган барча ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар.

Давлат ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаб, тегишли давлат дастурларида ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, саломатлигини сақлаш, меҳнат қилиш, билим олиш ва касб ўрганиш, уй-жойли бўлиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда тўсиқларни бартараф этиш мақсадида қонунларда кўзда тутилган шаклларда уларга ижтимоий ёрдам бериш йўли билан уларнинг ўзига хос камол топишлари, ижодий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шартшароит яратиб беради. Давлат ногирон болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ногиронларга ва аъзоларидан бири ногирон бўлган оилаларга уй-жой бериш, уй-жой сотиб олиш, қуриш ва улардан фойдаланиш юзасидан енгилликлар Ўзбекистон Республикасининг уй-жой тўғрисидаги қонунларида белгилаб берилади. Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат томонидан суд йўли билан ёки қонунда белгиланган бошқа тартибда таъминланади.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар қонунда белгиланган моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ногиронларни пенсиялар ва нафақалар билан таъминлаш тартиби пенсия ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилади.

Саломатликни тиклашнинг якка тартибдаги дастурида кўзда тутилган техника воситаси ёки ўзга воситани давлат идораси ногиронга бериши мумкин бўлмаса ёки ногирон тегишли воситани ўз ҳисобидан сотиб олган бўлса, унга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда товон тўланади.

Бошқаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий ёрдам идоралари уйга бориб ёки доимий ишлайдиган муассасаларда тиббий ёки маиший хизмат кўрсатади.

Агар ишчи ёки хизматчи корхона, бирлашма, муассаса, ташкилотнинг айби билан ногирон бўлиб қолган ҳамда бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлса, шу корхона, бирлашма, муассаса, ташкилот соғлиқни сақлаш органлари ва тиббий меҳнат эксперт комиссияларининг хулосасига мувофиқ меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган даврда беморни парваришлаш учун ўз ҳисобидан уйда қараб турадиган бир кишини ёллаши шарт ва ногиронга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплайди.

Ногиронларга ижтимоий ёрдам республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари маблағлари ҳисобидан, шунингдек корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан берилади.

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	**Иш стажи**
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Ногиронлар учун ***пенсияларнинг таянч миқдорлари*** I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида белгиланади.

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронларга пенсиялар бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади:

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

3. Фуқароларнинг боқувчисини йўқотганлик пенсия таъминоти.

Фуқароларнинг боқувчисини йўқотганлик пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандлар ва оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш

ҳуқуқига эгалар ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси улар боқувчининг қарамоғида турган турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўгай ота, ўгай она, хотин, эр, башарти, улар 7моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўгай ўғил ва ўгай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўгай ота ва ўгай она, агар вафот этган ўгай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тўлиқ тайинлаш учун етарлича иш стажига эга боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг таянч миқдори:

- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида;

- ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда агар ота-онадан бирининг иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори ҳар иккала ота-онанинг умумий иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдоридан кўп бўлса, у ҳолда, чин етим мақомини сақлаб қолган ҳолда, мурожаат этганнинг хоҳиши бўйича ота-онадан бирининг иш стажи ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган пенсиянинг энг кўп миқдори тайинланади.

Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб берилиши оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат пенсиялари ва нафақаларини тавсифлаб беринг.
2. Пенсия стажининг таркибига нималар киради?
3. Пенсиянинг таянч миқдори қандай аниқланади?
4. Пенсия тайинлаш қандай тартибда амалга оширилади?
5. Ишлайдиган пенсионерлар пенсиялари қандай ҳисобланади?
6. Ишламайдиган пенсионерлар пенсиялари қандай тартибда ҳисобланади?
7. Пенсияларни тайинлашда кимларга имтиёзлар белгиланади?
8. Ногиронлик нафақаларини қандай тартиб асосида белгиланади?
9. Ногиронлик нафақасини тайинланиши учун қанақа ҳужжатлар тақдим этилади?
10. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси қандай ҳолларда тайинланади?
11. Кимлар оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳисобланадилар?
12. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси қандай ҳолларда бекор қилинади?
13. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг таянч миқдори қандай ҳисобланади?

6-БОБ. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг мазмуни ва аҳамияти.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Республикамизда пенсия тизимини молиялаштириш борасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич ошириб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб меҳнат бозоридаги, солиқ тизимидаги, молия ва кредит тизимидаги ислоҳотлар билан биргаликда миллий урф одатларимиз, кам таъминланган оилаларга, қарияларга ёрдам эътиборга олинган холда ҳар томонлама мукаммал дастурлар орқали амалга оширишни тақозо этади. Ислоҳотларнинг бу дастурлари пенсия ёшидаги қарияларни даромадларини кафолатлашнинг самарали механизмига таяниши зарур.

Пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғарма бадаллари, давлатнинг молиявий иштироки асосида шаклланувчи ва муайян жамғарма ташкил этган аҳоли тоифаларига тўловларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш учун мўлжалланган мустақил пул жамғармалари сифатида таърифлаш имконини беради.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил

этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан уларнинг иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматига киради, аммо тўловлар институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади. Бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир. Ёлланма ишловчини самарали меҳнатга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси бир томондан, пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишловчининг малака даражаси ишлаган даврлари мобайнида меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида оладиган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самарали меҳнатга рағбатлантириш имконини беради. Бу ўринда муайян қонуниятни аниқлаш мумкин, яъни пенсия тизими орқали ҳимоялаш даражаси фуқароларнинг индивидуал молиявий иштирокига тўғри, даромадларни қайта тақсимлаш даражасига тескари мутаносибликда бўлади.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Тадбиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор этмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланан ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Жамғариб бориладиган пенсияни олиш учун муайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига етиш зарур. Жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимида бадаллар капиталлаштирилади ва пенсия ҳисоби индивидуал ҳисоб асосида шакллантирилиб борилади, шахсий ҳисобларда жамғарилган жамғарма бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Жамғариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мобайнида тўланган бадаллари миқдорига фоизни ифода этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қўлланиши мавжуд пенсия тизимидаги камчиликларни камайтириш ва унинг афзаллигини кучайтиришга йўналтирилгандир. Ҳозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даромад миқдори кам бўлган фуқаролар ўзининг ҳамма даромадларини истеъмол қилишга мажбур бўлганлиги сабабли жамғариш пенсияси тизимига тўла ўта олмайди. Бироқ жамғариш тизимидан бутунлай воз кечиш керак деган хулоса қилиш ҳам ноўриндир.

Жамғариб бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий

жамғармалардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. Жамғариб бориладиган пенсия кексалик, касаллик, бахтсиз ҳодиса туфайли, меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган жамғармадир.

Республикамизда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими молиявий категория сифатида пул маблағларининг мақсадли жамғармаларни шакллантириш ва ундан кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усулларини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Жамғариб бориладиган пенсия категория сифатида пул маблағларининг мақсадли жамғармаларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усулларини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Бу борада қабул қилинган қонуннинг мақсади – фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Ижтимоий муҳофазанинг “Иқтисодиёт инсон учун” тарзида бўлиши лозим бўлган замонавий иқтисодиётга ўтиш учун шундай самарали тизим зарурки, у ҳар бир кишининг меҳнат салоҳиятидан унинг ижтимоий-иқтисодий мақомидан, қатъи назар, пенсия таъминоти тизимидан фойдаланиш имконини берсин. Фақат мана шундагина инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда “эртанги кунга ишонч” бўлишига эришиш мумкин.

Республикамизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, унинг иш ҳақи, пенсия ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз минтақалари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир. «2013 йил - Обод турмуш йили» Дастурини тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик харакатини янада ривожлантириш давлат томонидан бериладиган аниқ манзиллик ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим”. [25]

«Жаҳон тажрибаси гувоҳлик берадики, кексаларни моддий таъминлашга имкон яратувчи кучли молиявий механизмини яратиш лозим. Кўпгина мамлакатлар бир қатор пенсия ислоҳотларини амалга оширдилар. Чехияда пенсия билан таъминлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари: зарарли ва оғир меҳнат учун имтиёзларни бекор қилиш, иш юритувчиларнинг суғурта қилинган бадалларига қўшимча бадалларни киритиш, тўланган бадаллар ва олинган пенсиялар ўртасида алоқани кучайтириш, ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш, индивидуал пенсия режалари имкониятларини кенгайтириш, пенсия ёшини эркаклар ва аёллар учун 2015-2020 йилларда 65 ёшгача оширишдан иборат».

Хорижий мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти мавжуд, унинг зарурлиги қуйидаги икки асосий сабабдан келиб чиқади. [26]Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақил бўлиш имконини бериши билан бир қаторда, уларга ўз фаровон ҳаётини қуриш, ижтимоий жиҳатдан

[25] Каримов И.А.“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир.\\ Халқ сўзи. 2012 йил. 8 декабр. 3-б.

[26] Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. – Б.89.

таъминлаш борасида катта масъулият юклайди. Ҳар бир фуқаро меҳнатга қобилиятли давридаёқ, аввалдан, у қариганида ёки меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган тақдирда ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий ёндашиш керак. Иккинчидан, ҳар бир давлат қанчалик ривожланган давлат бўлишидан қатъи назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни улар меҳнат қобилиятларини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия таъминотини бошқаришда давлат кафолати



Ўзбекистонда илмий жиҳатдан асосланган пенсия тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг зарур шарти жаҳон ютуқларидан ва хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, Республикамизнинг ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлди.

Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия олувчиларга давлат пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида ислоҳотлар олиб борилмоқда, натижада 2005 йилдан бошлаб республикамизда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими” амалиётга жорий қилинди. Икки ҳолатда ҳам давлат кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қуйидагиларнинг амал қилиши кўзда тутилган:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги тенг ҳуқуқлилиги шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурий даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшаши учун таъсир кўрсатиши;
- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимни барқарорлигининг давлат томонидан кафолатланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчини молиявий иштирокининг мажбурийлиги, зарурий ҳолатларда давлат субвенцияларининг жалб этилиши.

- ♦ жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўлашидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган маблағдан турли шаклдаги моддий ёрдам ва хизматлар кўрсатиши таъминланиши;
- ♦ аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;
- ♦ барча жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва натижада эга бўлинган ҳуқуқ ва кафолатлар нуқтаи назаридан тенглигини таъминланиши.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, республикамиз ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга асосан:

- ⇒ давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди;
- ⇒ Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга;
- ⇒ тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга;

⇒ фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади;

⇒ фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида мавжуд бўлган маълумотларни Халқ банки филиалидан бир йилда бир марта бепул, шунингдек, ўз сўровига кўра исталган вақтда олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Татбиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор этмайди. Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек

марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тизими тамойиллари асосида ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Жамиятни ривожланишида ижтимоий тенглик, ижтимоий кафолатларни таъминлаш аҳоли турмуш даражасини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Бизнинг фикримизча, “авлодлар бирдамлиги” (давлат) пенсия тизими билан бирга босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ равишда, изчиллик билан амалга ошириш зарур. Бунинг натижасида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича иш берувчи тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги юкни камайтириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари яратилади.

Ҳозирги кунда хорижий давлатлар амалиётида пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш - минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларга қўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида хусусий пенсияни таъминлаш белгиланган.

2. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш ва бошқариш

Ўзбекистон Республикасида "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунини талабларини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида Қарор қабул қилинди ва

Республикамизда 2005 йил 1 январдан амалдаги фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади – фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ўзига хос хусусияти давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан пенсияларни молиялаштирилишидир. “Жамғариб бориладиган пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усулларини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. «Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир». Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари ҳисобланади. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағларидан иборат” [27].

Қонуннинг ижроси юзасидан Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимини амалда

[27] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

жорий этиш бўйича ишлар ташкил этилди. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очилди, шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилиб жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига эмас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми амал қилмоқда. Бунда, фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўналтириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқ банки билан биргаликда иш берувчилар томонидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадалларни қўшиб тўлаш тартибини амалга оширади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига бадаллар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан солиққа оид амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари қўлланилади.

Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш кўзда тутилган:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар, кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия, мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги, тенг ҳуқуқлилиги, шахснинг ижтимоий даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшаши учун таъсир кўрсатиши;
- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал

қилинишдаги мустақиллиги ва ўзини ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимнинг барқарорлиги давлат томонидан кафолатланиши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчининг молиявий иштироки мажбурийлиги, зарурий ҳолатларда давлат субсидияларининг жалб этилиши. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўланишидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган маблағдан унга қонунга кўра турли шаклдаги моддий ёрдам ва хизматлар кўрсатилиши таъминланади;
- аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи (ишчилар, хизматчилар, меҳнаткашларнинг алоҳида касб бўйича категориялари, алоҳида ҳудудларнинг барча аҳолиси) ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;
- барча жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва эга бўлган ҳуқуқ ва кафолатлари нуқтаи назаридан тенглиги;
- олдиндан кўрилмаган кишиларнинг соғлиги ёки уларнинг моддий аҳволига хавф солувчи, ҳолатларда барча меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий имкониятларини яратиш.

Жамғариб бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очади.

Республика бўйича жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатида жами 7077897 нафар, Фарғона вилояти бўйича эса жами 742338 нафар фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган, шунингдек, иштирокчилардан 6870322 нафарига, Фарғона вилояти бўйича эса 736002 та жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тарқатилди. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларни марказлаштирилган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда. Жумладан, 2006 йилда 3,2 млрд. сўм фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари қолдиғига қўшилган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 26 млрд. сўмни, 2011 йилда эса 38,8 млрд. сўмни, жами ушбу тизим ишга туширилган давр мобайнида 106,8 млрд. сўмни ташкил этган. 2010-2011 йилларда тизим иштирокчиларининг мажбурий бадаллари учун 8 фоиз миқдорида, иштирокчиларнинг ихтиёрий киритган бадаллари учун 24 фоиз миқдорида фоизлар ҳисобланиб, олинган даромадлар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари қолдиғига қўшиб борилмоқда.

Республика бўйича жамғариб бориладиган пенсия тизимида йиғилган маблағларнинг бир иштирокчига тўғри келадиган ўртача миқдори 2010 йилда 59,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 81,7 минг сўмни ташкил этади.

-расм. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида маблағларни шакллантириш манбалари [28]

[28] Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таьминоти тўғрисида» ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида иш берувчи томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларини очиш, уларни юритиш тартибига риоя қилиш, бадалларни тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни молия, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, ушбу органлар орасида ўзаро ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурий иштирок этади, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар. Бунда тизимда мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчилар томонидан тақдим этилган сўровнома асосида улар жойлашган ҳудуддаги Халқ банки филиалларида амалга оширилади, ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофик яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган икки ҳолатда ҳам Халқ банки тизим иштирокчиларига умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларини очади ва белгиланган тартибда Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ёзиб беради. Шахсий Жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда, унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳсобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари фуқароларнинг қонун ҳужжатларига мувофик ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича

камайтирилган суммаси ҳисобига иш берувчи томонидан ҳар ойда тўлаб борилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромад суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчи ўзининг маблаглари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий Жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига қўшимча бадаллар ўтказиши мумкин. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Лекин иш берувчилар томонидан Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши таинланади.

Тизимда ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий Жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Шунингдек Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни ҳисоблаб қўшади. Фоиз даромадлари Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистан Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-

варақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистан Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошда даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари, шунингдек Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга тортилмайди.

Иш берувчилар фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадаллар бюджетга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш учун белгиланган шакл ва муддатларда ажратадилар. Белгиланган тартибда натурада тўлайдиган ёки маҳсулот сотилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилишидан олинган тушумдан тўловни амалга оширадиган иш берувчи тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун мобайнида бадаллар суммасини ўтказиши шарт.

Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 кунигача Халқ банки филиалига ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган бадаллар реестрини тақдим этади.

Реестр корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдикланади.

Иш берувчи реестр билан биргаликда Халқ банки филиалига ҳисобот даврида киритилган бадаллар суммаси Халқ банкига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов топширикномасининг нусхасини тақдим этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш юзага келган тақдирда олишлари мумкин. Бунда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар

ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистан Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 179(2)моддасига асосан Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши, иш берувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик худди шунингдекқ ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисоб-варақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий Жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараги — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобвараги бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварагидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олади. Фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Халк банки оладиган маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

- Халқ банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;
- жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;
- жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таминоти ресурсларининг ЯИМга нисбати ва динамикаси ҳолатни кенгроқ иктисодий баҳолаш мақсадида қуйидаги жадвалда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини мамлакат ЯИМга нисбати ва динамикасини таҳлил қиламиз.

6-жадвал.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таминоти ресурсларининг ЯИМдаги улуши ва динамикаси. [29]

фоизда

№	Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	ЯИМнинг ўсиши,	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
2.	ФЖБПТ молиявий ресурсларининг ўсиши	58,0	48,3	44,0	40,7	30,6	30,1
3.	ЯИМга нисбатан улуши	0,14	0,15	0,17	0,18	0,18	0,17

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилган даврда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти молиявий ресурслари 2006-2011 йилда тез суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Албатта, бу кўрсаткич 2006-2011 йилларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини ижобий ҳолат сифатида қаралади. Лекин ушбу жамғарма маблағларини мамлакатимиз ЯИМ га нисбатн улуши кичик даражада қолмоқда. Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида “узун” молиявий ресурслар салмоғининг етарли даражада шаклланмаганлигига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2006 йилда жамғарма молиявий ресурслари

[29] Ахмедов М. Иқтисодиётда “узун” молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. -Тошкент. 2012. №2. – Б.132

ҳажми ЯИМ даги улуши 0,14 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилга келиб 0,17 фоизга ўсган. Бир вақтнинг ўзида хорижий давлатларда, жумладан, банк-молия тизими ривожланган етакчи мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари мамлакат ЯИМ га нисбатан юқори салмоқни ташкил этган.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Мамлакатиизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари муддатига кўра “узун” молиявий ресурслар сифатида қаралади. Чунки иш берувчи томонидан ходимга иш ҳақи ҳисобланиб, уни тўлаш билан бир вақтда жамғарма ҳисобига тегишли сумма ўтказилади. Ҳозирда жамғармани шакллантиришда ихтиёрий бадаллар улуши сезиларисиз салмоққа эга, шу жиҳатидан ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва нодавлат пенсия жамғармалари билан шуғуллануви молиявий ташкилотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Мамлакатимизда 2012 йил январ ҳолатига кўра, 7 миллион нафардан зиёд фуқаро жамғариб бориладиган пенсия олувчилар рўйхатига киритилган. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қўйилган маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масалалари «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади. 2005 йилдан жорий этилган мазкур тизим амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти

тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосида пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинди.

Жамғариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мобайнида тўланган бадаллари миқдорига ҳисобланган фоизни ифода этади. Бир марталик қайта тақсимлашда пенсия тизимидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарма бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира фонди шакллантирилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қўлланиши мавжуд пенсия тизимидаги камчиликларни камайтириш ва унинг афзаллигини кучайтиришга йўналтирилган.

Хорижий давлатларда бундай таркибни умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

- ✓ давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;
- ✓ мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамғарма стажини "тўплаган" кишилар учун давлат бюджетидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;
- ✓ тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисоб рақамларни юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

Демак, икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий

ёрдам кўрсатади. Хорижий давлатларида молиявий бозорнинг маъмурий имкониятлари етарли даражада ривожланган, давлат ва жамғариладиган пенсия фонди фаолиятини тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш имкониятига эга. Ҳозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даромад миқдори кам бўлган баъзи фуқаролар ўзининг барча даромадларини истеъмол қилишга мажбур бўлганлиги сабабли хусусий пенсия тизимига ўта олмайди, бироқ, жамғариш тизимидан бутунлай воз кечиш керак, деган хулоса қилиш ҳам ноўриндир.

Республикамизда пенсия тизимини молиялаштиришдаги ислоҳотларни тезликда амалга ошириб бўлмайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар билан: бандлик, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, солиқ, молия ва кредит соҳасидаги ислоҳотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим.

Пенсия тизими фаолиятини техник модернизация қилиш асосида, республикамизда пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, авваламбор инсон омилининг салбий ролини чеклаш Пенсия жамғармаси ўз олдига қўйган устувор вазифалардан биридир. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

“Пенсия” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда ушбу дастурий таъминот республиканинг барча минтақаларида татбиқ этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма

маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлайди.

Мазкур дастурнинг келажакда идораларарo интеграллашуви сифатида, бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этишни қайд этиш мумкин. Бинобарин, 2012-2014 йиллар давомида тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига боғланиш ҳамда ушбу дастурлар билан ўзаро ахборот алмашинув йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Халқ банки ва тижорат банклари дастурлари [30]:

- тижорат банклари томонидан пластик карточка орқали тўлаб бериладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйхатларини шакллантириш, солиштириш ва уларни тақдим этиб бориш;
- ҳудудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;
- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви;
- пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг жамғармага тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш.

Ўзбекистон Республикасида Халқ банки бошқарув жараёнларини автоматлаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон ҳужжат айланмаси тизимини кенгайтириш ва ахборот коммуникация технологиялари тизимини мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тузилди. Чора-тадбирлар режасида

[30] Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б9.

“Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ахборот тизимларини ривожлантириш” бўлимида қуйидагилар кўзда тутилди:

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базаси билан интеграциялаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар туркумини кенгайтириш;
- фуқаролар учун фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурида ўз ҳисоб рақамларини интернет, мобил қурилма, ва SMS лар орқали мониторинг қилиш тизимини яратиш;
- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги фойдаланишга топширилган “Электрон реестрларни қабул қилиш” интерактив хизматини ривожлантириш мақсадида, банкда яратилган “Банк иккинчи даражали рўйхатга олиш” тизими базасида электрон рақамли имзони рўйхатга олиш марказига лицензия олиш ва иш фаолиятини ташкил этиш.

Пенсия жамғармалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар оммабоп бўлишининг зарурий шарти тўловлар юқори даражада кафолатланганлигидадир. Шу тариқа, ижтимоий барқарорлик вазифаси амалга оширилмоқда. Пенсия схемаларини молиялаштириш бўйича иккита асосий усул мавжуд:

1. Пенсияни тўлаш бўйича жорий сарф-харажатларни жорий тушумлардан қоплаш.

2. Ҳозирги ва келажакдаги барча пенсия тўловларини таъминлайдиган махсус захирани яратиш.

Молиялаштиришнинг биринчи усулини қўллайдиган пенсия схемалари жамғарилмайдиган схемалар туркумига киради (тақсимлаш схемалари). Пенсия таъминотининг бундай схемасида макро даражадаги харажатлар ва бадаллар мувозанати қуйидаги оддий формула орқали ифодаланади:

$$Nj * S1, * P = N2 * S2$$

бу ерда

Nj – ишловчиларнинг умумий сони;

S1 – ўртача иш ҳақи;

P – пенсия бадалларининг ставкаси

N2 – пенсионерларнинг умумий сони

S2 - ўртача пенсия.

Молиялаштиришнинг иккинчи усули жамғарилувчи схема гуруҳига киради. Бундай схемалар яна жамғариладиган схемалар дейилади. Улар пенсияни ушбу мақсадда тўпланган пуллик жамғармадан тўлашга асосланган бўлиб, одатда пенсия жамғармалари, деб аталади. Ушбу усулда ёшга доир пенсия таъминоти узоқ муддатли инвестицион жараён бўлади ва бу жараён жамғармага бадал киритиш ва бу йиғилган пулларни инвестицион даромадлар ҳисобига бора-бора кўпайтиришни ва бундан сўнг тўпланган пулларни мунтазам даврий тўловлар кўринишида олишни назарда тутади.

Ҳар бир давр иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари хўжалик юритиш механизми намоён бўлади. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан қуйидан юқорига, оддийликдан мураккаблик томон ривожланиш тамойилларига асосланади. Бу эса тараққиётнинг универсал қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтилишининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни, аҳамиятини тушунтиринг.
3. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғариш механизми қандай амал қилади?
4. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотидан фойдаланиш тартиби қандай?
5. Бу тизимда қандай имтиёзлар белгиланган?
6. Мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия таъминотларида қандай тафовутлар мавжуд?
7. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларни жамғариш тамойилларини тушунтиринг.
8. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи органларни тавсифланг.

7-БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари турларининг умумий тавсиф

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот бир маъноли эмас, балки турдош тушунчалардир. Улардан илмий таърифлар сифатида фойдаланилганида ижтимоий ҳимоя ижтимоий таъминотни таркибий қисми сифатида ўз ичига олади, бундан ташқари, у инсон хаёт фаолиятининг нормал шарт шароитларини таъминловчи меҳнат, соғлиқ ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдори каби кафолатларни қамраб олади.

Ҳозирги вақтда кенг эътироф этилган Г.Эспинг Андерсен таснифи ижтимоий ҳимояга нисбатан жаҳонда мавжуд ёндашувлардаги жиддий фарқлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Муаллиф ижтимоий давлатларнинг уч асосий модели: либерал, консерватив (корпоратив) ва социалдемократик моделларини бир биридан фарқлаган.

АҚШ, Канада, Австралия, Буюк Британия каби мамлакатларга хос бўлган либерал моделнинг шаклланиши хусусий мулк ҳукм сурган, бозор муносабатлари етакчилик қилган шароитда, либерал меҳнат ахлоқи таъсирида амалга ошган. Бу модель фаолиятининг асосий шартлари қуйидагилардир:

- бозор муносабатларида давлатнинг мумкин қадар кам аралашуви;
- давлат томонидан тартибга солиш чоралрининг кам қўлланилиши, бунда макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш доирасидан четга чиқмаслик;
- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да давлат сектори улушининг озлиги.

Фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш ривожланган таъминот тизимлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу жараёнга давлат мумкин қадар кам аралашади, у асосан муайян кафолатларни тартибга солиш билан шуғулланади. Таъминот тўловларининг миқдорлари, одатда, унча катта

бўлмайди. Трансферт тўловлари, яъни давлат бюджетидан аҳолининг ҳар хил гуруҳларига нафақалар ва субсидиялар тарзида бевосита ўтказиладиган солиқлардан олинган молиявий маблағлар миқдори ҳам кўп эмас.

Ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасида тадбиркорлик фаоллигининг ривожланиши учун барча шарт шароитлар яратилган. Корхоналар эгаларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шу жумладан, кераксиз бўлиб қолган ходимларни ишдан бўшатиш ҳуқуқлари бирон бир тарзда чекланмайди. Бундай ҳолатнинг ўта либерал шакли АҚШга хосдир. Бу ерда 1948 йилдан бери амал қиладиган меҳнат битимлари тўғрисидаги қонун ёки «Вагнер қонуни»га биноан, корхона маъмурияти ишлаб чиқариш қисқарган ёки модернизация қилинган ҳолда ходимларни огоҳлантиришсиз ёки икки уч кун олдин огоҳланишт йўли билан, меҳнат стажи ва малакасини ҳисобга олмасдан бўшатишга ҳақли.

Бу модель иқтисодий барқарорлик ёки ўсиш шароитида ўзининг асосий вазифасини бажаради, бироқ ишлаб чиқариш пасайган ва мажбурий қисқартирилган, ижтимоий дастурларнинг аксарият қисмидан воз кечилган шароитда кўпгина ижтимоий гуруҳлар, аввало хотин-кизлар, ёшлар ва қариялар оғир аҳволга тушиб қолади.

Консерватив (корпоратив) модель ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларга хосдир. Уларнинг орасида континентал Европанинг Австрия, Германия, Италия, Франция каби мамлакатлари бор. Бу ерда давлат мавқеи анча кучли: ижтимоий тадбирларга бюджетдан ажратиладиган маблағлар ходимлар ва иш берувчиларнинг таъминот бадалларига тахминан тенг, қайта тақсимлашнинг асосий каналлари ё давлат ихтиёрида, ё унинг назорати остида. Айни вақтда давлат фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш вазифасини таъминот ҳимояси тизимига топширишга ҳаракат қилади. Шу туфайли ижтимоий нафақалар миқдори меҳнатдан олинган даромадларга ва тегишли равишда таъминот тўловларига қилинган ажратмаларнинг миқдорларига боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг эгалари ҳамда ёлланма ходимларнинг манфаатларини ифода этувчи нуфузли

касаба уюшмалари биргаликда бошқарадиган таъминот кассаларининг «ўзини ўзи бошқариши» мазкур моделнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ишсизлик юз берган ҳолда кафолатланган тўловлар миқдори меҳнат стажига, тўловлар муддати эса таъминот бадалларини тўлашнинг давомийлиги, уларнинг миқдори ва ходимнинг ёшига боғлиқ бўлади. Кўпгина мамлакатларда ишсизлик бўйича нафақа тўлаш даври 50 ёшдан катта шахслар учун оширилган.

***Социал-демократик* модель** (у баъзан солидар модель деб ҳам аталади) аҳолини ҳимоя қилишда давлат етакчи роль ўйнашини назарда тутади. Аҳолининг даромадлари даражасини тенглаштириш ва аҳолини ялпи иш билан таъминлаш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор вазифалари ҳисобланади. Бу модель шимолий Европа мамлакатлари Швеция, Норвегия, Финляндия, Данияда, шунингдек Нидерландия ва Швейцарияда ўзининг амалий ифодасини топтан. Иқтисодиётнинг ривожланган давлат сектори ижтимоий соҳани молиялаштириш негизи бўлиб хизмат қилади. Бу негизни мустаҳкамлашга солиқ солиш даражаси жуда юқори эканлиги ҳам кўмаклашади. ЯИМда давлат харажатларининг улуши Швецияда 66%, Данияда 61%, Финляндияда 56% ни ташкил этади. Бу харажатларнинг асосий қисми ижтимоий аҳамиятга молик объектларнинг эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилди. Бу харажатлар орасида трансферт тўловларининг улуши ҳам анча катта бўлиб, уларнинг ёрдамида миллий маҳсулотни аҳолининг кам таъминланган табақалари фойдасига қайта тақсимлаш амалга оширилади.

Ушбу моделнинг бошка ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқариш демократиясининг ривожланган тизими;
- меҳнат муносабатлари айрим корхоналар ёки тармоқлар даражасида эмас, балки умуммиллий миқёсда тартибга солиниши;
- ишсизлик даражасини мумкин қадар камайтиришга имконият яратадиган таъсирчан воситалардан фойдаланилиши.

Швецияда қабул қилинган ижтимоий давлат доктринаси айникса машҳурдир. У кўпинча эгалитар доктрина деб аталади. У давлатнинг ўз фуқароларига ғамхўрлигини миллий сиёсат даражасига кўтаради, уларга “хавфсизлик ва

ишончлиликни, хавф туғилган ҳолларда ҳимоя қилишни, шунингдек ҳимояни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишни ваъда қилади. Шведлар қариндош уруғлари, хайрия фаолияти ёки бозорга қарам бўлишларига ҳожат йўқ. Бешикдан қабргача уларга давлат ғамхўрлик қилади”.

Хорижий мамлакатлардаги пенсия жамғармалари моделлари



Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 1977 йилда Швецияда ижтимоий идора қайта ташкил этилди ва ижтимоий хизматнинг анча кенг қамровли, бироқ аниқ ва аҳолига тушунарли вазифалари таърифланди. Уларнинг орасида тўрт асосий йўналишни қайд этиш мумкин:

- даромад олишни кафолатлаш,
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш,
- аҳолига хизматлар кўрсатиш (шу жумладан соғлиқни сақлаш),
- меҳнат муҳитини муҳофаза қилиш.

Бунда ҳар бир йўналиш учун муайян ижтимоий институт жавоб беради:

Ижтимоий сиёсат йўналишларининг номи	Масъул институт
I. Даромад олишни кафолатлаш	
1.1. Меҳнат бозоридаги сиёсат: иш билан таъминлаш, малакани ўзгартириш, меҳнатга мослаштириш, реабилитация қилиш ва ш.к.	Давлат, мустақил таъминот компаниялари
1.2. Ижтимоий суғурта: тиббий таъминот, ота-она таъминоти, Халқ пенсияси, ишдаги бахтсиз ҳодисалардан эхтиёт шарт таъминот қилиш	Давлат
1.3. Ҳарбий хизматни ўташ пайтида қўллаб қувватлаш	Давлат
1.4. Ижтимоий нафақа	Маҳаллий органлар
2. Атрофмуҳитни яхшилаш	
2.1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш	Давлат, маҳаллий органлар
2.2. Соғлиқни сақлаш: тозаликни сақлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув сифатини назорат қилиш, аҳолининг соғлиғини текшириш	Маҳаллий органлар
2.3. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсати: қурилишга субсидиялар бериш, болали оилалар, пенсионерлар ва ногиронларни қўллаб қувватлаш	Давлат, маҳаллий органлар
2.4. Оилани қўллаб-кувватлаш сиёсати: болалар учун нафақалар бериш, мактабларда бепул тушликлар ташкил этиш, оилага ёрдам кўрсатиш ва ш.к.	Давлат, маҳаллий органлар
2.5. Бўш вақтни тартибга солиш: истироҳат боғлари, спорт майдончалари, бассейнлар ва ш.к.	Маҳаллий
3. Аҳолига хизматлар кўрсатиш	органлар

3.1. Касалларга қараш: тана касалликлари, руҳий касалликлар, ногиронларга қараш, реабилитация	Минтакавий органлар
3.2. Ижтимоий хизматлар: болалар, ёшлар, қарияларга қараш	Маҳаллий органлар
3.3. Криминал қаров	Давлат
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш	
4.1. Меҳнат экологияси: ишлаб чиқаришдаги тозалик	Давлат
4.2. Меҳнат қонунчилиги	Давлат
4.3. Дам олиш вақтини тартибга солиш	Давлат
4.4. Бандликни муҳофаза қилиш	Давлат

Юқорида кайд этилган уч модель жаҳоннинг бирон бир мамлакатида соф ҳолда учрамайди. Ижтимоий давлатнинг «идеал типлари» сифатида қараладиган бу моделларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Амалда либерал, корпоратив ва социал-демократик моделлар унсурларининг муайян уйғунлиги кўп кузатилади. Масалан, Канадада таъминот пенсияси билан бир каторда «Халқ пенсияси» ҳам мавжуд. Шунга ўхшаш пенсия Австралияда ҳам жорий этилган. АҚШда ижтимоий таъминот кассаларидан ташқарида тўланадиган жуда кўп нафақалар мавжуд. Бу ерда моддий ёрдам кўрсатишнинг 100 га яқин дастурлари амал қилади. Уларнинг аксарияти беш федерал вазирлик (соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиги, қишлоқ хўжалик вазирлиги, меҳнат вазирлиги, уй жой қурилиши ва шаҳарни ривожлантириш вазирлиги, ички ишлар вазирлиги), шунингдек иқтисодий имкониятлар бўйича қўмита, фахрийлар ишлари бошқармаси, Темирйўлчилар пенсия таъминоти кенгаши ва Ноҳарбий хизмат комиссияси ҳомийлигида амалга оширилади. Айни вақтда, бундай дастурлар аҳолининг айрим табақалари орасида ижтимоий боқимандаликни ҳам рагбатлантиради: бу ерда икки уч авлод мобайнида жамоат манфаатларида бир кун ҳам

ишламаган кишиларнинг ката-катта гуруҳлари юзага келган. Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг яна бир камчилиги шундаки, улар оиладаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, хусусан, эр-хотин ажралиши, ота-онанинг алоҳида яшашига туртки беради, чунки молиявий ёрдам олиш оилавий ҳолатга боғлиқдир.

Ижтимоий соҳа доимо Халқаро ташкилотларнинг диққат марказидадир. Улар бу соҳани Халқароҳуқуқий тартибга солиш ва мувофиқлаштириш масалаларига катта эътибор беради.

1966 йилда қабул кдлинган БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимида ижтимоий таъминот сҳасидаги ҳуқуқларга бағишланган бир нечта моддалар мавжуд. Бу битимга қўшилган мамлакатлар унга риоя этишлари шарт.

Бу соҳада Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) муҳим рол уйнайди. У ўз куч ғайратини ижтимоий адолат умумий тамойилларини айрим мамлакатларнинг қонунчилигига жорий этишга қаратади. Мазкур ташкилот ратификация қилинган конвенцияларнинг бажарилиши устидан Халқаро назорат олиб боришнинг энг мукаммал тизимларидан бирига эга.

1952 йилда ХМТ ижтимоий ҳимоя концепцияси ифодаланган 102сон конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжатда барча фуқаролар меҳнат стажи ва тўланган таъминот бадалларининг миқдоридан катъи назар, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлиги эълон қилинган ва мазкур ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган тўққиз йўналиш қайд этилган:

- тиббий хизмат кўрсатиш;
- касаллик бўйича нафақа тўлаш;
- қарилик пенсияси тўлаш;
- ишлаб чиқаришда жароҳатланганлик учун пенсия тўлаш;
- бола туғилиши муносабати билан тўланадиган нафақалар;
- оилавий нафақалар;
- ногиронларга тўланадиган нафақалар;
- қаровчисини йўқотганлик учун тўланадиган нафақалар.

Конвенцияда ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоғида тенг ҳуқуқлиликнинг асосий принципи қайд этилган: конвенцияни ратификация қилган барча мамлакатлар ўз ҳудудида ХМТ аъзоси бўлган бошқа ҳар кандай давлат фуқаросига, шунингдек қочоқлар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга конвенцияда белгиланган таъминот турларига тегишли ўз фуқаролари билан бир хил ҳуқуқлар бериш мажбуриятини оладилар. Иқтисодий ривожланиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг зарур даражасига эришмаган мамлакатларга конвенцияни «истиснолар» билан ратификация қилиш имконияти берилган.

Европа Иттифоқи аъзолари томонидан 1989 йилда қабул қилинган Европа ижтимоий хартияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг қоидалари 1995 йил 3 майда қабул қилинган Хартиянинг янги таҳririда тўлдирилди ва ривожлантирилди. Халқаро шартнома мақомига эга бўлмаган бу ҳужжатларда ишлаётган фуқаролар, шунингдек ишламайдиган, тирикчилик учун етарли маблағларга эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган асосий ҳуқуқлари ҳақидаги тавсия хусусиятига эга нормалар мавжуд. Хартияни имзолаган томонлар икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тўзиш йўли билан бир мамлакат ходимлари бошқа мамлакатга миграция қилган ҳолда ҳар бир тараф фуқароларининг ижтимоий таъминот соҳасида тенглигини таъминлаш мажбуриятини олганлар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётга эга бўлган кўпгина мамлакатларда кафолатланган энг кам даромад (нафақа) тўғрисидаги қонун амал қилади. Дания бундай қонунни 1933 йилда, Буюк Британия 1948 йилда, ГФР 1961 йилда, Голландия 1963 йилда, Бельгия 1974 йилда, Ирландия 1977 йилда, Швеция 1982 йилда, Люксембург 1986 йилда, Франция 1988 йилда қабул қилган. Халқаро нормаларга мувофик бу қонун нафақат туб аҳолига, балки мазкур мамлакатда муайян вақт яшаган чет элликларга нисбатан ҳам амал қилади. Нафақа хайрия хусусиятига эга эмас. Муайян шартларга риоя қилинган ҳолда у барча муҳтожларга қонуний асосда тайинланиши мумкин. Асосий шарт умумий даромад миқдори муайян катталикдан кам бўлиши керак. Деярли ҳамма жойда болаларга тўланадиган нафақа, айрим мамлакатларда эса турар жой учун

тўланадиган нафақа, алиментлар ҳам даромад таркибига киритилмайди. АҚШда фақат оиланинг жорий даромадлари ҳисобга олинади. Ёш чегаралари ҳам белгиланган: нафақага 30 ёшдан (Люксембургда 25 ёшдан) ошган шахслар даъвогар бўлиши мумкин; ёшга доир чеклашлар уйланганлар ёки болали шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Нафақа тўлаш муддатининг чегаралари қайд этилмаган бўлиб, вақти вақти билан ўтказиладиган муҳтожликни текшириш натижаларига кўра узайтирилиши мумкин.

Кўпгина мамлакатларда энг кам иш ҳақи миқдори ва уни истеъмол нархларининг ўсишига қараб вақти вақти билан индексация қилиш тўғрисидаги қонун кам таъминланган фуқароларни ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Италияда индексация механизми нархлар индекси бир фоизга ўсган ҳолда, Данияда уч фоизга, Бельгияда икки фоизга, Люксембургда икки ярим фоизга ўсганида ишга солинади. Айрим мамлакатлар АҚШ, Канада, Франция, Швейцарияда индексация меҳнат қиладиган бутун аҳолини эмас, балки ёлланма ходимларнинг бир қисмини қамраб олади. .

Ҳозирги вактда ЕИнинг кўпгина мамлакатларида оила даромадини ҳимоя қилиш дастури ўз ривожланишининг юксак даражасига етган. Скандинавия мамлакатларида бундай дастурларга умумдавлат мақоми берилган. Марказий Европа мамлакатларида бундай дастурлар минтақавий ва маҳаллий даражаларда амал қилади. Европа жанубидаги мамлакатларда улар деярли мавжуд эмас.

Европа Иттифоқи таркибидаги айрим мамлакатларда даромадни ҳимоя қилиш миллий дастурларига кўра бериладиган нафақалар

Мамлакат	Асосий нафақалар ва хизматлар
Австрия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, тиббий таъминот қийматини қоплаш
Бельгия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, тиббий хизмат кўрсатиш қийматини қоплаш
Дания	Турар жой учун тўланадиган ҳақ кийматини қоплаш, талабаларга стипендиялар тўлаш
Финляндия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, соғлиқни сақлаш хизматлари, болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида бўлиш қийматини қоплаш
Франция	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, соғлиқни сақлаш хизматлари қийматини қоплаш
Германия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, соғлиқни сақлаш хизматлари қийматини қоплаш, таълим олиш учун нафақалар
Ирландия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ кийматини қоплаш, бепул тиббий таъминот
Люксембург	Турар жой учун тўланадиган ҳақ кийматини қоплаш, бепул тиббий таъминот
Нидерландия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, кийматини қоплаш, бепул тиббий таъминот
Португалия	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, соғлиқни сақлаш хизматлари қийматини қоплаш, таълим олиш учун нафақалар
Испания	Турар жой учун тўланадиган ҳақ кийматини қоплаш, уй рўзғор буюмлари харид қилишда ёрдам кўрсатиш
Швеция	Турар жой учун тўланадиган ҳақ, соғлиқни сақлаш хизматлари қийматини қоплаш, уй рўзғор буюмлари харид қилишда ёрдам кўрсатиш, таълим олиш учун субсидиялар

Чет давлатларда пенсия ёши

№	Давлатлар номи	Пенсия ёши	
		Эркак	Аёл
1	АҚШ	65	65
2	Чили	65	60
3	Франция	60	60
4	Финляндия	65	65
5	Швеция	65	60
6	Словакия	60	57 ■
7	Венгрия	62	60
8	Польша	62	62
9	Латвия	62	62
10	Россия	60	55

Жаҳон минтақаларида 1990 ва 2030 йилларда 60 ёшдан юқори бўлган аҳоли фоизи (прогноз)

Минтақалар	**1990**	**2030**
Ривожланган давлатлар	22,9	38,6
Ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар	19,1	28,6
Хитой Халқ республикаси (ХХР)	11,4	27,6
Лотин Америкаси ва Кариб бўғози	8,6	20
Осиё (ХХРдан ташқари)	8,1	16,7
Шимолий Африка ва Яқин Шарқ	7,1	12,4
Африка	3,3	7
Жаҳон бўйича	9	16

2. Ривожланган хорижий давлатларнинг пенсия тизимлари

АҚШда давлат пенсия тизимида давлат пенсия жамғармаи даромадларини шаклланишида ёлланиб ишлайдиган шахсларнинг деярли ҳаммаси (айрим тоифадаги ходимлардан ташқари) меҳнатдан олинган барча даромадларидан давлатга қуйидаги миқдорда пенсия солиғи (FICA tax, яъни Federal Insurance Contribution Act га мувофик) солиқ тўлайди:

65400 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги йиллик даромаддан 7,65%дан иборат ставка бўйича. Бу солиқ икки қисмдан иборат: 6,20%и пенсия солиғи, яъни «Retirement, survivors and disability insurance» қариялар, бевалар, етимлар ва ногиронларни пенсия билан таъминлаш учун мажбурий таъминот; 1,45%и қарияларни тиббий таъминлаш учун солиқ «Hospital insurance»;

65400 АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги йиллик даромаддан фақат «Hospital insurance» солиғи (1,45%) ундирилади. Албатта, бундай катта даромадли шахслар сони унча кўп эмас.

Ходимлар ўзи тўлайдиган бу солиқда (7,65%) қўшимча равишда иш берувчи давлатга яна шунча тўлайди; шундай қилиб, тўланган иш ҳақининг ҳар 100 долларига Social Security Administration 15 долларга яқин солиқ олади. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган, яъни иш берувчига эга бўлмаган шахслар пенсия солиғининг иккала ярмини, яъни жами 15 долларни ўзи тўлайди.

Меҳнатсиз даромадлар (банк омонатлари ва облигациялар, дивидендлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялардан олинган даромад ва ш.к.)га пенсия солиғи солинмайди.

Мамлакат ижтимоий таъминот бошқармаси (Social Security Administration) ҳар бир меҳнаткаш ўзининг бутун меҳнат фаолияти даврида тўлаган пенсия солиғи ҳақидаги ахборотни сақлайди.

65 ёшга тўлгандан кейин ёки ногиронлик туфайли тўланадиган давлат пенсияси (Social Security Benefits) қуйидагича тавсифлаш мумкин бўлган қоидаларга мувофиқ тайинланади:

- ўтган йилларда олинган даромадлар ва тўланган солиқлар пенсияга чиқиш йилига нисбатан инфляцияни ҳисобга олган ҳолда индексация қилинади (яъни, масалан, 1950 йилнинг 1 доллари 2005 йилги 7,51 доллар ҳисобига ўтади), иш стажи (пенсия солиғи солинган маош йилига 1600 доллардан кам бўлмаган йиллар сони) 10 йилдан кам бўлса, пенсия тайинланмайди.

20 ёшдан 62 ёшгача (ёки ходим 62 ёшга тўлгунга) қадар ногирон бўлиб қолган бўлса, ногиронликкача ўтган йиллар сони ҳисобланади. Одатда, бу N қ 6220 қ 43. Барча N йиллар орасидан «энг яхши йиллар»да (N5) олинган ойлик (индексация қилинган) ўртача маош ҳисобланади ва одатда энг кўп маошли 38 йил аниқланади.

Одатда, ойлик пенсия 65 ёшдан кечроқ пенсияга чиққанларга оширилган пенсия, 62-65 ёш оралиғида пенсияга чиққанларга камайтирилган пенсия, бевалар ва етимлар учун пенсиялар, дафн маросими учун нафақа ва шу кабилар PIA асосида, уни тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Юқорида зикр этилган «Hospital insurance» солиғидан Medicare дастурини молиялаштириш 65 ёшдан катта шахсларнинг тиббий харажатларини қисман қоплаш учун фойдаланилади.

АҚШ конгресс аъзолари, федерал хизматчилар ва хусусий сектор ходимларининг пенсия таъминоти. АҚШ Конгресси аъзолари, федерал хизматчилар ҳамда АҚШ иқтисодиётининг хусусий сектори ходимлари ҳар хил пенсия тизимлари бўйича пенсия оладилар.

- чизма

Банд бўлганлар тоифаси	Қўлланиладиган пенсия тизими
Конгрессменлар	конгресс аъзолари учун мўлжалланган пенсия тизими; ижтимоий таъминот тизими; конгрессменлар ва ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланадиган пенсия жамғармаси.
Федерал хизматчилар	федерал хизматчилар учун мўлжалланган пенсия тизими; ижтимоий суғўрта тизими; федерал хизматчилар ва Ҳукумат томонидан маблағлар билан таъминланадиган пенсия жамғармаси.
Хусусий сектор ходимлари	фирма пенсия тизимлари; ижтимоий таъминот тизими; хусусий сектор ходимлари ва иш берувчилар томонидан маблағ билан таъминланадиган пенсия жамғармаси

АҚШ Конгресси аъзолари Конгресс пенсия тизими доирасида Конгрессда беш йил ишлаганидан кейинроқ энг кўп маошли кетма-кет келган уч йил учун ўртача йиллик маошнинг 8,5% миқдорида пенсия олишлари мумкин. Стаж 20 йил бўлса, конгрессмен 50 ёшида пенсияга чиқиши ва юқорида кўрсатилган маошнинг 34% миқдорида пенсия олиши, стаж 25 йил бўлган тақдирда исталган ёшда пенсияга чиқиши мумкин. Бу ҳолда пенсия маошнинг 39% ни ташкил этади.(1-жадвал)

1-жадвал

АҚШ Конгресси аъзоларининг пенсия таъминоти

Тўлиқ пенсия бериш	**Конгрессдаги стаж**
62 ёш ва ундан катталар, Конгрессдаги стаж камида 5 йил	**5** йил **10** йил
50 ёш ва ундан катталар, Конгрессдаги стаж камида 20 йил	**20**йил **24** йил
Ҳар кандай ёшда, Конгрессдаги стаж камида 25 йил	**25** йил **26** йил

Конгрессда 10 йил ишлаган ва 55 ёшга тулган Конгресс аъзоси энг кўп маошли кетмакет келган уч йил учун ўртача йиллик маошнинг 11,1% миқдорида пенсия олиши мумкин. 60 ёшида ва 15 йил стаж билан пенсияга чиққан конгрессменнинг пенсияси юқорида кўрсатилган маошнинг 23% ни ташкил этади. *(2-жадвал)*

2-жадвал

Тўлиқ бўлмаган пенсия бериш шартлари	**Конгрессдаги стаж**
1948 йилгача туғилганлар учун 55 ёш ва ундан катта, 1970 йилда ва ундан кейин туғилганлар учун аста секин ошиб боради. Конгрессдаги стаж 1019 йил. Пенсияга чиқиш ва 62 ёшга тўлиш оралиғидаги даврнинг ҳар бир йили учун пенсия 5% га камайиб боради.	**10 йил** 1995 йилда 55 ёшда пенсияга чиққан бўлса 15 **йил** 1995 йилда 60 ёшда пенсияга чиққан бўлса
50 ёш ва ундан катталар, Конгрессдаги стаж камида 20 йил	20 йил 24 йил
Ҳар кандай ёшда, Конгрессдаги стаж камида 25 йил	25 йил 26 йил

Федерал хизматчиларнинг пенсия таъминоти. Федерал хизматчилар федерал хизматчилар учун мўлжалланган пенсия тизими, ижтимоий таъминот тизими ҳамда федерал хизматчилар ва ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланадиган пенсия жамғармасидан пенсия оладилар. Федерал хизматчилар учун мўлжалланган пенсия таъминоти тизимидан улар чиққан пайтдан тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган пенсия олишлари ёки тайинланган пенсияни олиш муайян ёшгача кечиктирилиши мумкин.*(3-жадвал)*

3-жадвал

Федерал хизматчиларга тўлиқ пенсия бериш шартлари ва улар оладиган тўлиқ пенсия миқдорлари

Тўлиқ пенсия бериш шартлари	**Иш стажи**
62 ёш ва ундан катталар, иш стаж камида 5 йил бўлса	5 йил 10 йил
60 ёш, иш стажи камида 20 йил бўлса	20 йил 24 йил
Туғилган йилига қараб 5557 ёш, иш стажи 30 йил бўлса 1948 йилгача туғилганлар учун 55 ёш ва ундан катта, у 1970 йилда ва ундан кейин туғилганлар учун аста секин ошиб боради	30 йил 35 йил

Хусусий сектор ходимларининг пенсия таъминоти. Хусусий сектор ходимларининг ижтимоий таъминот тизими бўйича пенсия таъминоти конгрессменлар ва федерал хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизими бўйича пенсия таъминоти билан бир хил шартларда амалга оширилади. Фирмадаги иш стажи 5 йил бўлса, ходим 65 ёшда, иш стажи 10 йил бўлса, 55 ёшда пенсияга чиқиши мумкин. 65 ёшгача пенсияга чиқилган такдирда, пенсияга чиқиш ва 65 ёшга тўлиш оралиғидаги даврнинг ҳар бир йили учун пенсия 4% га камайиб боради. Пенсияни ҳисоблаш учун асос сифатида энг кўп маошли кетмакет келган беш йилда олинган ўртача йиллик маошдан фойдаланилади.

АҚШ Конгресси аъзолари, федерал хизматчилар ҳамда АҚШ иқтисодиётининг хусусий сектори ходимлари пенсия таъминотининг қисқача таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

• конгрессменлар Федерал ҳукумат хизматчиларига қараганда имтиёзлироқ шартларда пенсияга чиқадилар;

• конгрессменлар иш ҳақига нисбатан оладиган пенсия миқдорлари федерал хизматчиларникидан катта;

• хусусий сектор ходимлари 62-65 ёшда фирмадаги иш стажи 5 йил бўлган ҳолда фирмадан тўлиқ пенсия ва иш стажи 10 йил бўлган ҳолда камайтирилган пенсия олади;

Пенсиялар билан бир қаторда меҳнат учун тўланган ҳар хил ҳақлар пенсионерлар даромадининг муҳим манбалари ҳисобланади. Бундай ҳақлар умумий даромадларнинг 17% ни, жамғармалар эса 25% ни ташкил қилади.

Пенсия ислоҳотининг Чили модели одатда пенсияларни молиялаштиришнинг энг яхши усули ҳақидаги мунозараларда ўзига хос андоза сифатида келтирилади. Аргентина, Перу ва Колумбия ўз пенсия тизимларини асосан Чили андозасига кўра ислоҳ қилдилар.

Пенсия тизими ислоҳоти Чилида 1981 йилда, А. Пиночет ҳукмронлиги даврида ўтказилди. Чили тажрибасидан фойдаланиш масаласини муҳокама қилишда Чили ислоҳоти иқтисодиёт сезиларли даражада жонланган шароитда амалга оширилганини эътиборга олиш лозим. Бу ҳукуматга пенсия ислоҳотини яхши молиялаштириш имконини берди. Шу даврда Чили жамғарма бозорида юз берган катта ўсиш пенсия жамғармаларининг юксак даражада рентабеллигини таъминлади. Ислоҳотнинг муваффакиятига қулай демографик вазият ҳам имконият яратди. Чилида аҳолининг атиги 8% пенсия ёшида (Россияда 16%) бўлиб, бир пенсионерга 12,8 та ишловчи тўғри келади.

Янги пенсия тизими ёлланма ходимларни мажбурий таъминот қилишга асосланади. Ходимлар ўз маошининг 10% ни пенсияни таъминот қилувчи жамғармалар (компаниялар)дан бирига тўлашлари шарт. Мажбурий таъминот ёши эркаклар учун 65, аёллар учун 60 ёш қилиб белгиланган. Таъминотланган шахслар

у ёки бу жамғармани алмаштириш ҳуқуқига эга, бунда улар жамғарилган капиталга бўлган ҳуқуқни ўзи билан олиб кетади. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли бу жамғармаларда ихтиёрий равишда таъминотланиши мумкин. Пенсия таъминотига қўшимча равишда ходимлар ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик учун эҳтиёт шарт таъминотланишлари лозим. Бунга маошдан яна 3% ажратилади. Таъминотланувчи пенсия ёшига тўлгач, жамғарилган капиталдан таъминот компаниясидан умрбод шахсий пенсия олиш учун фойдаланиши ёки компания билан ҳисоб-варақдан маблағларни режали равишда олиш ҳақида келишиши мумкин.

Бадал миқдори белгиланган бошқа тизимлардаги каби Чили тизимида ҳам пенсия таъминоти даражасини олдиндан баҳолаш кийин. Жамғармалар амалга оширадиган тўловлар маош билан боғлик таъминот бадалларидан, шунингдек капитал жамғариш йўли билан олинган даромадлар ва яратилган захиралар ҳисобидан молиялаштирилади. Натижа ўртача маошнинг ўсиши ва ссуда капитали бозоридаги фоиз ставкасининг ўзаро нисбати билан белгиланади. Фоиз ставкаси маошнинг фоиз ҳисобида кўпайишидан қанча ортиқ бўлса, бошқа тенг шартларда пенсия таъминоти даражаси шунча юқори бўлади. Пировардида охирги даромаднинг 20-70% миқдорида пенсия олиш мумкин. Бу пенсия таъминоти даражасини режалаштириш учун ишончли замин яратмайди.

Жамғармалар таъминот бадалларидан келган тушумларни Чили, қисман Халқаро ссуда капиталлари бозорида инвестициялаштиради. 1981-1995 йилларда инвестицияларнинг ўртача даромаддорлиги йилига тахминан 13% ни ташкил этди. Бунда жамғармалар даромадлилик кўрсаткичига кўра бир биридан анча фарқ қилади. 1995 йил Чилида ссуда капиталлари бозорида рақобат билан боғлиқ танглик юзага келди. Бу танглик мазкур жамғармаларга ҳам таъсир этмай колмади. Пировардида фондлар ўз асосий капиталининг 4,7% ни йўқотди.

1995 йилгача 25та жамғарманинг фаолиятига рухсат берилган эди. Бироқ уларнинг айримлари рентабеллигининг пастлиги туфайли ёпилди. 1995 йилнинг охирида бу жамғармаларда 5 миллионга якин иштирокчилар бўлиб, уларнинг атиги 3 миллионтаси таъминот бадаллари тўлар эди. Таъминотланувчиларнинг 80% дан

кўпроғининг шахсий ҳисоб-варақалари 5 йирик жамғармаларда жамланган. Жамғармаларнинг асосий капитали тахминан 23 млрд. АҚШ долларини ташкил этадики, бу Чили ЯИМ миқдорининг ярмига тенгдир.

Чилида амалга оширилган пенсия ислоҳоти пенсия таъминоти тизимига давлат ва сиёсатнинг таъсирига чек қўйиш максадини кўзлайди. Илгари бу пенсиялар миқдори ва уларни индексация қилиш чегараларини белгилашдан иборат эди. Иқтисодий юксалиш босқичида пенсиялар сахийлик билан ошириб борилди. Танглик юз бериши билан пенсиялар амалда инфляция таъсирида қадрсизланди. Гарчи қонунда нархларга қараб пенсияларни индексация қилиш назарда тутилган бўлсада, индексация механизми тўла даражада амал қилмас эди.

Ислоҳот натижасида сиёсат чиндан ҳам аввал янги тизим бўйича пенсия беришга ўз таъсирини йўқотди. Бироқ бундай пенсияларни ҳанузгача таъминотланган шахсларнинг жуда оз қисми олаётгани сабабли, бу ҳолат иккинчи даражали аҳамиятга эга. Аммо пенсиялар бериш ва бунинг учун капитал яратишга асосларни қўлга киритишга давлатнинг таъсири ҳанузгача мавжуд. У ёки бу жамғарманинг стратегияси етарли даромад келтирмаса, пенсияни давлат тўлайди. Энг кам пенсияни фақат 20 йил мобайнида бадаллар тўлаган одам олади.

Чилида амал қилувчи пенсия таъминоти тизими ёлланиб ишлайдиган аҳолининг тахминан 60 фоизинигина қамраб олади. Норасмий меҳнат фаолияти секторида ўзини ўзи банд қилган аҳоли, тўлиқ бўлмаган ставка бўйича ишловчи шахслар ҳамда ишсизлар томонидан таъминот бадаллари кўпинча тўланмайди, чунки улар таъминот бадалларини тўлаш учун етарли маблағларга эга бўлмайди. Шундай қилиб, улар пенсия таъминоти тизимидан четда колади.

Чилида шундай бир амалиёт кенг тарқалганки, ходимлар иш берувчи билан солиқ органларига тақдим этиладиган ҳужжатларда маошнинг бир қисминигина кўрсатиш ҳақида келишиб оладилар. Натижада ижтимоий таъминотга чегирмалар маошнинг шу қисмидангина амалга оширилади. Пировард натижада бу жамғармаларда иштирок этаётган аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи қашшоқлик чегарасидан пастда яшаши билан белгиланади.

Францияда ҳозирги пенсия таъминоти тизимининг асослари иккинчи жаҳон урушидан кейин яратилди. Ўз мавжудлигининг дастлабки 40 йилида тизим ижтимоий ҳимояни аҳолининг барча қатламларига нисбатан татбиқ этиш ва тўланадиган нафақалар даражасини ошириш томонга такомиллашиб борди.

Бир неча озми кўпми муваффакиятли уринишлардан кейин мавжуд пенсия таъминоти тизимининг охирги энг йирик ислоҳоти 2003 йилнинг ўрталарида ўтказилди (Фийон қонуни). У турли секторларнинг ходимлари пенсияга чиқаётганида қўйиладиган талабларни аста секин тенглаштириш ва қаттиқлаштиришга қаратилган:

2008 йилдан 60 ёшдан бошлаб тўлиқ, пенсия олиш учун умумий меҳнат стажи 40 йил бўлиши керак;

“иш-пенсия” нисбати иккига бир даражада (2003 йил даражаси) 2020 йилга қадар барқарор бўлиб қолиши учун зарур меҳнат стажини янада ошириш назарда тутилган.

Қонунда пенсияни ўртача иш ҳақининг ўсиш даражасига эмас, балки нархларнинг ўсиш суръатига кўра индексация қилиш принципи ҳам узил кесил қайд этилди. Бунга нархларнинг ўсиш суръати иш самарадорлигининг ўсиш суръатларини ҳисобга олмасдан, иш ҳақининг ўсиш даражасидан орқада юриши сабаб бўлди.

Пенсияга чиқиш ёшининг қуйи чегараси 60 ёш, бироқ Фийон қонунига биноан тўлиқ пенсия олиш учун умумий меҳнат стажи 160 квартал (40 йил)дан кам бўлмаслиги керак. Агар меҳнат стажи етарли бўлмаса, пенсия миқдори стажнинг етишмаётган квартали ёки 65 га етмаётган йиллар сони учун 1,25% га камайтирилади (етишмаётган кварталларнинг энг кам қиймати танланади). Бу “жарима коэффициенти” 25% дан ошиши мумкин эмас. 65 ёшга тўлган фуқаро меҳнат стажи қанчалигидан қатъий назар тўлиқ, меҳнат пенсияси олиши мумкин. Янги қонунда стаж 160 кварталга етганидан ёки фуқаро 65 ёшга тўлганидан кейин меҳнат фаолиятини давом эттирганлик учун ҳар иш йилига 3% миқдорида 15% чегарасида устама назарда тутилган.

Ногиронлар, уруш катнашчилари, концлагерларнинг собиқ махбуслари меҳнат стажидан катъий назар 60 ёшда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи билан пенсияга чиқишлари мумкин. Меҳнат фаолиятини эрта бошлаган одамлар учун 56 ёшдан, бироқ меҳнат стажи салмоқли (16 ёшдан ишлай бошлаганлар учун 168 квартал) бўлган ҳолда пенсияга чиқиш имконияти назарда тутилган.

Франция пенсия тизимида иштирокчининг касбий фаолияти белгисига кўра режимларнинг тўрт катта тоифасини фарқлаш мумкин:

- ёлланма ишчи ва хизматчилар режимлари;
- давлат хизматчилари режимлари;
- йирик миллий монополияларга хизмат кўрсатувчи махсус режимлар;
- ноёлланма ходимлар (ҳунармандлар, савдогарлар, шифокорлар ва ҳ.к.)нинг режимлари.

Қуйида келтирилган 1жадвалда кўриниб турганидек ёлланма ишчи ва хизматчилар режимлари иш билан таъминланган аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғини қамраб олади. Бироқ уларнинг тўловлар умумий ҳажмидаги улуши пенсия олувчилар умумий сонидаги улушига қараганда камроқ бўлиб, бу аввало уларнинг асосий режими 65 ёшдан ошган қарияларнинг барчасига пенсиянинг энг кам даражасини кафолатловчилик вазифасини бажариши билан боғлиқ.

2001 йилда мажбурий пенсия таъминоти бўйича пенсия тўловларининг умумий даражаси 173 млрд. еврога етдики, бу Франция ЯИМнинг 12% га яқинини ташкил этади. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, бу кўрсаткич 2040 йилга бориб ЯИМга нисбатан 14-18% га етиши мумкин.

Ёлланма ишчи ва хизматчилар учун мажбурий пенсия таъминоти тизими икки даражали: ҳар бир ишловчи асосий режимда ва бир ёки бир нечта қўшимча режимларда иштирок этади.

Асосий режимлар. Қарилик бўйича таъминот миллий кассаси (CNAVPL) қишлоқ хўжалигидаги ёлланма ходимлардан ташқари, барча ёлланма ишчи ва хизматчилар учун меҳнат пенсиясининг асосий қисмини таъминлайди.

Пенсияга чиқиш шартларига биз юқорида тавсиф бериб ўтдик. Пенсия миқдори меҳнат стажи (160 квартал атрофида) ҳамда энг кўп ҳақ тўланган 25 йилдаги ўртача иш ҳақининг 50% ни акс эттирувчи айрим ҳисобланган катталик билан мутаносиб (50%*S25). Бунда бутун иш ҳақи эмас, балки унинг "ижтимоий ҳимоя юқори чегараси" доирасидаги қисмигина ҳисобга олинади. Бу кўрсаткич 2003 йилда салкам 30 минг еврони ташкил этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат стажига ҳарбий хизматни ўташ, болаларга қараш, мажбурий ишсизлик даврлари ҳам тўлиқ ёки қисман киритилади. Ижтимоий бадаллар пенсия тўловларининг 70% ни таъминлайди, пенсиянинг қолган қисми мақсадли трансфертлар ҳисобидан, хусусан, Қарилик бўйича бирдамлик жамғармасидан тўланади. Бу жамғарманинг даромадлари фискал хусусиятга эга бўлиб, белгиланган энг кам даражага (ёлғиз яшайдиган пенсионер учун ойига 600 евро) етиши учун ижтимоий пенсиялар ҳамда меҳнат пенсиясига қўшимчаларни молиялаштиришга мўлжалланган.

Қўшимча режимлар. Асосан малакасиз ходимлар учун мўлжалланган Қўшимча пенсия режимлари уюшмаси ҳамда бошқарув бўлими (ARRCO) ва малакали ходимлар учун мўлжалланган Пенсия муассасалари умумий уюшмаси (AGIRC) ёлланма ходимларнинг мажбурий қўшимча режимлари ҳисобланади. Бу режимларда қўлланиладиган пенсия ҳуқуқларини балларда ҳисоблаш тизими Францияга хосдир: бадал миқдори ва баллни сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб, иштирокчининг шахсий ҳисобварағига муайян баллар киритилади (бадал харид нархи). Турли йилларда сотиб олинган баллар алоҳида ҳисобга олинмайди ва бир хил хизмат кўрсатиш қийматига эга бўлади. Иштирокчи пенсияга чиққанида унга баллга хизмат кўрсатиш қийматига тўпланган баллар сонининг кўпайтмасига тенг пенсия тўланади. Қўшимча режимлардан тўловлар маошнинг 20-40%ини ташкил этади.

Давлат хизматчилари режимлари. Иш берувчи давлат пенсия бадалларини тўламайди, балки пенсия тўловларининг зарур миқдорлари билан ходимларнинг ставкага нисбатан (мукофотларни ҳисобга олмаганда) 7,85% ни ташкил этувчи бадаллари ўртасидаги тафовутни коплайди.

Қонун қабул қилингунга қадар давлат хизматчиларининг пенсияга чиқиш шартлари анча осон бўлиб, 60 ёшда пенсияга чиқилганида меҳнат пенсиясининг камайишини назарда тутмас эди. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек Фийон қонуни 60 ёшдан бошлаб пенсия олиш учун умумий меҳнат стажи (160 квартал) тушунчасини муомалага киритди ва бу меъёрни давлат хизматчилари учун аста секин (2003 йил 150 кварталдан 2008 йилга келиб 160 квартал) жорий этилди.

Давлат хизматчисининг пенсияси охирги 6 ой учун ўртача мансаб маошидан келиб чиқиб, мукофотларни ҳисобга олмасдан ҳисобланади. Ҳисобга олинадиган давр 160 квартални ташкил этади (ислоҳотгача 150 квартал). Шундай қилиб, ўриндошлик коэффициентининг юқори чегараси иш ҳақи охирги ставкасининг 75% и даражасида сақланиб қолади, бироқ, унга эришиш учун зарур меҳнат стажи ошади. Янги қонунда ёлланма ходимлар учун пенсияни таъминот қилиш мажбурий қўшимча режимини жорий этиш назарда тутилган.

Махсус режимлар. Бу режимлар йирик миллий монополиялар (темир йўлчилар, «Электросите де Франс» ходимлари ва бошқалар)га хизмат кўрсатади. Улар пенсияга чиқиш учун (кўпинча 55 ёшдан) жуда қулай шарт-шароитлар яратади, бунда меҳнат стажининг бир киши 1дан катта коэффициент билан ҳисобга олиниши мумкин, меҳнат даромадларининг ўриндошлик коэффициенти эса кўпинча 80% дан ортиқ бўлади. Давлат хизматчи-лари режимлари учун бўлганидек пенсиялар тўлаш учун етмаётган ресурслар миллий бюджетдан тўланади (улар ҳозир тўловларнинг 50% дан кўпроғини ташкил этади). Шуни таъкидлаш лозимки, Фийон ислоҳоти бу режимларнинг иш принципларига даҳл этмади ва уларнинг устун мавқеини сақлаб қолди.

Ноёлланма ходимларнинг режимлари. Бу тоифага мансуб ходимлар ҳамда эркин касб эгалари учун уларнинг «ишлаб чиқариш капитали» (дўкон, хусусий амалиёт ва х.к.)ни сотишдан олинган даромадлар пенсиялар учун асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Ноёлланма ходимларнинг

режимлари касбий белгига кўра фарқланади, уларнинг иш принципларини эса ноёлланма ходимларнинг тегишли уюшмалари белгилайди:

ҳунармандлар режими — **(CANCAVA)** Тижоратчилар ва саноатчилар режими (ORGANIC). Уларнинг асосий режимларида ёлланма ходимлар асосий режимининг қоидалари амал қилади, қўшимча режимлар эса баллик тизим бўйича фаолият кўрсатади.

эркин касблар режими (CNAVPL шифокорлар, архитекторлар ва х.к.). Бу режимда барча касблар учун ягона асосий тизим амал қилади, бунда қўшимча режим мавжуд 12 касбий бирлашмаларнинг ҳар бири учун ўзига хос бўлади. 2004 йилдан меҳнат стажи йилларида пенсия ҳуқуқларини ҳисобга олиш баллик тизим билан алмаштирилди.

Қўшимча номажбурий пенсия таъминоти. Францияда мажбурий пенсия таъминоти режимларидан ташқари, капиталлаштириш принципларига асосланган ва корхоналар томонидан муайян тоифадаги ходимлар учун ташкил этиладиган номажбурий қўшимча дастурлар ҳам мавжуд. Хусусий пенсия жамғармалари ёки қўшимча капиталлаштириш жамғармаларида ихтиёрий шахсий иштирок кенг тарқалмаганининг сабабларидан бири шундаки, мажбурий таъминот тизими меҳнат даромадлари ўрнини босишнинг юксак даражасини таъминлайди.

Марказий ва Шаркий Европа мамлакатлари ўз пенсия тизимларини ислоҳ қилишга жаҳонда пенсия таъминотининг ривожланиш имкониятлари ҳақида ҚИЗҒИН мунозаралар бошланган ва шаклланган, пенсия схемаларини янги демографик ва ижтимоий-иқтисодий шарт шароитларга мослаштириш амалга оширилаётганига 20 йилдан ошган бир шароитда киришдилар. Шу сабабли, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари жаҳон тажрибасидан сабоқ олиш ва бу мухим соҳадаги ўзгаришлар жараёнини белгилаш ва назорат қилишга қодир конун қоидаларнинг келажакка қаратилган изчил ва ўзаро боғланган мажмуини ишлаб чиқиш имкониятига эга эдилар.

Туб иқтисодий ўзгаришлар бошлангунга қадар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида шаклланган пенсия тизимлари тақсимловчи хусусиятга — бир

хиллаштирилган ва кенг қамровли, яъни ривожланган мамлакатларнинг пенсия схемалари замирида ётувчи мезонларга мос келар эди. Айрим мамлакатларда пенсия тизимлари ўз хусусиятларига эга, масалан, собик ГДРда (ихтиёрий) ва Руминияда (мажбурий) қўшимча пенсия таъминоти мавжуд эди.

Марказий ва Шаркий Европа мамлакатларида пенсия тизимларини ислоҳ қилиш зарурияти жаҳоннинг аксарият мамлакатлари учун умумий сабаблар аҳолининг қариши ва мавжуд пенсия схемаларининг инқирози билан белгиланади. Бунда мамлакатлар бошдан кечираётган ўтиш даврининг айрим хусусиятлари юқорида кайд этилган омиллар таъсирини янада кучайтиради.

Ривожланган мамлакатлардаги демографик тенденциялар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига ҳам хосдир. Аҳолининг қариши пенсионерлар сони мутлоқ миқдорда ҳам, нисбий миқдорда ҳам тинимсиз ошиб бораётир. Хозирги вақтда аҳолининг умумий сонида уларнинг улуши Болгария, Венгрия ва Чехияда тахминан 29-30% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Польша ва Словакияда бироз камроқ 23-25%, Руминия ва Хорватияда эса сезиларли даражада паст бўлиб, бу мазкур мамлакатлардаги аҳолининг қулайроқ ёш таркиби билан боғлиқ бундан ташқари, туғилиш даражасининг пасайиши натижасида аксарият мамлакатларда болалар ва ўсмирлар улуши камайиб бораётир. Сўнгги йилларда банд бўлганлар ва пенсионерлар сонининг ўзаро нисбати сезиларли даражада ёмонлашди. Масалан, 1990 йилда Болгарияда банд бўлган ҳар 100 кишига 58 пенсионер тўғри келган бўлса, 1994 йилда 90 пенсионер тўғри келган. Венгрияда бу кўрсаткич тегишли равишда 45 ва 75, Польшада 44 ва 60, Словакияда 38 ва 50 ни ташкил этган. Шундай қилиб, меҳнатга кобилиятли аҳоли зиммасига тушадиган юк иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги каби юксак даражага етган.

Иқтисодий танглик ва бунинг натижасида давлат пенсия жамғармасига киритиладиган бадаллар миқдори ва давлатларнинг молиявий имкониятлари камайиб борган шароитда пенсиялар тўлаш харажатларининг ЯИМдаги улуши муттасил ошиб борган. Масалан, Болгарияда 90 йилларнинг биринчи

ярмида пенсия таъминоти харажатларининг ЯИМдаги улуши 9 дан 11% га кўпайган; Венгрияда пенсия жамғармаси харажатларининг умумий миқдори 1995 йилда ЯИМнинг 9% ни ташкил этган, 2005 йилга бориб бу улушни 6,5% гача камайтириш кўзда тутилган. Чехияда мазкур кўрсаткич 1990-1996 йилларда 89% даражасида сақланиб колган. Польшада пенсия тизимига ЯИМнинг тахминан бешдан бир қисми сарфланади.

Марказий ва Шаркий Европа мамлакатларидаги пенсия ислоҳотларида *икки босқич* кузатилади.

Ислоҳотлар йўналишида дастлабки қадамлар ўтган асрнинг 80 йилларидаёқ ташланган ва улар пенсия тўловларини молиялаштириш манбаларини шакллантириш принципларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган. Пенсия жамғармалари давлат бюджетидан ажратилиб, хўжалик бирликлари ва фуқароларга солиқ солишга асослана бошлади. Бошқача айтганда, пенсия таъминотидан пенсия суғўртасига ўтиш жараёни бошланди. Масалан, 1989 йил Венгрияда ижтимоий таъминот жамғармаси давлат бюджетидан чиқарилди ва унинг негизида 1992 йилда мустақил пенсия жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма даромадларининг тўртдан уч қисми барча хўжалик бирликлари иш ҳақи жамғармасидан қилинган ажратмалар ҳисобидан ва тўртдан бир қисми бошқа манбалар, шу жумладан, шахсий таъминотловчилар ҳисобидан тўлдириб борилади. Польшада 80-90йиллар чегарасида икки жамғарма: ижтимоий таъминот жамғармаси ва деҳқонлар пенсия жамғармаси ташкил этилди. Биринчи жамғарманинг тўртдан уч қисми солиқлар ҳисобидан ва тўртдан бир қисми давлат дотацияларидан шаклланади, иккинчи жамғарма тўла давлат бюджетига боғлик Шунга ўхшаш чоралар Марказий ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатларда ҳам кўрилди. 90 йилларнинг ўрталарида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг аксарияти ўз пенсия тизимларидаги ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга киришди. Бу ўзгаришларнинг умумий йўналиши шаклланган тақсимловчи пенсия схемасига ўзгартиришлар киритиш ва унга жамғариб бориладиган пенсия тизими унсурларини босқичма босқич жорий этиш.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан *Венгрияда* амалдаги тақсимловчи пенсия тизимини модернизация қилишнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

• пенсияга чиқиш ёши аста секин эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам 62 ёшгача оширилади (эркаклар учун бу ёш чегараси 2001 йилда кучга кирди, аёллар учун 2009 йилда кучга кирди);

• пенсия олиш учун зарур энг кам иш стажи 15 йилдан 20 йилга кўпайтирилади, муддатидан илгари пенсияга чиқиш учун зарур иш стажи 10 йилни ташкил этади;

• пенсияларни ҳисоблаш механизмига ўзгартиришлар киритилади (пенсияни ҳисоблаш учун асос сифатида бутун меҳнат давридаги даромад солиғи солинмаган ўртача иш ҳақидан фойдаланилади ва пенсиянинг тўланган бадаллар миқдорига 60% ликлиги кучайтирилади);

• индексация ўрнига нархлар ва иш ҳақининг ўсишига қараб аралаш индексация қўлланилади (истеъмол нархларининг ўсиш суръатига кўра 50% ва соф иш ҳақи миқдорининг ўсиш суръатига кўра 50%).

Бу тизим доирасида ўртача иш ҳақи оладиган ходим ўртача соф иш ҳақининг 60% даражасидаги пенсияга умид қилиши мумкин. Меҳнат фаолиятини бошлаётган ва иш стажига эга бўлмаган шахслар янги уч даражали пенсия тизимида иштирок этишлари шарт. Меҳнат фаолиятига ислоҳотлар бошланган даврга қадар киришган шахслар учун янги тизимга ўтиш ихтиёрийдир. Ҳисоб китоблар 35-40 ёшдан кичик шахслар учун янги тизимга ўтиш фойдали бўлишини кўрсатади.

Модернизация қилинган тақсимловчи тизимдаги қоидалар янги тизимнинг биринчи даражасида ҳам амал қилади, яъни бу ерда унинг асосий принциплари: мажбурий хусусияти, давлат кафолатлари, авлодларнинг бирдамлиги ва хоқазолар сақланиб колади. Бироқ пенсиялар миқдори мўлжалланган ажратмалар ставкаларининг пасайишига мутаносиб равишда камайиб боради. Бунга кўра, ўртача иш ҳақи олган ва тўлиқ иш стажига эга

бўлган ходим ўртача иш ҳақининг 40% миқдорида пенсияга умид қилиши мумкин.

Иккинчи даража жамғариб бориладиган мажбурий пенсия ўзини ўзи таъминлашга, пенсия миқдорини киритилган шахсий пенсия бадалларининг миқдорларига қаттиқ боғловчи таъминотлаш принципига, шахсий пенсиянинг капиталлаштирилган схемасига асосланади.

Чехиядаги пенсия ислоҳотида асосий эътибор амалдаги таксимловчи пенсия тизимини модернизация қилиш ва ихтиёрий хусусий пенсия жамғармалари фаолиятини тартибга солиш масалаларига қаратилган. 1995 йилда қабул қилинган асосий давлат пенсия тизими тўғрисидаги қонунда аввало пенсия ёшини аста секин ошириб бориш назарда тутилган. 2006 йилга келиб пенсия ёши эркаклар учун 62 ёш ва аёллар учун 57-61 ёшга етди. Аввалги тизимда пенсия ёшини ҳисоблашда энг кўп иш ҳақи тўланган 10 йил асос қилиб олинар эди, бу давр аста секин 30 йилгача оширилади, барча пенсия имтиёзлари бекор қилинади.

Польшада ҳам янги пенсия тизими уч даражадан иборат: биринчи даража тақсимловчи пенсия схемаси, иккинчи даража жамғариб бориладиган мажбурий схема ва учинчи даража ихтиёрий жамғармалар.

Янги пенсия тизимида 30 ёшдан кичик ишловчиларнинг иштирок этиши мажбурий, крлганлар учун ихтиёрий. Пенсияга чиқиш ёшини хар бир иштирокчи ўзи танлайди, фақат бу ёшнинг қуйи чегараси эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам 62 ёш этиб белгиланган. Зарур меҳнат стажи иккала жинс вакиллари учун 25 йилгача оширилган.

Пенсия ислоҳотлари концепциялари ва улар атрофида кетаётган бахсларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради.

1. Ҳозирги босқичда ислоҳотлар замирида мавжуд тизимни ўзгартириш эмас, балки уни модернизация қилиш ва давлатнинг тақсимловчи пенсия тизими, жамғариб бориладиган схема ва ихтиёрий пенсия таъминотини ўзида мужассамлаштирган кўп даражали тизимни жорий этиш ётади.

2. Марказий ва Шарқий Европадаги мамлакатларнинг аксарияти ислоҳотларни амалдаги тақсимловчи пенсия тизимини модернизация қилишдан

бошлади. Бу пенсияга чиқиш ёшини ошириш, имтиёзли пенсияларни камайтириш ёки бекор қилиш, пенсия олиш учун зарур меҳнат стажини кўпайтириш ва бошқа чораларни ўз ичига олади.

3. Барча мамлакатларда янги тизимга босқичма босқич ўтилади.

4. Ўтишнинг айрим унсурлари, шунингдек уни молиялаштириш манбалари ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, Польшада бу мақсадларда хусусийлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

5. Ислоҳотларнинг концепциялари қаттиқ сиёсий рақобат шароитида ишлаб чиқилган ва муаллифларнинг режаларига жуда кўп ўзгартишлар киритилган, Айрим мамлакатларда муқобил вариантлар таклиф этилган ва мухокама қилинган.

6. Ислоҳотларнинг айрим жиҳатлари пухта ишлаб чиқилмагани барча мамлакатларда қайд этилади. Бу аввало капиталлар бозори ривожланмаган, хусусий пенсия жамғармалари фаолиятини тартибга солишнинг таъсирчан воситалари мавжуд бўлмаган шароитда мазкур жамғармаларнинг фаолиятига тегишли.

7. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, аксарият мамлакатларда пенсия ислоҳотлари иқтисодий ўсиш юз бераётган ва иш ҳақи ошиб бораётган шароитда бошланади.

Хитойда ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади аҳолининг фаровонлигини ошириш, шунингдек иқтисодий ислоҳот, шу жумладан давлат сектори корхоналаридаги ислоҳот учун кулай шарт шароит яратишдан иборат.

Ижтимоий таъминот ислохотининг бош йўналиши суғурта, пенсия таъминоти, тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек ишсизлик бўйича таъминотни ислоҳ қилиш. Хитойда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида ижтимоий кафолатлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у умуммиллий миқёсда қўлланилмокда. Корхоналарда банд бўлганлар учун пенсия таъминоти ва тиббий таъминот дастурлари бирхиллаштирилган. Таъминотнинг бу икки тури Хитой

учун мутлақо янги бўлган «шахсий» ва «ижтимоий» ҳисоб-варақларнинг уйғунлигига асосланади. Ишсизлик бўйича таъминот тизимининг схемаси ҳам белгиланган.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш йўлларини танлаш учун Хитой бошқа мамлакатлар тажрибасини 10 йил давомида ўрганди. Бунинг натижаси уларок Хитой ҳукумати 1997 йилда «Корхоналарда пенсияни таъминот қилиш ягона тизимини шакллантириш тўғрисида» карор қабул қилди. Ҳужжатда «шахсий» ва «ижтимоий» ҳисоб-варақларни жорий этиш зарурлиги кўрсатилди. Бу тизим умуммиллий миқёсда 1998 йилдан амал қила бошлади. Унинг асосий мазмунини мухтасар тарзда қуйидаги тўрт қоида билан тавсифлаш мумкин.

1) Амал қилиш соҳаси. Янги пенсияни таъминот қилиш тизими шаҳарлардаги барча корхоналарга ва барча шаҳар аҳолисига нисбатан татбиқ этилади. Шаҳар корхоналари деганда нафақат давлат мулкига мансуб корхоналар, балки коллектив, хусусий корхоналар, хорижий капитал иштироки даги корхоналар, унингдек чет эллик ватандошлар, Тайван, Гонконг, Макао компаниялари томонидан инвестициялашти риладиган корхоналар тушунилади. Бу ижтимоий таъминот жамғармани сезиларли даражада ошириш имконини беради. Энг муҳими, барча шаҳар корхоналари бир хил бошланғич шарт шароитларга, шунингдек рақобат учун одилона шарт шароитларга эга бўлади.

Янги пенсия тизими шаҳар иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг барча тоифалари, шу жумладан, хусусий корхоналарнинг мулкдорлари, ўзини ўзи банд қилган айрим ишловчиларга нисбатан қўлланилади.

Мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида, аҳолининг қариш суръатларида минтақавий фарқлар мавжудлиги сабабли ҳукумат пенсияни таъминот қилиш дастурини амалга оширишнинг айрим ҳудудлар бўйича ҳар хил режимини назарда тўтган. Марказга буйсинувчи шаҳарлар, жанубишарқий денгиз олди ҳудудлари, Марказий Хитойда янги дастурни жорий этишнинг асосий кўрсаткичларига 1998 йилда, бошқа ҳудудларда 1999 йилда эришилди. Умуман олганда, пенсия таъминоти билан қамраб олиш даражаси мамлакат бўйича 1997

йилдаёқ ҳар хил мулк шаклларидаги корхоналарда банд бўлганлар умумий сонининг 78,4% ни ташкил этди (1жадвал).

2) Таъминот бадаллари. Таъминотловчи ва унинг корхонаси ҳар ойда таъминот бадаллари киритиши лозим. Мазкур бадаллар тўланмаган ҳолда айбдорларга нисбатан таъсир чоралари, жиддий ҳолатларда жазо қўлланилади. Таъминот бадали миқдорини аниқлаш учун асосий кўрсаткичлар сифатида корхонанинг иш ҳақи жамғармасидан ва ишловчининг ўтган йилги ўртача ойлик маошидан фойдаланилади. Бу таъминот бадалларининг миқдорларини аниқлашга нисбатан ёндашувни стандартлаштириш имконини беради.

Пенсия ислоҳоти доирасида ҳукумат маош миқдорининг қуйи ва юқори чегараларини белгилаган бўлиб, пенсия нафақасининг миқдори шундан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур минтақадаги ишловчилар ўртача ойлик маошининг 60% ҳисоб китоб учун энг кам катталик ҳисобланади. Ишловчининг маоши бу ҳудуддаги ўртача ойлик маошдан 300% ортиқ бўлган ҳолда ортиқча ҳажм пенсия нафақасини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Мазкур амалиёт Хитойда ривожланган мамлакатлардаги пенсияни таъминот қилиш тажрибасидан ўзлаштирилган.

3) Пенсияни таъминот қилиш жамғармаси. Уни корхоналар, ишловчи, давлат ва бозор шакллантиради. Корхоналарнинг ажратмалари пенсия жамғармасини тўлдириш манбаларидан бири. Бу ажратмаларнинг катталиги иш ҳақи жамғармаси ҳамда ҳукумат белгилайдиган ажратмалар меъёрига боғлиқ бўлади. Хитой Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига амал қилиб, корхона ва ишловчиларнинг ажратмалари ўртасидаги нисбатни қайд этмокда. Нисбат 50:50 бўлса, бу иш ҳақи жамғармасига бадалларнинг 8% ни корхона ажратса, 8% ни ишловчи ўз маошидан ажратиши лозимлигини англатади. Ишловчи томонидан шакллантириладиган жамғарма ажратмалар меъёрининг ўсишига мутаносиб равишда ошиб боради.

4) Шахсий пенсия ҳисоб варақлари. Пенсия ислоҳоти доирасида жорий этилган шахсий ҳисоб варақлар Хитой учун янги ҳодиса бўлиб, у Сингапур ва

Чили тажрибасидан ўзлаштирилган. Унинг моҳияти шундаки, ижтимоий таъминот органлари ҳисоб-варақлар очадилар ва уларга хизмат кўрсатадилар, ишловчи ҳар ой ўз ҳисоб-варағига ўзининг ойлик маошидан қайд этилган фоиз бўйича таъминот бадаллари киритади. 1998 йилда бу фоиз 4 га тенг бўлса, янги аср бошида 8% га етди. Бу маблағлар ходимнинг шахсий мулки ҳисобланади, бироқ у мазкур маблағлардан истеъфо ёки пенсияга чиққунга қадар фойдалана олмайди.

Пенсия шахсий ҳисоб-варағи ходимни ўз маҳорати ва кўникмаларини ошириш, кўпроқ маош олиш ва кўпрок суғурта бадали тўлаш, бинобарин, қариликда кўпроқ пенсия олишга рағбатлантиради. Боз устига, шахсий ҳисоб-варақларнинг мавжудлиги ходимда ҳимояланганлик, шунингдек ўз корхонаси, давлатига елкадошлик ҳиссини уйғотади.

Японияда ижтимоий таъминот комплекс хусусиятга эга. У даромаднинг энг кам миқдори (пенсиялар, меҳнатга кобилиятсизларни таъминлаш), соғлиқни таъминот қилиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатишни кафолатловчи тўловларни ўз ичига олади. Ижтимоий таъминот тизимининг концепцияси шунга асосланадики, у нормал фаолият кўрсатиши учун нафақат давлат ва бизнеснинг, балки ҳар бир фуқаронинг саъй-ҳаракатлари зарур.

Ижтимоий таъминот таркибида энг кўп суммалар пенсия тўловларига йўналтирилади. 80-йилларнинг ўрталаридан пенсия тизими аста-секин ислоҳ, қилинмокда. У анча мураккаб ва серқатламдир. Ислоҳотнинг вазифаси - пенсия тизимини бир хиллаштириш ва уни икки қатламли қилиш. Бунда у бутун аҳолини камраб оладиган миллий пенсия тизими (асосий пенсия) ҳамда ёлланма ходимларга тўланадиган пенсиялардан ташкил топади.

Асосий пенсия қарилиқ, ногиронлик бўйича, шунингдек барча муҳтожларга тўланади. Учдан бир қисми давлат бюджетидан, учдан икки қисми ҳар хил пенсия таъминот жамғармаларидан маблағ билан таъминланади. Ҳар бир ишловчи фуқаро у ёки бу жамғармага ҳар ойда 100 долларга яқин маблағ киритади (1994 йил). 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳолининг деярли барчаси пенсия жамғармаларини таркиб топтириш учун ишлайди. 90-йилларнинг ўрталарида асосий пенсия 65 минг иена (тахминан

600 доллар)ни ташкил этган. Шундай қилиб, пенсионерлардан иборат оилавий жуфтлик 1200 доллар миқдорида даромад олган.

Хусусий сектор ёлланма ходимларининг пенсия жамғармаси корхоналарнинг ажратмалари, ходимларнинг бадаллари ва давлат киритган қўшимча маблағлардан ташкил топади. Пенсия эркак жинсига мансуб ходим ойлик маошининг (бонусларсиз) 70% га яқинини ташкил этади. Бу ҳолда пенсионерлар оилавий жуфтлигининг даромади эр ва хотиннинг асосий пенсиялари билан бирга ёлланма ходимни таъминот қилиш пенсиясидан таркиб топади. 1994 йилда улар жамланган ҳолда ўрта ҳисобда 2200 доллардан ортиқ бўлган.

Давлат ва муниципал корхоналар ва муассасалар ходимларшинг пенсия жамғармалари иш жойида ташкил этиладиган ўзаро ёрдам жамиятларининг маблағларидан, шунингдек корхоналарнинг тўловлари ва давлат дотацияларидан таркиб топади.

Қарилик бўйича асосий пенсияни олиш учун фуқаро 65 ёшга тўлиши ва 25 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Шахс 60 ёшда пенсияга чиққан тақдирда, бундай пенсия миқдори белгиланган даражанинг 58%и гача камайтирилиши, 70 ва ундан катта ёшда пенсияга чиққанда эса, 188%и гача кўпайтирилиши мумкин.

Ижтимоий таъминот тизимининг иккинчи унсури - соғлиқни суғурта қилиш. Бутун аҳолини қамраб олувчи олти муқобил тизим мавжуд:

- хусусий сектордаги ёлланма ходимларнинг соғлиғини таъминот қилиш;
- денгизчиларни таъминот қилиш;
- давлат корхоналари ва муассасаларини таъминотлаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари;
- муниципал корхоналар ва муассасаларни таъминотлаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари;
-ўқитувчиларни ва хусусий мактабларнинг бошқа ходимларини таъминотлаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари;

- якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, шунингдек ишламайдиган шахсларнинг соғлиғини миллий миқёсда таъминот қилиш.

Тизимнинг учинчи унсури *ижтимоий ёрдам кўрсатиш* минимал турмуш даражасини ўзи таъминлай олмайдиган шахсларни қамраб олади. Бундай ёрдам яшаш минимумининг кафолатлари тўғрисидаги қонунга биноан кўрсатилади ва етти номинация бўйича тўланади:

- кундалик эҳтиёжлар;
- таълим олиш;
- турар жой;
- тиббий хизмат кўрсатиш, оналик;
- ишсизлик бўйича;
- дафн маросимларига.

Мазкур қонун қабул қилинган 1951 йилда бундай ёрдам аҳолининг 2,4% ига кўрсатилган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарида бу кўрсаткич 0,7% ни ташкил этди. Тўловлар учун маблағлар марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан 75:25 нисбатда берилади.

Япония ҳукумати ижтимоий таъминот муаммолари орасида қарияларга муносиб турмуш даражасини яратишга катта эътибор беради. Бу мазкур тоифадаги шахслар сони ошиб бораётгани ва 2025 йилга бориб 5,2 млн. кишига (1993 йилда 2 млн. киши) етиши билан боғлик. Япония БМТ томонидан тузилган «қари жамиятлар» рўйхатига киритилгани бежиз эмас. Бундан ташқари, ҳаётнинг давомийлиги ўсаётгани ва мазкур тоифага мансуб аҳолининг меҳнат фаоллиги даври ошаётгани, шунингдек ёш ишчи кучи тақчиллиги туфайли қариялар меҳнат бозорининг муҳим таркибий қисмига айланади.

Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларидан бири саналган, БМТ маълумотларига кўра (1993 йил) ҳаёт сифатининг умумий кўрсаткичи жиҳатидан биринчи ўринга чиққан мамлакат Японияниинг ижтимоий таъминот тизими, унинг аҳолиси пенсиялар ҳамда соғлиқни таъминот қилиш билан кенг камраб олинганлиги, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимоя қилинмаган аҳолига манзилли ёрдам кўрсатилиши, ижтимоий таъминот тизимига мамлакатдаги

вазиятда юз берган ўзгаришларга қараб тузатишлар киритиб борилиши ва бу соҳадаги асосий вазифалар белгиланиши каби жиҳатлари алоҳида диққатга сазовордир.

3. Ривожланаётган давлатлар пенсия тизимларинng хусусиятлари.

Мажбурий пенсия таъминоти ва меҳнат пенсиялари тўғрисидаги қонунлар пакети қабул қилиниши билан Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимининг қуйидаги таркиби юзага келди:

қарилик ёки ногиронлик бўйича (асосий, таъминот ва жамғариб бориладиган қисмлар таркибидаги) меҳнат пенсиясини ҳамда қаровчисини йўқотганлик учун (асосий ва суғурта қисмлар таркибидаги) меҳнат пенсиясини ўз ичига олувчи мажбурий пенсия таъминоти;

иш берувчиларнинг бадаллари ва фуқароларнинг мустақил пенсия жамғармалари ҳисобидан тўланадиган пенсияларни ўз ичига олувчи ихтиёрий пенсия таъминоти.

«Мажбурий пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида»ги Федерал Қонунларга биноан ҳозирги вақтда иш олиб бораётган ва тегишли лицензияларга эга бўлган пенсия жамғармалари Россия Федерациясида пенсия таъминотининг юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларидан ҳар бири бўйича фаолият кўрсатишга ҳақлидир.

Пенсия тизимининг таркибий қисмларидан ҳар бирини муфассалроқ куриб чиқамиз.

Мажбурий пенсия таъминоти

Пенсия ислоҳоти конпепциясига биноан ҳозирги давлат пенсияси уч қисмдан ташкил топиши лозим:

I. Асосий ёки ижтимоий қонун билан белгиланган, ҳамма учун бир бўлган пенсиянинг энг кам миқдори. У илгари қонунлар, фармонлар билан белгиланган пенсиянинг энг кам миқдори, компенсация тўловлари ва пенсияга устамаларни бирлаштирган. Унинг миқдори маошга ҳам, меҳнат

фаолияти давомида тўланган таъминот бадаллари суммасига ҳам боғлиқ эмас. Умуман олганда, шахснинг меҳнат фаолияти қандай бўлганидан қатъи назар, давлат унга инфляцияга мувофиқ индексация қилинадиган муайян даражадаги даромад тўланишини кафолатлайди.

II. Таъминот қисми пенсия стажига, яъни корхона ходим учун Пенсия жамғармасига ажратмаларни амалга оширган даврга ва бу ажратмалар суммасига боғлиқ. Шахсга ҳар ойда тўланадиган меҳнат пенсияси таъминот қисмининг миқдорини ҳисоблаш жуда осон: пенсия тайинланган кунгача шаклланган пенсия капиталини кутилаётган пенсия тўловлари давридаги ойлар сонига бўлиш кифоя. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида меҳнат пенсияларини ҳисоблаш учун 19 йил (288 ой)дан иборат давр қонунийлаштирилган.

Пенсия капитали пенсия тайинлангунга қадар нарх-наво ҳамда мамлакатдаги ўртача ойлик маошнинг ўсишига қараб индексация қилиб борилади.

III. Жамғариб бориладиган тизим ҳам пенсия жамғармалари миқдорига боғлик. Бироқ, таъминот қисмидан фарқли ўлароқ мазкур пенсия жамғармалари нафақат иш берувчи тўлаган солиқлар суммасидан таркиб топади, балки бу маблағларни ҳар хил инвестицион воситалар ёрдамида кўпайтирадиган нодавлат пенсия жамғармаси ёки бошқарувчи компаниянинг танланишига ҳам муайян даражада боғлиқ бўлади. Пенсия тайинланганидан сўнг жамғариб бориладиган қисмнинг миқдори ҳар йили инвестициялашдан олинган даромадларни ҳисобга олган ҳолда индексация қилинади.

«Россия Федерациясида мажбурий пенсия таъминоти тўғрисида»ги Федерал Қонунга биноан пенсиянинг бу қисмини шакллантириш учун киритиладиган бадал миқдори маошнинг 26%ини ташкил этади.

«Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида»ги Федерал Қонунга биноан, юқорида кўрсатилган бадаллар кимнинг фойдасига киритилаётган ёки илгари киритилган бўлса, шу шахс Россия Федерациясининг Пенсия жамғармасига ўз пенсиясининг жамғариладиган қисмини нодавлат пенсия жамғармаси ёки бошкарувчи компанияга ўтказиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек,

жамғарилган маблағларни бир нодавлат пенсия жамғармасидан бошқа нодавлат пенсия жамғармасига ўтказиш тартиби ҳам назарда тутилган. Шундай қилиб, фуқаро ўз пенсия жамғармаларини шакллантиришнинг оқилона усулини танлаш ва уларнинг шаклланишини назорат қилиб бориш имкониятига эга.

Ихтиёрий пенсия таъминоти

Ихтиёрий пенсия таъминоти Россия пенсия тизимининг узвий таркибий қисми ҳисобланади ва нодавлат пенсия жамғармаларида пенсия жамғармаларини фақат иш берувчилар ёки фуқароларнинг қўшимча *ихтиёрий* бадаллари ҳисобидан шакллантиришни назарда тутади. У ҳар хил шаклларда, чунончи: айрим корхоналар ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш тармоқларининг пенсия тизимлари, ўз фойдаси ёки ўз яқинларининг фойдасига бадаллар киритувчи айрим фуқароларнинг пенсия таъминоти шаклида амалга оширилади. Шартлари қонунда белгилаб қуйилган давлат мажбурий пенсия таъминотидан фарқли ўлароқ ихтиёрий пенсия таъминотининг шартлари омонатчи билан жамғарма ўртасида тузилган шартномага мувофиқ белгиланади.

Нодавлат пенсия жамғармаларида маблағларни ҳозирги вақтда ишлаётган фуқаролар ҳам, доимий равишда бадаллар киритиш учун етарли даромадга эга бўлган фуқаролар ҳам жамғариб боришлари мумкин. Пенсия жамғармалари бир марталик тушумларга эга мижозларнинг эҳтиёжларини қондирувчи вариантларни ҳам таклиф қилади.

Омонатчи ва жамғарма ўртасидаги муносабатлар схемаси: омонатчининг эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ белгиланган пенсия шартномаси шартларига кўра омонатчи жамғармага пенсия бадаллари киритади. Жамғарма турли-туман инвестиция воситалари ёрдамида бу маблағларнинг сақланиши ва ўсишини таъминлайди, омонатчи пенсия ёшига тўлгач, унга пенсия тўловларини амалга оширади.

Ҳозирги вақтда қонун ҳужжатларига биноан нодавлат пенсия жамғармаларига киритиладиган бадалларга ва нодавлат пенсия жамғармаларидан олинадиган пенсияларга ҳеч қандай солиқ солинмайди.

Корхоналар учун эса, ходимлар фойдасига бадаллар киритиш солиқ солинадиган базани камайтиради. Шундай қилиб, нодавлат пенсия жамғармаларига маблағлар киритиш чиндан ҳам фойдали бўлиб колди.

Россияда пенсия таъминотида баъзи бир муаммоларга тўқнаш келинмокда. Биринчи ўринга «авлодлар тўқнашуви» муаммосини қўйиш мумкин. Халқаро меҳнат бюроси маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳоли қарийб 100 млн. кишини ташкил этади, холбуки, аҳолининг умумий сони 321 млн. кишига тенг. 60 ёшдан катта шахслар улуши аҳоли умумий сонининг 20% га яқинини ташкил этади. Прогнозларга қараганда, 2025 йилга келиб 65 ёшдан катта шахслар сони 21 млн. кишига кўпаяди, потенциал фаол аҳоли сони эса 15 млн. кишидан кўпроққа камаяди*[31]. Россияда бу нисбат қуйидаги кўринишга эга: меҳнатга кобилиятли ёшдаги ҳар минг кишига 350 дан кўпрок пенсия ёшидаги шахслар туғри келади. Бу шароитда пенсия ёшини ошириш масаласининг қўйилиши бир қарашда табиий ҳолдек бўлиб туюлади. Дарҳақиқат, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ёш цензининг умумий чегаралари Россиядагидан анча юқори. Айрим мамлакатларда фуқаро кайси жинсга мансублигидан катъий назар, ягона ёш цензи белгиланган (Данияда 67, Францияда 60, Германия, Испания, Бельгияда 65 ёш). Буюк Британияда пенсия ёши эркаклар учун 65 ва аёллар учун 60 ёшни ташкил этади. Фақат Италияда ёш цензи Россиядагига ўхшаш, яъни эркаклар учун 60 ва аёллар учун 55 ёш. Бироқ пенсия ёшини янада ошириш муаммоси хатто шу давлатлар учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пенсия ёши анча паст бўлган мамлакатларни ёш цензининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Масалан, Францияда

---

[31]Самойлова Р.М. Пенсионное обеспечение в странах членах Европейского Союза . Труд за рубежом. 1994. №1. 326.

2040 йилга келиб у 61-62 ёшгача ошса, Италияда 65 ёшгача ортади, лекин бу эркаклар учун 2010 йилда, аёллар учун эса 2016 йилда юз бериши мумкин.[32] Пенсия ёшини ошириш муаммоси келажакда Россияни ҳам четлаб ўтмаса керак. Меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришлар демографик муаммоларни янада кучайтирмокда: иш билан таъминланган аҳоли сони, айникса, ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида камаймокда, солиқ интизомининг бузилиши кўпроқ даражада иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар сони ҳисобига кўпайиб бораётир (ҳозир уларнинг бандлик таркибидаги улуши 62% ни ташкил этади). Тегишли равишда, умумий қоидага кўра Пенсия жамғармасига таъминот бадаллари ундириладиган иш ҳақининг улуши камайиб бормокда. Масалан, 2002 йилда у аҳоли умумий даромадининг 69,9% ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 40 % ни ташкил қилди.

Бундан ташқари, мажбурий пенсия таъминоти фуқаролик ҳуқуқий хусусиятига эга бўлган тегишли шартномалар бўйича ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи шахсларга нисбатан татбиқ этилади: бунда таъминот бадаллари ходимларга тўланиши лозим бўлган тўловларга нисбатан 28% ни ташкил этади. Шундай қилиб, Россияда пенсия тизими қайта тақсимлаш ва авлодларнинг бирдамлиги принципларига асосланади: бугунги кунда ишлаётган фуқаролар қариялар, ногиронлар, қаровчисини йўқотган оилаларга пенсиялар тўланишини таъминлайди, бироқ келажакда уларнинг пенсия соҳасидаги шахсий режаларининг руёбга чиқиши иқтисодий, демографик ёки бошҳа сабабларга кўра хавф остида қолиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, пенсияни ҳисоблашда ўртача маош таъминот бадалларини ҳисоблашда асос бўлган энг кўп миқдор билан чекланиши мумкин. Одатда бу миқдор мамлакат бўйича иш ҳақининг ўртача даражасига тенг ёки ундан бироз катта бўлади. Россияда Пенсия жамғармасига таъминот бадаллари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига бирон-бир чеклашларсиз қабул қилинади, бироқ бунда пенсиялар сунъий равишда энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида белги-

[32] Дмитриев М. Социальные реформыи бюджетный кризис в Российской Федерации . Социальная политика в период перехода к рынку: проблемы ирешения. М: Московский центр Карнеги, 1996. 256.

ланган ва пенсионернинг яшаш минимумидан атиги 10-15 % ортиқ бўлган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас[33]. Пенсия тайинлаш учун ўртача маош ё пенсияга чиқиш ҳақида ариза беришдан олдинги меҳнат фаолиятининг 24 ойи учун, ё аризачи ҳоҳишига кўра бутун меҳнат фаолияти давридаги ҳар кандай сурункасига 60 ой учун ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ўртача иш ҳақини ҳисоблашнинг узоқроқ даврига ўтишни назарда тутади.

Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси уч даражали пенсия тизимини ташкил этишни назарда тутади. Биринчи даража асосий ёки ижтимоий пенсияни ўз ичига олади; иккинчи даражага меҳнат (суғурта) пенсияси киради; учинчи даража факультатив, қўшимча бўлади. Қўшимча пенсия таъминотини профессионал пенсия тизимлари ёки нодавлат пенсия жамғармалари (шахсий ёки коллектив пенсия таъминоти доирасида) беради. Россия қонунчилиги Fарб мамлакатларига хос бўлган пенсия таъминоти андозаларини қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Маълумки, бу пенсия таъминоти тизимларига асосан айрим турдаги пенсияларни хусусийлаштириш, тўловлар миқдори нуқтаи назаридан пенсия қўшимча шаклларининг устунлиги, давлат тизимларида таъминлашнинг энг кам даражаси кафолатланиши хос.

Шуни таъкидлаш лозимки, пенсия таъминотининг хорижий андозаларини ўзлаштириш фақат иқтисодий ўсиш юз берган, давлат тизимида маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги ошган ва бу соҳада тегишли назорат амалга оширилган, қўшимча пенсия таъминоти аввало солиқ имтиёзлари ҳисобидан рағбатлантирилган шароитдагина муваффақият қозониши мумкин.

[33] Самойлова Р.М. Пенсионное обеспечение в странах членах Европейского Союза – Труд за рубежом. 1994. №1. 346.

Назорат учун саволлар:

1. Хорижий мамлакатлардаги пенсия жамғармалари моделлари шаклланган?
2. Марказий ва Шаркий Европа мамлакатларидаги пенсия ислоҳотлари қандай босқичларда амалга оширилган?
3. Пенсия таъминотининг консерватив (корпоратив) модели қандай мамалкатларда амал қилади?
4. Пенсия таъминотининг социал-демократик модели қайси тамойиллар асосида шаклланган?
5. Ривожланган хорижий давлатларнинг пенсия тизимларида қандай имтиёзлар механизми шакллантирилган?
6. ФҚШ пенсия тизимида нархларга қараб пенсияларни индексация қилиш тартиби қандай шаклланган?
7. Чили ва Лотин Америкаси пенсия тизимларининг ижтимоий таъминот механизмларини тавсифланг.
8. Пенсия жамғармалари молиявий ресурсларини ссуда капиталлари бозорида инвестициялаштириш тартиби қайси мамлакатларда амал қилади?
9. Европа ва Шарқий Европа пенсия таъминоти тизимларининг ўхшашлиги ва тафовутларини аниқланг.
10. МДҲ мамлакатларида қандай пенсия моделлари шаклланган?
11. Россия пенсия таъминоти тизимида мажбурий ва ихтиёрий пенсия таъминоти тамойилларининг ижобий хусусиятларини тушунтиринг.
12. Шимоли-шарқий Осиё мамлакатлари пенсия тизимларинингмолиялаштириш манбалари ва харажат йўналишларини тушунтиринг.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР БЎЙИЧА ГЛОССАРИЙ

амалдаги иш ҳақи – пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун қўлланиладиган шахснинг амалдаги иш ҳақи;

банд шахс – ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган ва иш вақтини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган жисмоний шахс, тадбиркор, шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, бевосита қорамол ўстирадиган ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида банд бўлган шахс, шунингдек оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъекти;

болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти – болани парваришлаш таътили берилиши ва ундан қайтиш тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда ташкилот томонидан берилган, болага қаралган вақтни тасдиқлайдиган маълумотномалар асосида белгиланади;

боқувчисини йўқотганлик пенсиялари – вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва қонунда белгиланган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади;

боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи – меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар – Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари;

бюджет жараёни – Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мажмуи

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари – жамғарма даромадлари ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари, фуқароларнинг суғурта бадаллари, корхона ва ташкилотларнинг мажбурий ажратмалари ва бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари – жамғарманинг маблағларидан ишлаётган ва ишламайдиган пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш, пенсионерларга давлат пенсияларини тўлаш, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга, дафн этиш маросими учун нафақалар, белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа харажатлар учун фойдаланилади;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври – иш даврида бошланган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври давомийлиги ушбу иш жойи бўйича бериладиган маълумотномалар бўйича белгиланади;

диний ташкилотларнинг банд бўлган шахси ва ходимига (шу жумладан диний маросимларни бажарувчига) иш стажи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш шарти билан уларнинг иш даври қўшиб ҳисобланади.

дотация – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

ёшга доир пенсия – бу фуқаронинг аввалги даврлардаги мехнат фаолияти учун ёши ва мехнат стажи ҳисобга олинган ҳолда умрбод моддий таъминлаш учун ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтариб олмасликлари шарти билан мунтазам равишда тўлаб туриладиган тўловлардир;

ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи – ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар;

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи) – жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади);

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти – фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи –Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга;

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари – давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси - жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади ва уни бериш тартиби, дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи - **ж**амғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга;

ижодий ходимларнинг иш стажи – 1991 йил 1 январгача ижодий уюшмалар аъзолари ҳисобланган ижодий ходимларнинг иш стажи ушбу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдида ижро этилган (намойиш қилинган) кунни тасдиқлайдиган ижодий уюшмалар бошқарувлари томонидан берилган маълумотномалар билан, 1991 йил 1 январдан кейин иш стажини белгилаш учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш даври тўғрисидаги маълумотномалар асосида ижодий уюшмалар бошқаруви томонидан берилган ижодий фаолият даври тўғрисидаги маълумотнома қабул қилинади;

иш билан банд бўлган шахснинг иш стажи –Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлимининг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси бўйича белгиланади;

иш стажи – меҳнат дафтарчаси ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия – пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади;

иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши – пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорлари ёшга доир пенсиялар-пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

иш стажи учун I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияларнинг оширилиши – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун-боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади;

иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти – тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақининг айнан шу ой учун энг кам ойлик иш ҳақи нисбати сифатида аниқланадиган миқдор;

махсус иш стажи – халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги;

махсус иш стажининг тасдиқланиши – театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари ва жамоаларининг артистлари айрим тоифаларининг имтиёзли пенсия таъминоти олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажи меҳнат дафтарчаси билан тасдиқланади;

меҳнат дафтарчасида зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда махсус иш стажи – касб (лавозим)нинг номи, бажариладиган ишнинг жанрга мансублиги, хусусияти ёки иш кечган ташкилотнинг мақоми тўғрисида меҳнат дафтарчасида зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда махсус иш стажи ушбу шахсга нисбатан маълумотлар мавжуд бўлган иш жойидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади;

меҳнат дафтарчаси – иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади;

молия йили – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр;

ногиронлик пенсиялари – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади;

ногиронлик гуруҳлари – соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади;

пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови;

пенсия миқдори – иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан, пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан таркиб топади;

пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди – улар асосида пенсия сўраб мурожаат қилган шахсга пенсия тайинланган ҳужжатларнинг тикилган туркуми;

пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турадиган жой – пенсия олиш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими;

пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш – пенсия тайинлаш, пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган (тўхтатилган) пенсия тўлашни белгиланган тартибда тиклаш (қайта тиклаш) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ариза бериш;

ТМЭК – ҳаёт фаолияти чекланганлигини экспертизадан ўтказиш, ногиронлик гуруҳини, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари;

учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимларнинг айрим тоифаларига имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган махсус иш стажи – учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар учун – тегишли ташкилот томонидан берилган училган соатларни тасдиқлайдиган маълумотнома билан тасдиқланади.

Учувчи-синовчилар таркибига кирадиган айрим ходимларнинг синов техникасини синашда бандлиги ташкилотлар томонидан берилган маълумотномалар билан тасдиқланади;

фермер хўжалиги аъзоси ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ходимининг иш стажи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланишининг амалдаги даври бўйича аниқланади;

харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти – харбий хизматчиларни, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиб, бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади;

чет элда ишлаш даврлари бўйича иш стажи – Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган бўлса, қўшиб ҳисобланади;

шахс – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва белгиланган тартибда истиқомат учун берилган гувоҳнома олган хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи – фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб

қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш - жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари фуқаронинг паспорти асосида очади;

шахсий ғазна ҳисобварақлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган таҳлилий ҳисоб регистрлари;

шахснинг ИКЗ – ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар, (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет олтмиш ойидан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади;

янги никоҳдан ўтилганида пенсияни сақлаб қолиш – эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади;

яшаш жойи – турар жой, квартира, хизмат турар жойи, ихтисослаштирилган уйлар (ётоқхона, пансионат, ёлғиз кексалар учун махсус уй, ногиронлар, фахрийлар учун интернат уй ва бошқалар), шунингдек пенсия учун мурожаат қилган жисмоний шахс ижарага олиш шартномаси (иккиламчи ижара), ижара шартномаси ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича мулкдор сифатида доимий яшайдиган (доимий рўйхатдан ўтган) бошқа турар жой, доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган (доимий рўйхатдан ўтмаган) тақдирда – вақтинча яшаш (вақтинча рўйхатдан ўтиш) жойи;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети) – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иш стажи – Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги ишга тўғри келадиган стажнинг учдан биридан ортиқ бўлмаган доирада киритилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланиш (контракт) бўйича чет элдаги иш стажи – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан меҳнат дафтарчаларига киритиладиган ёзувлар бўйича аниқланади;

қонуний вакил – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шундай деб эътироф этилган фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомийлик қилувчи;

қорамол етиштириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларга меҳнат стажи – агар мазкур шахс ушбу календарь йилнинг камида 9 ойи мобайнида бадаллар тўлаган бўлса пенсия тайинлаш учун иш стажига тўлиқ календарь йил қўшиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008. -40б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил. 14 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.26 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил. 3 сентябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2010 йил 26 ноябр.
6. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2012 йил 5 январ.
7. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 26.12.2013 й. ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1675-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1887-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқукий ҳужжат-ларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ЎзР ВМ 01.04.2011 й. 100-сон, 11.11.2010 й. 250-сон, 03.02.2012 й. 30-сон Қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги Қарори. “Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.
15. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”., 1999. -48б.
16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: “Ўзбекистон”. 2010. -80 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигнга бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил, 8 декабрь.
18. Каримов И.А.“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир.\\ Халқ сўзи. 2012 йил. 8 декабр.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2014 йил. 19 январ.

Асосий ва қўшимча адабиётлар

20. Абдурахмонов Ҳ. Х. Мсҳнат иктисодиёти. Дарслик. «Меҳнат» нашрибги. 2004 йил. -535 б.
21. Антропов В.В. Социальная зашита а странах Европейского союза. Монография. -Москва.: Издательство «Экономика».2006. 73с.
22. Воҳобов А.В., Маликов Т.С Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -316 б.
23. Воҳобов А.В, Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -287б.
24. Воҳобов А.В.. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтиимоий фондлар. Монография. -Т.: «Шарқ». 2003. 320 б.
25. Дмитриев М. Социальные реформыи бюджетный кризис в Российской Федерации . Социальная политика в период перехода к рынку: проблемы и решения. М: Московский центр Карнеги, 1996. 256.
26. Кадомцева С.В. Экономические основы сиситемы социальной зашиты. Монография. -Москва.: 1997. –С 248.
27. Саидов М.Х. Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изохли луғати. -Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”. 2004. -121б.
28. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. Учебник.- М.: «ЮНИТИ-ДАНА». 2011. -703 с.

29. Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ». 2006. -480 б.
30. Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси буджет тизими. Т.:«инфоСОМ.УЗ». 2010. 480б.
31. Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Адолат”. 2009. -172 б.
32. Қосимова Г. Ижгимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари Монография. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. -116 6.
33. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 212 б.

Даврий нашрлар, тўпламлар

34. Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б.8-12.
35. Ахмедов М. Иқтисодиётда “узун” молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. - Тошкент. 2012. №2. – Б.132
36. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. − Тошкент, 2010.- № 4.− Б. 21-27.
37. Вахабов Д.Р. Жаҳон пенсия тизимининг асосий йўналишлари // Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами.− Тошкент, 2010. – Б. 241-244.
38. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис...к.э.н. - М.: Российский университет дружбы народов. 2008. -27 б.
39. Колесник А.П. Тенденции развития пенсионний системы и ее адаптация к условиям рыночной экономики. «Пенсия», №1, 1997.
40. Мойрер А. Какую систему пенсионного обеспечения выбрать: перераспределительную или накопительную? «Человек и труд». №2, 1997 г.
41. Самойлова Р.М. Пенсионное обеспечение в странах – членах Европейского Союза. Труд за рубежом. 1994. №1.с.32.
42. “Пенсионное обеспечение граждан”. Спровочник для населения, Т.:2010 г. , Библиотека газеты “Норма”
43. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам – Т.: «Ўзбекистон». 2011. – 140 б.

Интернет-сайти маълумотлари

www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.

www.treasury.uz Казначейство Министерства Финансов Республики Узбекистан.
www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
www.stat.uz Ўзбекистон республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси.
http://www.soliq.uz/uz Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Қўмитаси.